

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 7 март, пайшанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 17-18 (7421)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4 март куни Оқсаройда Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайни қабул қилди

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз раҳбари у орқали Афғонистон халқига хурмат-эҳтиром изҳор этди.

— Зеро афғон халқи деганда, асрлар давомида биз билан ёнма-ён яшаб, ҳар томонлама алоқада бўлиб келган инсонларни тушунамиз, - деди Ислон Каримов. - Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жуда кўп синовларни, кўплаб мусибатларни бошдан кечирган афғон халқининг иродаси букилгани йўқ. Узоқ йиллик ғам-ташвишлар унинг озод ва фаровон келажакка ишончини сўндира олмади.

Қайд этмоқ лозимки, қўшни халқнинг ташвишини енгил қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. БМТ Бош ассамблеясининг сессияларида бу муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қаратди. «6+2» гуруҳи тузилишининг ташаббускори ҳам Ислон Каримовдир. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг ҳарбий босқичи ниҳоясига етгач, ўта оғир шароитда ҳаёт кечириётган афғонистонликларга ёрдам сифатида юборилаётган озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларнинг салмоқли қисми Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтмоқда. Ўзбекистон мурувват қўлини чўзишда ҳам четда

(Давоми 2-бетда)



НАЗОКАТ СОҲИБАЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 72-сонли Қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларнинг беш нафари мактаб ўқувчиларидир. Орзугул Ҳамроева Бухоро вилояти Жондор туманидаги 5-мактабнинг 9-синфида, Шаҳноза Раҳмонова Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 4-мактабнинг 9-синфида, Муқаддасхон Улуғхўжаева Наманган вилояти Косонсой туманидаги 42-мактабнинг 9-синфида, Ма-

лика Ғайбиева Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 2-мактабнинг 7-синфида, Манзура Холмирзаева Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 2-мактабнинг 9-синфида ўқийди.

Айёмлар нафаси сезилиб турган кунларда бу нафосат, назокат ва иқтидор соҳибалари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев қабулида бўлдилар. Вазир Зулфияxonим набираларини юксак мукофотга сазовор бўлган-

(Давоми 2-бетда)


МАКТУБ

Ўзбекистон ва Франция мамлакатларининг ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига Франция Республикаси Президенти Жак Ширак эзгу тилаклари битилган мактуб йўллади.

ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Олий

СЎНГИ УЧ КУН МУҲДАЛАРИ



Мажлиси Кенгаши Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясини

2002 йил 4 апрель куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида Қарор қабул қилди.

ТАҚДИМОТ

Вашингтонда Л.Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг тақдимоти бўлиб ўтди ва унда АҚШ давлат муассасалари, нодавлат ташкилотлар, мамлакат илмий ва ишбилармон доиралари, Америкадаги етакчи нашрларнинг вакиллари иштирок этишди.

ГАЗЕТАМИЗНИ БАРАҚАЛАНДА

Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари юзасидан
Кўшма Баёнот
2-БЕТ

Хилват эшигини ёпгину, суҳбат эшигини оч

Ғиждувоний таълимотидаги илоҳийлик ва дунёвийлик жиҳатлари
3-БЕТ

Таълимда ташхис — масъулиятли тадбир
4-БЕТ

Фозила Сулаймонова:
Нур Шарқдан
5-БЕТ

Сиртқи телевизион олимпиада
9-БЕТ

Санъаткор бўламан деган боладан, ҳуқуқшунос чиқадими?
8-хўд ўқувчининг касб-ҳунар танлашида ота-она хоҳиши эмас, балки унинг қизиқиши, лаёқати ва қобилияти муҳимлиги ҳусусида
13-БЕТ

Эҳтиром
Меҳмонларимиз аёллар ҳақида
15-БЕТ

Она улуг, сўзи қутлуғ, қалби меҳрга тўлиқ
16-17-БЕТЛАР

«Тенгри Таоло ризоси ота ризосига вобастадур»
24-БЕТ

Китобхон оила фарзанди китоб ўқийди
32-БЕТ

ОҚСАРОЙДА
ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

қолаётгани йўқ. Хусусан, Хамид Карзайнинг юртимизга ташрифи чоғида умумий баҳоси 350 минг АҚШ доллари тенг келадиган йигирмага яқин транспорт воситаси Афғонистонга берилди.

Меҳмон бундай кўпдан-кўп ёрдамлар ва Афғонистон муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбарига самимий миннатдорчилик билдирди. Ўзбекистоннинг афғон муаммосига муносабатини, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги халқро ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини юксак даражада қадрлашни таъкидлади.

Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан, аввало, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам манфаатдордир. Бу бизга катта-катта коммуникациявий магистраллар ва жаҳон бозорига чиқишнинг муқобил йўллари очиш имконини беради. Учрашувда Хамид Карзай Афғонистон ҳам минтақамиз давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканини ва бундан жуда манфаатдорлигини яхши англашни таъкидлади.

Сўхбат чоғида Афғонистондаги вазият, ушбу мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш, икки томонлама муносабатлар кўламини кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Хамид Карзайнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари юзасидан
ҚЎШМА БАЁНОТ

2002 йилнинг 2-4 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Хамид Карзайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди.

И.Каримов ва Х.Карзай музокаралар утказиб, унда узбек-афғон муносабатларининг аҳоли, уларни ривожлантириш истиқболлари, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, можародан кейинги даврда мамлакатни қайта тиклаш ҳамда бошқа долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама этдилар.

Музокаралар дустона, узаро бир-бирини англаш ва амалий муҳитда ўтди. Томонлар ҳар икки давлат ва халқни асрлар давомидаги тарихий муштараклик, диний ва маданий қадриятлар боғлаб туришни таъкидладилар. Афғонистон заминда Алишер Навоий, Абу Райхон Беририй, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Машраб каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари, урта аср давридаги давлат арбоблари ва бошқа улуг аждодларимиз яшаб ижод қилганлар. Уларнинг номлари ва шарафли ишлари Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари учун бениҳоят қадридлир.

Томонлар изчиллик билан ҳар томонлама яхши қўшничилик, биродарлик ва дустона алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлашга булган буқилмас иродаларини таъкидладилар ҳамда икки давлат ва халқнинг тўб манфаатларига жавоб берувчи турли соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари ва йўналишларини белгилаб олдилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон келажакда ҳам узаро манфаат, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, чегаралар дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлик, суверенитет ва мустақилликни ҳурмат қилиш принципларига асосланган янада яқин ва изчил ҳамкорлик йўлида давом этишга мустақам ишонч билдирдилар.

Х.Карзай Ўзбекистоннинг изчил ва принципиал сиёсати, хусусан, 20 йилдан кўпроқ давом этган қонли можарони ҳал

этишга жаҳон ҳамжамиятини даъват этиб, Афғонистон масаласини ечиш буйича аниқ ва муҳим ташаббуслар билан чиққани учун Ўзбекистон халқи ва шахсан Президент И.Каримовга миннатдорчилик изҳор этди.

Бу уринда ҳар икки томон Афғонистон билан чегарадош олти давлат - Эрон, Покистон, Хитой, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда Россия ва Америка Қўшма Штатлари аъзо булган «6+2» мулоқот гуруҳининг ижобий ролини таъкидлаб ўтдилар. 1999 йилнинг июлида булиб ўтган Тошкент конференцияси ва унда қабул қилинган Декларация ижобий аҳамиятга эга булди.

Томонлар Афғонистондаги халқаро терроризм тизимини яқсон қилиш буйича Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги халқаро иттифоқни тула қўллаб-қувватлашларини билдирдилар ва ҳар қандай шаклдаги халқаро терроризмга кескин қарши чиқишлари, бу ва бошқа трансмилий таҳдидларга қарши курашнинг кенг қамровли тизимини яратишда жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорлик қилишларини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқаро наркобизнеснинг жаҳон ҳамда минтақавий ҳавфсизликка таҳдиди миқёсини илрок этган ҳолда, БМТ ҳомийлигида гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш буйича Департамент дастурлари доирасида гиёҳванд моддаларни ноқонуний айлантиришга қарши курашда фаол ҳамкорлик олиб бордилар.

Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Х.Карзай афғон халқига инсонпарварлик ёрдами етказиб беришдаги ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлари ва амалий тадбирлари учун Ўзбекистон томонига Афғонистон халқи номидан миннатдорчилик билдирди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга инсонпарварлик юқларини етказиб беришда Амударё куприги ва Термиз дарё портидан фаол фойдаланилмоқда.

Томонлар Афғонистонни иқтисодий қайта тиклаш буйича Бонн ва Токио кон-

ференциялари натижаларини юқори баҳоладилар.

Ўзбекистон Х.Карзай раҳбарлигидаги Афғонистон Муваққат ҳукуматини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва жаҳон ҳамжамиятининг можародан кейинги даврда мамлакатни қайта тиклаш, Афғонистонда уз қўшилари ҳамда халқаро ҳамжамият билан уйғунликда яшовчи давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тула қўллаб-қувватлаш ва бу жараёнларда фаол иштирок этишга тайёрлигини изҳор этди.

Томонлар Афғонистон ҳудудида санат, ирригацион, қишлоқ хужалиги иншоотларини қуриш, Ўзбекистон транспорт коммуникацияси инфраструктурасидан фойдаланиш, кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш каби соҳаларда узбек-афғон ҳамкорлигининг бой тажрибасини таъкидладилар ва икки томонлама узаро манфаатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустақамлашга интилишларини билдирдилар.

Томонлар савдо-сотиқни, шу жумладан, чегарабуғи савдосини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг тижорат тизимлари уртасида самарали ҳамкорлик ва мулоқотлар урнатишига муҳим аҳамият берадилар.

Томонлар Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Х.Карзайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифининг самарали натижалари муҳим босқич ҳисобланишига ва узбек-афғон ҳамкорлигининг кенгайтиши ва ривожланиши учун янги имкониятлар яратишига ишонч билдирдилар. Томонлар бундан кейин ҳам икки халқ манфаатлари йўлида дустона муносабатларни мустақамлаш учун ҳамкорлик олиб борадилар ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик урнатишга ҳаракат қиладилар.

Х.Карзай меҳмондуст узбек заминда курсатилган илиқ ва самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

2002 йилнинг 4 мартида Тошкент шаҳрида қабул қилинди.

НАЗОКАТ СОҲИББАЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ликлари, 8 март байрами билан қутлар экан, ушбу иқтидорли қизларнинг республикамиздаги 4 миллионга яқин

ўқувчи-қизлар ичидан танлаб олинганликларини, ушбу муваффақиятлари ота-оналари, ўқитувчиларининг ҳам ютуғи эканлигини таъкидлаб, бу

муваффақият ижодда ва ҳаётдаги кейинги ютуқларининг дебачаси бўлиб қолишини тилади. Ёш истеъдод соҳибларига вазирликнинг эсдалик совғаларини топширди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ота-оналари номидан сўзлаган сирдарёлик Мавлон Ғайбиев қизи Малика миллий рақс йўналишида мукофотга лойиқ кўрилганлиги, ҳукуватимиз томонидан ёш истеъдодларга кенг имконият яратилаётганлигини таъкидлади.

Косонсой тумани халқ таълими бўлими ходимаси Каримахон Мавлонова республикамизнинг чекка туманларида ҳам иқтидорли ёшлар кўплиги, улар излаб-топилиб рағбатлантирилаётганлиги, бу уларнинг истеъдодини янада чархлаши, кучларига куч



қўшишини айтди.

Жондор туманидаги 5-мактаб муаллимаси Шаҳодат Нарзуллаева шогирди Орзигулнинг келажакда Зулфия-

дай донг таратувчи ижодкор бўлиб етишиши тилагини билдирди.

Хусан НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган ўқувчи-қизлар ҳамда уларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Суратларни Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган.



Миллий истиқдол ғояси тушунчалари Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий сингари буюк бобокалон мутасаввуф донишмандларимиз асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Уларнинг "Яссавия", "Хожагон (Нақшбандия)", "Мавлавия", "Кубравия" тасаввуфий тариқатларида ва таълимотларида яққол кўзга ташланиб турадиган муҳим жиҳат — илоҳийлик билан дунёвийликка асосланган ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ, ҳудожўйлик, меҳр-шафқат, адлу инсоф, мурувват, меҳнат-севарлик, ватанпарварлик каби илғор умуминсоний ва умумисломий ғоялар тасаввуфдаги Инсон такомил масаласига хизмат қилади. 2003 йилда Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан Республикамизда кенг нишонланиши муносабати билан Ҳазрати Хожаи Жаҳон асарларидаги илоҳийлик ва дунёвийлик, баркамол инсон тушунчаси тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўзининг илоҳий ва дунёвий илми, юксак ахлоқ-одоби, қудрати, маънавий бойлиги билан "Хожаи Жаҳон" (Жаҳон эгаси) деган улўф ном соҳиби бўлмиш Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний (1103-1179) Хожагон (Нақшбандия) тасаввуфий тариқатининг асосчиси ҳисобланади. Унинг тўрт йирик асари тўла-тўқис Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қимматбаҳо қўлёзма асарлар хазинасида сақланмоқда. Булар қуйидагилардан иборат: "Васиятнома", "Рисолаи Шайх — ушшух Юсуф Ҳамадоний" (ёки Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний), "Одоби тариқат", "Аз гуфторҳои Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний".

Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний ўзининг "Васиятнома" асарида шогирдларига қарата мурожаат қилиб ёзади: "Эй, писарак (ўғлим), сенга насиҳат қилиб айтаманки, илм, одоб-ахлоқ, тақво, поклик ва ҳалоллик учун ҳақиқат саёй-ҳаракат қил, ўзингдан кейин қимматбаҳо осор ва таълифот ёзиб қолдир, ҳаргиз шуҳратлаб бўлма, чунки шуҳрат-талаблик доимо офат кел-

тиради. Омийлар (жоҳиллар) ила ҳамсуҳбат бўлма, ҳамиша ҳалол ва пок яша, нашадан (тарёк)дан парҳез қил; ҳеч кимни ҳақир ҳисоблама, ўзингдан ҳеч кимни паст ва фақир ҳисоблама, уни таҳқир этма, бировдан ҳеч қачон таъмагир бўлма, мол-дунёга мағрур бўлма, ўшанда дилинг ором бўлади, мол-дунё туфайли дилинг вайрон, чашминг гирён бўлади". Кўриниб турибдики, Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний томонидан юқорида баён этилган қимматбаҳо панд-насиҳатларнинг аксарияти Хожагон (Нақшбандия) тариқати соликлари (тариқат аъзолари) учун кейинроқ

бежиз эмас. Назаримда, Хожа Абдулоҳиқ Фиждувонийнинг ушбу қимматбаҳо фикри ўша даврда ҳам, ундан сўнгги даврларда ҳам, ҳатто бизнинг давримизда ҳам ўта муҳим ва долзарб бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний ўзининг мазкур "Васиятнома" асарида шогирди Хожа Авлиёи Кабирга қарата насиҳат қилиб ёзади: "Сен ҳамиша суннатга амал қил, ўтмишдаги улўф уламоларнинг дин ва мазҳаб йўлларида юргилки, ҳар қандай бидъат макруҳдир".

Бидъатчилар ва хурофотчилар ҳақида, уларнинг дини мубийни ис-

Milliy istiqloq g'oyasi

шогирдлари Яссавий ва Фиждувоний, Бухорои Шарифнинг етти пири (Фиждувоний, Ориф Ревгарий, Анжир — Фағавий, Ромитаний Бобои Самосий, Саид Амир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд) ҳамда Хожа Аҳрор Валийлар "тақлидчи сўфийлар", "динни булғовчилар", турли-туман бидъатчилар ва хурофотчиларга қарши, ҳозирги замон тили билан айтадиган бўлсак, ўша даврлардаги дини мубийни Исломни бадном қилувчи ифротий ва мунофиқ диндорларга қарши бўлганлар, уларни халойиқни ҳақи-

лар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар", деб ўринли таъкидлаган эдилар.

Ҳазрати Хожаи Жаҳонни шунинг учун ҳам Хожагон (Нақшбандия) тариқатининг асосчиси деб айтаманки, ушбу тариқат ва таълимотдаги асосий шиор "Даст бакор, дил баёр"ни ҳам илк дафъа Фиждувоний ҳазратлари айтганлар. "Рашаҳот айнулҳаёт" (Ҳаёт булоғидан оққан томчилар) асарининг муаллифи Фаҳридин Али ас-Сафий 23-рашҳа (томчи-насиҳат) сифатида бузургвор устози Хожа Аҳрор Валий тилларидан шундай деб ёзади: "Ойтур эрдиларки, ойтубдурларки, халқ елкасидаги оғирликни енгиллатмоқ лозим. Магар бу муяссар бўлмаган аснода ҳалол касб-хунар эгаллаб, "даст бакор, дил баёр" ҳолатида бўлмоқ Хожагон тариқатида амри муқаррар турур". Мана шу асарда яна Ҳазрати Фиждувонийнинг мана бу қимматбаҳо байти ҳам келтирилади:


"Дари хилват банд-у дари суҳбатро кушой, Дари шайхийро банд-у дари ёрийро кушой!"

(Хилват эшигини ёпгину суҳбат эшигини оч, Шайхлик эшигини ёпгину ёрлик-дўстлик эшигини оч!)

Халқнинг оғирини енгиллатишни ўзининг ва тариқатининг асл мақсади, ўшандай юмушни бажарилиши зарур бўлган юмуш, деб билган Ҳазрати Фиждувоний юқоридаги байтида ҳам айтмоқчиларки, "Солиқман, тариқат аъзосиман деб хилватда ўтираверма, суҳбат эшигини оч, халойиқ билан ҳамсуҳбат бўл; шайхман, деб гердайиб юраверма, халққа ёрлик ва дўстлик қил, унинг хизматларини бажар!"

Демак, асрлар давомида яшаб келаётган Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний таълимоти, унинг илоҳий ва дунёвий ғоялари бугунги кунимиз учун ҳам зарур ва фойдалидир.

**Ориф УСМОН,
ЎзР ФА Абу Райҳон
Беруний номидаги
Шарқшунослик
институтининг
етакчи илмий ходими,
филология фанлари
доктори**



ХИЛВАТ
ЭШИГИНИ
ЁПГИНИ
СУҲБАТ
ЭШИГИНИ
ОЧ

**Фиждувоний
таълимотидаги
илоҳийлик ва
дунёвийлик жиҳатлари**

бориб асосий ахлоқ-одоб меъёрлари бўлиб хизмат қилган.

Ҳазрати Фиждувоний "Одоби тариқат" (Тариқат одоблари) асарида ёзади: "Қуръон — халқ учун Ҳақ таолонинг ҳужжати, илм излаш, уни ҳосил қилишдан асло чарчама, айниқса фикр ва ҳадис илмларини бетиним ўрган. Илм қидиришдан ҳеч қачон толиқма. Тақлидчи сўфийлардан узоқ бўлгинки, улар дин йўлидаги ўғрилари ва мусулмонларни тўғри йўлдан урувчилардир". "Тақлидчи сўфийлар" деганда Ҳазрати Фиждувоний ўз даврида мавжуд бўлган тақлидчи сўфийларни, дин ва мазҳабни ўзларига ниқоб қилиб олган ёлғон ва мунофиқ мусулмонларни назарда тутган. Уларни Ҳазрати Хожаи Жаҳон "Дин ўғрилари ва мусулмонларни тўғри йўлдан урувчилардир", деб атаганлари

ломни бадном қилувчилар, мусулмонларни тўғри йўлдан урувчилар эканлиги тўғрисида Ҳазрати Фиждувоний ўзининг "Рисолаи Шайх Юсуф Ҳамадоний" асарида ҳам ёзади. Баррақий, Андоқий, Яссавий ва Фиждувоний (муаллифнинг ўзи)ларнинг Бухорога келиб, Шайх Юсуф Ҳамадонийга шогирд бўлганлигини, устози Ҳамадонийнинг бағоят улўф ва донишманд бир зот бўлганликларини айтиб, забардаст устозини эъзозлаб келади ва уни шундай деб улўғлайди: "Самарқанд ва Бухоро бузургвор устозимиз ва унинг донишманд шогирдлари замонасида ниҳоятда обод бўлди, Амударё қирғоқларидан тортиб то Хоразм ва Бадахшон вилоятларигача бирорта бидъатчи ва хурофотчи қолмади".

Демак, Шайх уш-шух Юсуф Ҳамадоний, унинг

қий дин йўлидан чалғитувчилар деб билганлар ва уларга қарши ҳар томонлама кураш олиб борганлар.

Шунинг учун ҳам ҳозир ваҳдубийлар, таҳрирчилар, нурчилар ва акромийлар каби турли-туман ифротий (экстремист) зарарли ва хатарли диний оқимларга қарши курашда Исломни пок сақлаш, уни ҳозирги бидъатчи ва хурофотчилардан авайлаб асрашдек олийжаноб юмушларимизда ўтмишда бидъат ва хурофотга қарши дадил курашган бузургвор мутасаввуф бобокалонларимиз (Юсуф Ҳамадоний, Яссавий, Фиждувоний, Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий)нинг хайрли ва савобли ҳаётлари, фаолиятлари, қимматлидир. Юртбошимиз "Ислом дини—бу отабоболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатдир. У қуруқ ақида-

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ғиждувон туман халқ таълими бўлимининг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, психологик-педагогик ташхис ишларини ташкил этиш бўйича ташкилотчилик фаолияти кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Ғиждувон туман халқ таълими бўлими мудири Ҳ.Бафёевнинг маърузаси сўнгра вазирлик умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи А.Зокировнинг ахбороти тингланди.

Вазирлик ҳайъатида Бухоро вилояти ташхис Маркази, унинг ҳудудий бўлими ва "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори ва Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ҳамда психологик-педагогик ташхис ишларини амалга оширишга оид қарор ва буйруқлари, меъёрий ҳужжатлари бўйича муайян ишларни амалга оширгани таъкидланди.

Мазкур ишларда Бухоро вилоят ҳокимлигининг раҳнамолиги ва мадади билан вилоятдаги корхона, жамоатчилик, маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигининг янада кучайгани, умумтаълим мактаблари моддий жиҳатдан мустаҳкамлангани, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида олиб бораётган ишлар натижаси ўларок, кейинги йилларда умумтаълим мактабларининг моддий-техника базаси яшиланаётганлиги эътироф этилди.

Дарҳақиқат, вилоятдаги барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlарида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини бошқариш, таълим муассасаларига илмий-услубий ёрдам бериш мақсадида ташхис марказлари ташкил этилган.

Ғиждувон туман халқ таълими бўлими ташхис марказида 4 та мутахассис ходим, 62 та умумтаълим мактабларида 57 нафар психолог, 62 нафар ўқувчиларни касб-хунарга йўналтирувчи мутахассислар мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга танлаши ва малакали психологик-педагогик маслаҳат олишлари учун хизмат қилмоқда. Халқ таълими бўлими тумандаги соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлиmlари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва касб-хунарга коллежлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқ-

да. Тумандаги касб-хунарга коллежларида ҳамда бошқа муассасаларда экскурсиялар, суҳбатлар ва учрашувлар ("Касбим-фаҳрим", "Мен севган касб" мавзусида суҳбатлар, "Уч авлод" учрашувлари, "Энг яхши психологик хизмат", "Энг яхши тиббий хизмат", "Энг намунали касб-хунарга йўналтириш" хонаси кўрик-танловлари ва бошқалар) ўтказилган.

Марказ ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази илмий кенгаши тасдиғидан ўтган ишланмаларни амалиётга жорий этмоқда. Ҳар бир 9-синф битирувчиси ҳақида унинг лаёқати, мойилликлари, қизиқишлари, ақлий ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар банки ташкил этилган.

2000-2001 ўқув йилида тумандаги 5093 нафар 9-синф ўқувчиларига академик лицей ва касб-хунарга коллежларига та-

ли, касбий мойилликлари ва қизиқишлари бўйича касб-хунарга йўналтиришда ҳудуддаги мактабдан ташқари таълим муассасалари билан узвий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, эҳтиёжга қараб уларга маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатилмоқда. 2000-2001 йилларда касб-хунарга йўналтириш, психологик-педагогик, тиббий-дефектологик йўналишлар бўйича доимий семинарлар ташкил этилган.

Вилоятда умумтаълим мактабларининг 357 нафар, шу жумладан Ғиждувон туманидан 58 нафар амалиётчи психологлари 1999-2001 йилларда вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ташкил этилган 5 ва 6 ойлик қайта тайёрлов курсларида ўқиб, махсус сертификатларга эга бўлганлар.

Ғиждувон туман ҳокимининг 2001 йил 18 январдаги 13-ф-

лик ва муаммолар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, 2001 йили туман халқ таълими бўлимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари ҳайъат мажлисларида 3 мартаба муҳокама этилишига қарамасдан, тумандаги 10 та мактабда меҳнат таълими ўқув хоналари ташкил этилмаган. Зарурий жиҳозларнинг айримлари ночор ҳолатга келиб қолган. Бундан ташқари, меҳнат таълими бўйича давлат таълим стандарти ва дастурида кўрсатилган касбга йўналтириш бўйича ўтказилаётган машғулотларда касб танлашнинг моҳияти, ўқувчининг ўзи хоҳлаган касбга лойиқ эканлигини белгилаш, ўз руҳиятидаги касбга мойилликлари бўйича билimler беришда таълим муассасаларидаги моддий-техника базаларининг талаб даражасида эмаслиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

ТАЪЛИМДА ТАШХИС — МАСЪУЛИЯТЛИ ТАДБИР

сияномалар берилган. Улардан 3282 нафари 10-синфда, 214 нафари академик лицейларда, 1524 нафари касб-хунарга коллежларида ўқимокда.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхисга оид меъёрий ҳужжатлар вилоят ва туман газеталари орқали ҳамда кўпайтириш йўли билан таълим муассасаларига етказилган.

Ташхис марказида вилоят ва тумандаги касб-хунарга коллежлари ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд. Ҳудуддаги корхоналар, маҳаллалар ва қишлоқларда мутахассисларга бўлган эҳтиёжлар ҳамда унутилаётган касб-хунарга йўналтириш маълумотлар аниқланиб, бу ўқувчиларни касбларга мақсадли йўналтиришга ҳаракат қилмоқда.

Тумандаги 54 та умумтаълим мактабида, яъни мактабларнинг 87 фоизда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш хоналари мавжуд. Мактабларда "Касбий маслаҳатхоналар", "Маслаҳат бўлиmlари" ташкил этилиб, улар касб-хунарга йўналтириш, психологик хизмат, тиббиёт йўналишларида фаолият кўрсатмоқда.

Ўқувчиларнинг туғма лаёқат-

сонли фармойиши ҳамда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлиmlарининг қўшма буйруқларига асосан тиббий кўриқдан (4461) ўтган ва психологик, педагогик ва дефектологик комиссия кўриғига тасвир этилган 819 боладан 310 нафари, яъни 37,8 фоизи 1-синфга қабул қилинган. Эътиборлиси, ушбу муассасалар томонидан 2001 йил мобайнида носоғлом деб топилган 6-ёшли болаларнинг 1244 нафари, 2-11 синфларда ўқиётган 53718 нафар ўқувчилар орасидан эса носоғлом деб топилган 37855 ўқувчининг 21385 нафари ёки 56,4 фоизи соғломлаштирилган.

Бу борада, айниқса, туман халқ таълими бўлими томонидан умумтаълим мактаблари ўқувчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1999 йил 18,2 минг, 2000 йил 750,7 минг, 2001 йил 812,9 минг сўмлик дори-дармонлар олиб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирда вилоятнинг барча умумтаълим мактаблари тиббиёт ходимлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳайъат мажлисида юқорида келтирилган ижобий ишлар билан бир қаторда маълум камчи-

9-синф битирувчиларининг ўқишни давом эттиришлари тўғрисидаги маълумотларни таълим муассасаларидан (3,46) туман халқ таълими бўлими ва ташхис Маркази тахлилсиз олганлиги сабабли, тузилган ҳисоботлар воқеликка тўғри келмайди. Ногирон, жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни махсус мактаб-интернатларга жалб этиш муаммоси мавжуд.

Туман ташхис маркази ва умумтаълим мактабларнинг маъмурияти ҳамда тиббий ходимлар томонидан ташкилотчиликнинг етарли бўлмаганлиги сабабли соғломлаштирилиши лозим бўлган 6 ёшли болалар тўлиқ соғломлаштирилмаган, 2-11 синф ўқувчилари тиббий кўриқдан тўлиқ ўтказилмаган.

Ушбу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларини такомиллаштириш мақсадида Ғиждувон туман халқ таълими бўлимининг туман ҳокимлигига қилган мурожаати ҳокимлик томонидан маъқулланиб, "Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларини

Hay'at majlisida

амалга оширишда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлимининг ташкилотчилик фаолиятини такомиллаштириш борасида 2002 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилинган. Дастурда 2002 йилда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, педагогик кадрларни ижтимоий ҳимоялаш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Маркази фаолиятини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари ўз аксини топганлиги айтиб ўтилди.

Кўрилаётган масала бўйича музокараларда вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов, вазирлик бошқарма бошлиқларидан З.Жалолодинов, А.Қалонтаров, Республика ташхис маркази директори Ҳ.Рашидов, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Й.Бобожоновлар ўз фикр мулоҳазаларини баён этдилар. Сўзга чикувчилар Ғиждувон туманида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис йўналишида бирмунча ишлар амалга оширилганини эътироф қилган ҳолда туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган шу йўналишдаги дастурда кўпгина масалалар ёритилмай қолгани, уни янада такомиллаштириш зарурлигини ва йўлларини таъкидлаб ўтдилар. Улар ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, психологик-педагогик ташхис ишларини ташкил этишда Республика ташхис марказининг роли хусусида тўхталиб, марказ фаолиятини янада кучайтириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишларни атрофлича очиб бердилар.

Ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Рисбой Жўраев йиғилишга яқун ясар экан, кун тартибига қўйилган масала нафақат Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманига хос эканлиги, балки бир туман тажрибаси мисолида муаммонинг республика кўламида ҳал этиш йўлларини излаш зарурлигини, 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларнинг бундан кейинги тақдири, яъни 10-синфда қолиши ёки академик лицей ва касб-хунарга коллежларига кириб ўқиши масалаларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Ж. МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
матбуот билан ишлаш
сектори раҳбари

Маълумки, юртимиз таълим тизимида кенг қулаш олиб борилаётган ислохотлар натижасида улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бироқ, таъкидлаш лозимки, бу борада соҳа ходимлари олдида балдағи ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам кам эмас. Кунги кеча Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида юртимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган нуфузли олимлар, ёш тадқиқотчиларнинг бир ерга тулланиши боиси ҳам худди шу, ютуқларни эътироф этган ҳолда соҳада юзга келган муаммоларнинг ечимини излашга қаратилганлиги аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика фанлари

ЎЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МЕЗОН

илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган мазкур илмий анжуман "Ўзбекистон Республикасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга жорий қилишнинг иккинчи босқичида педагогика фанининг вазифалари" мавзусига бағишланди.

Анжуманни кириш сузи билан педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов очар экан, бугунги анжуманнинг аҳамияти борасида ўз фикрларини билдириб ўтди.

— Маълумки, — деди нотик ўз нутқида, — ҳукуратимиз томони-

дан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилишдаги биринчи босқич вазифалари уйданди. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали бажарилмиши лозим бўлган

Anjuman

камчилик ва муаммоларимиз ҳам бисёр. Бу эса иккинчи босқичдаги вазифаларимизга тегишли узгартиришлар киритишимизни тақозо этмоқда. Уйлайманки, бугунги анжуманнинг шу жиҳатдан олганда жуда катта аҳамияти бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анжуманда суз олган Ўзбе-

кистон Қуролли кучлари академияси бошлигининг муовини, генерал-майор А.Қамбаровнинг "Миллий дастур асосида булажак зобитларни тайёрлашнинг илмий педагогик муаммолари", УЗПФИТИ директори, профессор И.Турсуновнинг "Педагогик тадқиқотлар натижаларини таълим амалиётида қўллаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш йўллари ва механизми", психология фанлари номзоди, доцент Н.Соғиновнинг "КТМД иккинчи босқичини амалга оширишда психодиагностика имкониятларидан фойдаланиш", УзМУ профессори Н.Саидрахмедовнинг "Ҳозирги босқичда педагоги-

ка фанининг методологик асослари" ҳамда профессор, УзПФИТИ бўлим бошлиғи Р.Сафарованин "Таълимни либераллаштириш жараёнида педагогика фани" мавзусидаги чиқишларида юқорида келтирилган саволларга имкон қадар жавоб изланди.

Эътиборлиси, ҳар бир мавзудан сунг нотиклар нутқидан келиб чиққан ҳолда муҳокамалар ўтказилиб, узаро фикрлар алмашилди. Зеро, илм-фан, жамият соғлом рақобат ва эркин фикрлар асосида тараққийга юз боради.

Ялпи йиғилиш якунлангач, илмий анжуман уз ишини учта шубҳаларга булинган ҳолда давом эттирди. Йиғилиш сунгида асосли фикрлар, тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Б.ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Фозила Сулаймоновани кўпчилик адабиётшунослар, адабиёт ихлосмандлари, ҳазрат Алишер Навоий меросини ўрганувчи ва тадқиқ қилувчилар яхши билишади. У киши узоқ йиллар Тошкент Давлат Университетида (ҳозирги ЎЗМУ), Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида меҳнат қилди. Бир қанча китоблар, монографиялар муаллифи бўлган бу аёлни забардаст олим, ўзбек классик адабиётининг улкан тадқиқотчиларидан бири Ҳамид Сулаймоновнинг умр йўлдоши, у кишининг издоши сифатида ҳам ҳурмат қилишади. Замонанинг ҳар икки олиму фузалоси яхши-ёмон кунларда бир-бирига суянчиқ бўлиб, икки ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказганлар. Уч фарзанднинг бири археология, бири физика, қизлари биология фанлари доктори. Икки ўғли профессор.

Бугун аёлларнинг энг гўзал байрами арафасида биз устоз ва мураббия, садоқатли ёр, меҳрибон она Фозила Сулаймонова билан болалик йиллари, ўқувчилик ва устозлик даврлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Фозила опа, газетамиз мухлислари анъанавий саволимиз борлигини билишади. Улар суҳбатдошимизнинг биринчи муаллими ким бўлган, унга сабоқ берган кишининг қандай фазилатлари бор экан, деб қизиқишади.

— Биринчи бор мактабга бориш, қалам ушлаш, оппоқ қоғозга бир нималарни ёзиш бу — ҳаммаси илк ҳаяжон ва қувонч бўлса керак, деб ўйлайман. Кўкун шахрининг ўрдаси яқинида бир мактаб бўларди. 5 ёшимда ўша мактабга борганман. Мактабга борадиган йўлни ҳам билмасдим, ўшанда. Бир хизматчи бола ҳар кун мени мактабга олиб борарди ва ўша бола мактабдан олиб қайтарди. Илм даргоҳи ҳақида жуда оз хотиралар қолган. Чунки жуда ёш бола эдим. Бир чол бизга дарс ўтарди. Унинг тахтага араб алифбосидаги “до” ҳарфини ёзиб, бизга “до-до” деб талаффуз қилдиргани шундоққина эсимда қолган. Кейин дадамнинг иш жойи ўзгарганлиги сабабли Марғилонга кўчиб ўтдик. У ерда бир аёл ўқитувчи сабоқ бера бошлади. Адашмасам, исмлари Тиллаҳон ая эди. Мен — онасининг иссиқ бағрида, латтаю чўпдан ясалган кўғирчоқ ўйнаб юрадиган ёшда бўлган қизалоқ, ана шу аёл қўлида саводимни чиқара бошладим. Чиройли аёл эди, юмшоқтабиат, болаларни севадиган, ҳар бир ўқувчисига мулоим гапирадиган ўқитувчи эди. Мактабга паранжи ёпиниб келардилар. 2—3-синфларда фақат қиз болалар билан бирга ўқиган бўлсам, 4-синфда Марғилон марказидаги мактабга ўтдим. У ерда ўғил ва қиз болалар аралаш ўқитиларкан. У ерда жиддийроқ билим бера бошлашди. Оз фурсат ўтмай Марғилонда хотин-қизлар техникуми очилди. Синфдаги мендан бошқа ҳамма қизларни техникумга олиб кетишди. Бир ўзим ўғил болалар ичиде қолдим. Шундан сўнг ҳар кун уйга бориб, “мактабда ўқимайман, ўғил болалар орасида бир ўзим қолдим”, деб йиғлашни бошладим. Бир кун дадам “фалон жойга боргин, фалон кишига учраш” дедилар. 8-9 ёшларда бўлсам керак. Айтилган жойга бордим, катта бино, одам кўп, қий-чув, эркак-аёл, болаларнинг йиғиси, у ерда тушгача ўтирдим. Қорним очиб кетди ва йиғлаб юбордим. Чунки ёш бола эдимда. Бир пайт катта эшик очилиб, басавлат киши чиқиб келди ва “нега йиғлаяпсан, бу ерга нима учун келгандинг” деб сўради. Мен дадам юборди, деб айтдим. У киши ким-

нинг қизи эканлигимни билгач, “вой қизим тушмагур-ей, шу пайтгача кирмайсанми олдимга” деб мени хонага олиб кириб кетди. У ерда математикадан мисол-масала бериб, тарихдан, она тили фанларидан сўраб, билимимни текшириб кўришди, синовдан яхши ўтдим шекилли, мени ҳам хотин-қизлар техникумига ўқишга қабул қилишди. Техникумни энг ёш битирувчиси мен бўлдим. Ўша пайтда дадам Қувада ишларди. “Мени Қувага ишга юборинлар” дедим.

— Демак, Сиз жуда ёш, 15 ёшга тўлиб-тўлмасдан ўқитувчилик фаолиятингизни бошлабсиз-да?

— Ҳа, менга Қува тумани халқ таълими бўлимига йўлланма беришди. У ерда битта 4-синф бор экан, ўша синфга дарс берадиган одам-

Меҳмонхона



катта кишилар билан ҳамкурс бўлдим. Яхши ўқирдим, фаол ва жамоатчи эдим. Ҳар йили ёз фаслида бир ой, қишда 10 кун ўқирдик. Мени ҳамма Марғилондан эканлигимни билиб “Кумушбиби” дерди. 1—2-курслар тамом бўлгач, 3-курсда домла Ҳамид Сулаймонов менга турмуш қуришни таклиф қилди. Табиийки, ўзим бирор нарса дея олмаслигимни, ота-онамдан рухсат сўраш лозимлигини айтдим. Ёзда Тошкентдан совчилар боришди, дастлаб онам қизим жуда ёш, Тошкентда қийналиб қолади, деб кўнмадилар. Кейин ўйлаб кўриб, рози бўлишди. Шу тариқа буюк инсон, Навоий асарларининг толмас тадқиқотчиси Ҳамид Сулаймонов билан сентябрь ойида тўйимиз бўлди. У киши менга чин маънодаги устоз, мураббий, суян-

бўлардик. Бошимга оғир кунлар тушди, ўша пайтда ҳам талабаларим ёрдам беришди.

— Сизнингча, устоз-шогирдлик анъанасини қандай йўлга қўйиш мумкин?

— Биласизми, кўнгилга йўл топиш керак. Агар лозим бўлса талабаларга жонни ҳам бериш керак. Мен ишлаган даврларда шўролар сиёсати жуда кучайган, “улуғ оғамиз” тилида дарс ўтишимиз, ўша тилда гаплашимиз шарт қилиб қўйилган эди. Ўшанда пайтларда мен ўқувчиларимни йиғиб, шанба-якшанба кунлари бир ҳафта давомида рус тилида ўқиган маърузаларимнинг ўзбекчасини такрорлаб берадим. Айтмоқчиманки, устоз шогирддан ҳурмат талаб қилмасин, балки ўзи ҳам уни кичкина, ёш бола демасдан ҳурмат қилсин. Ахир ёш бўлса ҳам улар шахс-ку. Ана шундагина шогирди қалбига йўл топа олади, комил инсон тарбиялайди, “устозинга раҳмат” деган олқиш олиб берадиган мутахассислар етиштиради.

— Бугунги болалар китоб ўқимаяпти, деган хавотир пайдо бўла бошлади. Шу фикрларга муносабат билдира оласизми?

— Энг аввало ўқитувчи ўқувчини билим олишга, китоб ўқишга қизиқтира олиши керак. Бу катта меҳнат, билим талаб қилади. Ахир тавсия этакдиган китобини, адабиётини ўзи билмаса, ўзи ўқимаган бўлса қандай қилиб у болаларни қизиқтира олади, улардан талаб қила олади. Ўқитувчи болаларнинг билим олиши учун жонини фидо қилиши

ишлаб чиқдим. Ундан кейин Ҳиндистондан Ҳофиз Хоразмий девони қўлёзмасини олиб келган эдилар. Бу девон дунёда битта ва янгилик эди. Ўшани янги алифбода 2 томини нашрга тайёрладим, 11 йиллик умрим домланинг бошлаб қўйган ишларини ниҳоясига етказишга кетди. Чунки бир-биримизга шу қадар суянчиқ, ҳамкор, ҳамфикр эдик-да. Домла вафотидан бир неча ой аввал янги бир иш бошлаш ниятида, олдимга оқ қоғоз олиб, унга “Нур Шарқдан” деган эпиграфни қўйиб, сўнгра даволанишга кетгандик. У ёқдан домла касал бўлиб қайтдилар ва 3 ойдан сўнг вафот этдилар.

Китоб ҳақидаги фикрларим пишган, ҳаммаси тайёр эди. Шахсий ишим бўлганлиги учун жуда қизиққандим. Билимим ҳам, қизиқишим ҳам шу эди-да, ўзи. Чет эл адабиётидан билганларимни қоғозга тушириб, китоб ҳолида нашр этиш истагида ёнардим. Китобни нашриётга топшириб қўйганимдан сўнг ҳам у анча ётди. Китобни яратишда ўзига хос қийинчиликлар бўлди. Қайси иш осонки, бу иш ҳам осон бўлса. Китоб нашр этилгач, Америкадан олимлар келиб, “бизга шу китобни беринг, таржима қилиб фойдаланамиз”, деди. Мен у китобни аввал рус тилига, сўнгра бошқа тилларга таржима қилиш кераклигини айтдим. Чунки ўзбек тилидан тўғридан-тўғри француз ёки инглиз тилига таржима қила оладиган мутахассис топилмади. У китобда терминлар, илмий атамалар кўп-да. Китобнинг рус тилига таржимаси устидаги ишлар ниҳоясига етиб қолди.

— Ҳозирги кунда қандай ишлар билан машғулсиз ёки қарилик гаштини суриб, дам оляпсизми?

— Йўқ, ишляпман. Шу кунларда Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюраларни йиғиб, альбом ҳолига келтирдим. Ундан ташқари чет эл адабиётидан мақолалар тайёрляпман. “Шарқ ва Фарб” китобининг рус тилидаги таржимасини қайта-қайта таҳрир қиляпман.

— Мана шу китобда ўзингизга ёққан энг янги маълумотлар борми?

— Менга зардуштийлик динининг пайдо бўлиши, у илгари сурган гоғлар жуда ёққан. Ҳалияг мана шу дин тўғрисидаги янги-янги маълумотларни йиғиб, шу бўлим устида ишляпман. Бу дин эрамиздан аввалги 14-асрда Хоразмда яратилган. У қадимий Юнонистонга, Яқин Шарққа таъсир ўтказган.

— Исм ҳам тақдир дейишади, исмингизни ким қўйган?

— Каерга борсам, ким билан суҳбатдош бўлсам, шу саволни беришади. Исмимни дадам қўйганлар. Менинг оlima, фозила, ўқимишли инсон бўлишимни истагандилар.

— Муаллимларга қандай тилаклар билдирасиз?

— Ўқитувчилар, энг аввало, адолатли бўлиши керак. Болаларга нисбатан отасидек онасидек меҳрибон бўлиши лозим. Ўқувчи ўқитувчидан қанчалик кўп меҳрибонлик, яхшилик кўрса, вақти келиб ўша меҳрни ўн баробар қилиб қайтаради.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МУРОДЖОН
қизи суҳбатлашди.

НУР ШАРҚДАН

нинг ўзи йўқ экан. Синфхонага кирсам ҳамма ўқувчилар мендан катта эркаклар, аёллар. Ўша ерда ярим йил ўқитувчилик қилдим. Мактаб уйимиздан анча узоқда, бир неча километр ичкарида, пиёда бориладиган жойда эди. Қишда жуда қийналиб кетдим. Лекин чидашга мажбурман. Кўкун шаҳрида рус маҳаллада яшаганлигимиз учун тилим рус ва ўзбекча чиққан. Ҳар икки тилда ҳам бемалол гаплашаверганим учун янги ўқув йили бошлангач, Қува тумани марказидаги рус тилида таълим бериладиган мактабга ишга ўтдим. Бу ердаги шароит яхшироқ эди. Ишлаб юравердим. Бошқа мактабларнинг 4-синфини битирган ўзбек болаларини йиғиб келдим ва ўзбек тилида таълим берадиган 5-синфни очдим. Мактаб директори татар миллатига мансуб киши эди. У ўзбек болаларига тарих, географиядан, мен эса бошқа фанлардан дарс бериб, ўзбек болаларини ҳам ўқита бошладик. Шу тариқа мактабни ўзбек-рус мактабига айлантирдик. Халигача ўша мактаб икки тилда фаолият юритар экан.

Шундай қилиб, ишлаб юравердим. 1935-36 йилларда Тошкентга САГУ (ҳозирги ЎЗМУ)га сиртдан ўқиш учун хужжатларимни олиб келдим. Олий даргоҳда ҳам ўзимдан

чиқ бўлдилар. Кейин ўқишимни кундузги бўлим, рус гуруҳига ўтказдим.

— Олий ўқув юртида ўқитувчи сифатида қачон иш бошлагансиз?

— Ўқишни битириб, аспирантурага ўқишга кирдим. Ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида ўқиш билан бирга илмий тадқиқотларни ҳам бошлаб юбордим. Чет эл адабиёти, асосан француз адабиёти бўйича, академик Шошмарёв раҳбарлигида иш олиб бордим. Ўша йиллари чет эл адабиётидан илмий иш қилган ҳамма олимларга, аспирантларга тазйиқ ўтказила бошланди. Домлам, “Қизим, ишингни ҳозирча тўхтаб тур, замон нозиклашиб кетди. Гап тегиб қолмасин. Бу нарса келажагинга ёмон таъсир кўрсатади”, деб мени Тошкентга қайтариб юборди.

Тошкентга келгач, Ўрта Осие Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) Чет эллар адабиёти кафедрасига катта ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. 1948 йилнинг 1 сентябрида биринчи маротаба аудиторияга ўқитувчи бўлиб кирдим. Мен биринчи сабоқни берган талабаларим бугунги кунда ҳам мени йўқлаб туришади, тез-тез ҳолимдан хабар олишади. Талабалар билан жуда-жуда иноқ эдик. Худди ўртоқдек муносабатда

керак. Бугунги кунда ўқувчилар классик адабиётни тушунмайди. Бунинг сабаби ҳам устози уларга тавсия этаётган китобларнинг жуда кам қисмини классик адабиёт ташкил қилишидир.

— Энг салмоқли ишларингиздан бири — “Шарқ ва Фарб” деб номланган китобингизни ўқиш жараёнида оз-моз қийинчилик сездингиз. Бу биринчидан, соф илмий асар бўлганлиги ва тарихий хужжатларнинг кўплигида бўлса, иккинчидан ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган китоб экан. Ва ўқиб чиққач, “бу китобни ўқигунча шунча қийналдим, буни ёзган олиманинг қанча йиллик меҳнати эвазига юзага келган экан бу китоб” деб ўйлаб қолдингиз. Бу асарни қанча вақтда ёзгансиз?

— Домла раҳматли (Ҳамид Сулаймонов назарда тутилмапти) 1979 йилда оламдан ўтиб кетдилар. Ўша йилда Навоий академик нашри эндигина бошланаётган эди. Домла вафотидан сўнг нашрни давом эттирадиган одам қолмади. 4 та томини тайёрлаб, нашрга тайёрладим. Ундан кейин бутун дунёдан жуда нозик санъат, миниатюра асарларини тўплаб келгандилар. Биттагина Бобур альбомини тайёрлагандилар, холос. Мен 4 та альбомни домланинг номларидан

Мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курсида бир ой мобайнида ўз малакаларини оширган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази вакиллари билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқич вазифалари тўғрисида алоҳида тўхталди. Нотик мазкур қонун биринчи галда айнан бугунги давра суҳбатида иштирок этаётган мактабгача таълим муассасалари раҳбарларига катта масъулият юклашни билдирди. Лекин, айрим мудирларнинг ўз жамоаси жойлашган ҳудуддаги барча болаларни мактабга тайёрлаш вазифасини тўла ҳис этаётганлигини ва оқилона режалаштириш, унинг истиқболини белгилашда оқсоқликлар борлигини куюнчаклик билан тилга олди. Шунингдек, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг 2-босқич режалари ҳақида тўхталиб, вазир ўринбосари бу борада янада кенг қўламли ишлар олиб борилиши зарурлигини таъкидлади. Авваллари йўл қўйилган хатоларнинг эндиликда такрорланмаслиги учун нималар қилиш лозимлигини, дастурдаги кўрсатмаларни тўла амалга ошириш борасида қандай усуллардан фойдалана билиш кераклигини анжуман иштирокчиларига аниқ мисоллар билан тунтириб берди.

Шундан сўнг бошланган савол-жавоб қисмида Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги "Нилуфар" номли 12-болалар боғчаси мудираси Татьяна Бакиева 70 йиллик қизил империя зугумидан халос бўлган халқнинг фарзандларига ота-болаларимиздан мерос бўлиб келаётган ва айна ўша империя даврида топталган миллий ўйинчоқларимизни янада кенгроқ тарғиб этиш ҳақида савол берди. Ваҳоланки, турли-туман ўйинчоқларни ўйнаш орқали боланинг ақли тезроқ ривожланади, фикрлаши кенгайди, ҳаёлот дунёси шаклланади. Зеро, боғчаларимизни миллий руҳ ва қиёфадаги ўйинчоқлар билан таъминлаш бугуннинг талабидир. Ўз навбатида бу йўл билан фарзандларимизнинг ўзбекона урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга бўлган муҳаббатлари шаклланади. Мазкур масалага жавоб берар экан, Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова бу борада янги педагогик технологиялар асосида иш олиб борилаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси ва ҳозирда жамият ҳаётида ўз ўрнини топаётган касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликлар ўрнатилганлигини айтиб ўтди. Дарҳақиқат, улуг аждодларимиздан бизгача етиб келган мерос-

минлаш учун аввало уларга маош бериш масаласи хусусида Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан музокара олиб бораётганлигини маълум қилди. Дарҳақиқат, халқаро ҳамжамиятда универсал муомала воситасига айланган инглиз тилини болаларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, шу нарсани тўғри тушуниб етган ота-оналар ҳам бугун ўз фарзандларига репетитор ёллаётганликлари қувонарли ҳолдир. Замон ўзгарган сайин жамият ҳам тобора ривожланиб боради. Рақобатли дунёда янги нарсаси эскисини истеъмолдан суриб чиқаради. Шундай экан, бугун боғча масканларини янги ўқув услубий қўлланмалар билан таъминлаш ҳам долзарб масалалар сирасига киради. Шу ҳақда берилган саволга Республика таълим маркази директори ўринбосари Ҳайдарали Ҳакимжонов бир қанча методик қўлланмалар ишлаб чиқарилаётганлигини айтиб, ҳар бир боғча муассасаси ўз фаолият доирасидан келиб чиқиб, уни сотиб олиши мумкинлигини маълум қилди. Шунингдек, болаларга бериладиган овқатлар сифатини ошириш ва муассаса ходимларига тўланадиган ойлик маошлар масаласидаги саволларга У.Мусаев жавоб бериб, фарзандларимиз соғлом

— Бир ойлик ўқув жараёнида "Учинчи минг йилликнинг боласи" дастурини амалиётга янада кенгроқ олиб кириш бўйича янги билимларга эга бўлди. Шу билан бирга М.Ра-сулованинг "Мактабгача таълим соҳасидаги энг долзарб муаммолар" ҳақидаги маърузасидан иш режамга келгусида қандай кўшимчалар киритишим кераклигини англаб етдим. Хусусан, болаларнинг жисмоний ривожланиши, нутқ ва тафаккурларини шакллантириш, маънавий етуклик даражасига етказиш учун яна нималар қилиниши лозимлиги ҳақида амалий кўрсатмалар олдим. Ундан ташқари, "Болангиз мактабга тайёрми?" ўқув қўлланмасидан нафақат ота-оналар, балки "Оналар мактаби", яқшанбаллик мактаблари, хонадон боғчаларида ҳам етарлича фойдаланиш мумкинлиги менга манзур бўлди. Ўйлайманки, бундай ўқув машғулотлари келажакда вилоятларда сайёр курс сифатида ҳам ташкил этилса, айни муддао бўлар эди.

Матлуба Нурматова, Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани 4-мактабгача таълим муассасаси раҳбари:

Davra suhbatlari



кат қилишимиз, бир-бирларимизнинг камчиликларимизни тўлдириб боришимиз зарур. Ўйлайманки, шундагина кўзлаган олий мақсадимизга эришамиз. Шундагина аждодларимиздан бизгача етиб келган анъаналарни ёш авлодга етказишдек улкан ва шарафли бурчни тўла адо этган бўламиз.

Ушбу Республика курси раҳбари Манзура Солиховани суҳбатга чорлаганимизда опа куйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди.

— Юртимиз мустақилликка эришгач барча соҳалардаги каби таълимда ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда, олдимизга фидокор, ватанпарвар, меҳнатсевар, миллий истиқлол ғояларига садоқатли инсонларни тарбиялаб етиштиришда янги-янги талаблар қўйилмоқда. Ёш авлодда ана шундай юксак инсоний фазилатларни шакллантириш биринчи галда тарбиячи-мураббийларнинг малакаси ва назарий методик савиясига боғлиқ. Уларни замон талабларига асосан илгор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш ҳамда таълим муассасаларига янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича услубий хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланмоқда. Шунингдек, малака оширишга келган мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг ўз касбининг етук мутахассислари, профессорлар билан учрашувлари, давра суҳбатлари яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ҳар йили ўтказилиб келинаётган "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловидан 2000-3000 атрофида ўйинчоқлар иштирок этиб, махсус комиссия улардан 100-150 тасини танлаб олиб, оммавий тарзда ишлаб чиқишга тавсия этади.

Дарҳақиқат, айтишнинг йилликка қадам қўйган инсоният тараққиёт сари дадил одимлар экан, бу йўлда ишни пайсалга солиш ёки сусткашликка йўл қўйиш эртага панд бериши мумкин. Шунингдек, ёш авлод тарбиясидек улкан бир вазифани ўз зиммасига олган мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда ходимлари бугунги яратилган шарт-шароитлардан оқилона ва унумли фойдалана билиши, эртанги кун ёшларини ҳар тарафлама етук, баркамол воёга етишида ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Шундагина, келажакда буюк давлатимизнинг муносиб ворислари шаклланади. Шундагина, мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида мустақам мавқега эга бўлади.

P.S. Халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев ҳукуратимиз томонидан яратиб қўйилган шарт-шароит, имкониятлардан оқилона фойдалана билмаган, ушбу бир ойлик малака ошириш курсига масъулиятсизларча ёндошиб, ўқув жараёнида қатнашмаган республикамиз бўйича 28 нафар мактабгача таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан вазирлик томонидан керакли чора-тадбирлар кўрилишини алоҳида таъкидлади.

**Камолитдин АЛИОХУНОВ,
Назokat ХОЛМЕТОВА
"Ma'rifat" мухбирлари**



ўсишларида сифатли истеъмолни йўлга қўйиш эртага албатта ўзини оқлашини айтиб, янги-янги сабзавотлардан, сут маҳсулотларидан фойдаланиш учун айна вақтдаги жараён раҳбардан тадбиркорликни ҳамда ундабуронликни талаб этишини таъкидлади. Айниқса боғчаларнинг ўз ер майдонларига эга бўлишлари ва кўшимча маблағ топишни кенг йўлга қўйишлари бу борада анчагина қўл келишини билдирди. Тўғриси, қайси раҳбар тадбиркор, ишнинг кўзини билладиган бўлса, бу ўша жамоанинг нуфузини оширади, бирлигини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари давра суҳбати қатнашчилари мактабгача таълим жараёнида давлат ва нодавлат болалар масканларининг ўрни ҳақида батафсил маълумотга ҳам эга бўлдилар. Бундай нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишда, тажрибада синалган усуллардан қай йўсинда фойдаланиш кераклигининг тунтириб берилиши иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Айни чоғда эса бешта вилоятда

ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ишлаб чиқилган дастур асосида кўшимча 25 та хонадон боғчалари ташкил этилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги "2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат-тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 119-сонли қарорига биноан республика миқёсида бугунга қадар 21 та боғча хусусийлаштирилди.

Тадбирдан сўнг ўтган бир ой мобайнида мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари қандай билимларни эгаллаганликлари билан ҳам танишдик.

Муҳаббат Абдурахмонова, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 1-болалар боғчаси мудираси:

— Бу ерда турли вилоятлардан келган ҳамкасбларим билан бирга янги педагогик технологиялар бўйича боғчаларимизда қилинаётган ишлар ҳақида фикр алмашдик. Шунингдек, курс мутахассиси Мухтор Тошмуродов бизни инглиз тилини тарбияланувчиларга ўргатишнинг энг қулай усуллари билан таништирди. Эндиликда, мен ўз масканимиздаги кичкинтойларга ҳозиргидан-да кенгроқ шароит яратиб бераман. Зеро, доно халқимиз "Тил билган эл билади" деб беҳиз айтишмаган. Шу билан бирга яқин вақт ичида болажонларга компьютер саводхонлигини ҳам ўргатишни режалаштирмоқдаман. Ваҳоланки, бу нарсаларни фарзандларимизга ёшлиқлариданоқ ўргатиб бормасак, тез ривожланаётган жаҳон ҳамжамиятида кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаслигимиз мумкин. Буни тўғри тушуниб етган раҳбар бугунданоқ ишга астойдил киришмоғи керак. Ёш авлодни эртага хорижлик тенгдошлари билан бемалол баҳс-мунозара юрита оладиган даражада тарбиялаш, таълим бериш биз катта авлоднинг олдида турган биринчи вазифа саналади.

Фозила Бозорова, Бухоро вилояти Гиждувон тумани халқ таълими бўлимига қарашли "Нихол" номли 72-мактабгача таълим муассасаси раҳбари:

— Биз ўқиб билим олишдан ташқари ўз соҳамизнинг етук мутахассислари билан ҳам учрашдик. Жумладан, Республика таълим маркази ходимлари билан кечган жонли мулоқотда таълим-тарбия ишини ташкил этишда кўрғазмали дидактик материаллар, қўлланмалар тайёрлаб берилишини сўрадик. Шу билан бирга, "Соғлом авлод", "Она ва бола" Давлат дастурлари бўйича келгусида қилинажак ишларимиз борасида ҳам тавсияномалар олдик. Зотан, ўз олдимизга ёш авлодни ҳар томонлама етук даражада камолга етказишдек улкан вазифани қўйган эканмиз, бунинг учун албатта барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳара-



ни ёш авлод онгига сингдириш бугунги асосий вазифалардан саналади. Ана шундагина фарзандларимизда миллийлик руҳи тўла шакллана боради.

Очик айтиш керак, Ўзбекистон жаҳонга юз тутаётган бир паллада ҳозирданоқ болажонларга давлат тили билан бир қаторда хорижий тилларни ҳам ўргата боришимиз мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса мактабгача таълим муассасаларига инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш лозим. Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги 5-болалар боғчаси мудираси Норгул Пиримқулованинг шу ҳақдаги саволига жавоб бериб, Ҳамида Аҳмедовага бугун бу нарсаси бир қатор боғчаларда йўлга қўйилганлигини, лекин Республика бўйича барча мактабгача таълим муассасаларини кадрлар билан таъ-

Ўзбекистон-Германия ўртасида таълим соҳасидаги мавжуд муносабатларни янада ривожлантириш, айниқса республикамиз раҳбарияти томонидан мамлакатимизда янги ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар фаолияти билан немис жамоатчилигини таништириш ҳамда ушбу йўналишдаги ўзаро алоқаларни янги бир босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги элчихонасида «Ўзбекистон касб-хунар таълимининг бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзuida халқаро анжуман ўтказилди.

лашиш мақсадида техникавий ҳамкорлик лойиҳаси доирасида 2001 йили молиявий ҳамкорлик учун 17 миллион ва техникавий ҳамкорлик учун 4,3 миллион немис маркаси миқдорида маблағ ажратилган. Шунингдек, Ўзбекистонда касб-хунар таълимини ривожлантиришга қаратилган дастур нафақат Марказий Осиёда, бал-

АКСЕЛС ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Марҳамат туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернат вилоятимиздаги энг илғор таълим масканларидан саналади. Мактаб-интернат муаллимлар жамоаси ўқувчиларни янги педагогик технологиялар, илғор тажрибалар асосида ўқитиб, салмоқли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Математика, информатика, география ва инглиз тили фанларидан мактаб-интернат ўқувчилари ҳар йили республика миқёсидаги фан олимпиадаларида иштирок этишмоқдалар.

Яқинда мактаб-интернатда яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Мактаб-интернат инглиз тили муаллими Махфиратхон Йўлчиева АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти томонидан вилоят миқёсида ўтказилган инглиз тили фани ўқитувчилари танловида қатнашиб, ғолибликни эгаллади.

Кунини кеча Наманган Давлат университетидан танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолиб ўқитувчи М.Йўлчиевага АКСЕЛС ташкилотининг инглиз тилини ўқитиш бўйича китоб ва кўргазмали курулларни мукофот сифатида топширилди.

О.СИДДИҚОВ,
Ўз мухбиримиз

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Унда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Ж.Хусанов, макроиқтисодиёт ва статистика вазири ўринбосари Ф.Баратов ва қатор мутахассислардан иборат мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Анжуманда Ж.Хусанов сўзга чиқиб, мамлакатимиз касб-хунар коллежларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида амалга ошириладиган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Шу боисдан ҳам ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш борасида қатор тадбирлар белгиланганлиги, жумладан, республика иқтисодиётига янги технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг доимий равишда янгиланиб туриши эътиборга олинди, бугунги кунда тажриба-синов сифатида барча фанлар бўйича доимий фаолият кўрсатадиган

малака ошириш курслари ташкил этилганлигини қайд этди. Лекин касб-хунар коллежлари учун педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш борасида ривожланган давлатларнинг, жумладан Германиянинг илғор тажрибаларига эҳтиёж борлигини таъкидлаб, ҳамкасбларини бу борада ҳамкорликка чақирди. Айни пайтда анжуманда иштирок этган давлат ва нодавлат молиявий ташкилотлар вакилларини ва тадбиркорларни ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш мақсадида Ўзбекистонга сармоя олиб киришлари учун барча имкониятлар мавжудлигини уқтирди.

Анжуманда Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлигининг Ўзбекистон бўйича бўлим бошлиғи В.Кёстер сўзга чиқиб, Ўзбекистон — Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатларда касб-хунар таълими соҳасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистондаги касб-хунар таълимига кўмак-

ки ҳамдўстлик давлатлари орасида ягона ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Германиянинг барча манфаатдор ташкилотлари уни амалга ошириш учун белгиланган лойиҳаларда иштирок этишлари мумкин.

Шунингдек, Шлезвинг — Холштайн иқтисод академияси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг Тасис — Темпус дастури доирасида Ўзбекистонда касб-хунар академияси ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ва бугунги кунда ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Европа Иттифоқи томонидан молиявий маблағ ажратиш масаласи кўриб чиқилаётганлиги таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон касб-хунар таълимини ривожлантириш борасида белгиланган режалар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи немис тилида хужжатли фильм намойиш этилди.

«Туркистон-пресс»

СЕВИМЛИ ҲИЧЧОҚЛАР

Кунини кеча Қирғули туманидаги ўқувчилар уйида ўтказилган «Севимли ўйинчоқлар» вилоят кўрик-танловида болалар боғчаларининг туман ва шаҳарларда ғолиб деб топилган тарбиячилари қатнашиб, ўз қўл меҳнат намуналарини кўргазмага қўйдилар. Шу кунини ўқувчилар уйи турфа хил ўйинчоқларга тўлиб, улар асл нусхалиги, бежирим ва чиройлилиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Тадбирни кўздан кечирган киши боғча опаларнинг ижодий меҳнати таъсаннолар айтмай қолмади.

Тақдим этилган ўйинчоқларнинг тури жуда кўплиги сабабли ҳакамлар ҳайъати уларни бешта йўналиш бўйича обдон кўриб чиқди. Муаллимларнинг шарҳларини тинг-лаб, холисона баҳолади. Бу йўналишлар — мусикий ўргатувчи, ҳаракатланув-

чи ўйинчоқлар, боланинг мантиқий тушунчаларини ривожлантирувчи ўйинчоқлар ҳамда ўйин материаллари, физика, кимё, техникага қизиқувчанликни ўстиришга хизмат қилувчи ўйинчоқлар, дидактик, сюжетли рол ижро этишга мосланган ўйинчоқлар, учинчи минг йиллик боласининг ўйинчоғи турларидан иборат бўлди. Кўрик-танловда ижодкор тарбиячилардан бувайдалик Равшаной Меҳмононова, марғилонлик Мавлудахон Маҳмудова, олтиариқлик Ибодатхон Юсупова, қирғулилик Ольга Ангелина ҳамда данғаралик Шоҳидахон Акбаровалар мазкур йўналишлар бўйича ғолиб топилиб, муносиб рағбатлантирилди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
Ўз мухбиримиз

Юнусобод туманидаги 313-ўрта мактабда «Конституция ва унинг ҳаётда тутган ўрни» мавзuida учрашув ўтказилди. Маърузалар орқали ўқувчилар ўзларини қизиқтирган турли саволларга жавоб олишди. Институтимиз

интизом ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш воситаси сифатида қабул қилинишини тушунириб беришди.

Мактаб ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга қониқар-

МАЛАБАЛАЛАР — ЎҚУВЧИЛАРТА

талабаларидан таркиб топган тарғибот гуруҳи аъзолари Аҳмад Тўхтасинов ва Икром Тошевлар ушбу саволлар юзасидан мушоҳада юритиб, ёшларга Конституция мамлакатнинг асосий қонуни, давлатнинг таништирув хужжати эканлигини эътироф этишди ва у ҳар бир давлатнинг мавжудлигини, ўз ҳудудидан тартиб

ли жавобларни олишиб, учрашувдан мамнун эканлигини билдиришди. Биз бундай учрашувларни бошқа умумтаълим мактабларида ҳам ҳафтада икки мартадан ташкил қилиб, ўз билим ва маҳоратимизни ошириб боришни режалаштиряёмиз.

Неъмат ХАТТОБОВ,
ТДЮИ 3-ҳуқуқ факультети
талабаси

«АМИРСУДА» ҒОЛИБЛАРИ АЖИЗЛАРДА

Кунини кеча Миллий матбуот марказида республика ОАВларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси қошида ташкил қилинган ижодкор хотин-қизлар клубининг ажойиб тадбири бўлиб ўтди.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган мазкур тадбирда республикамизнинг кўзга кўринган, эндигина танилаётган бир қатор журналист, шоира, ижодкор аёллари иштирок этди.

Ушбу даврада асосан аёллар улуғланди, кўчларга кўтарилди. Журналистикадек оғир ва машаққатли соҳада меҳнат қилаётган забардаст, толмас ўзбек аёллари борлиги эътироф этилди.

Жамғарма республика ОАВларида меҳнат қилаётган аёлларни рағбатлантириш, улар ижодини муносиб тақдирлаш мақсадида «Атиргул» номидаги ижодкор хотин-қизлар танловини эълон қилган эди. Тадбирда мазкур танлов ғолиблари ҳам аниқланди. Ушбу йиғилишда ғолиб аёллар тақдирланди.

Мавжуда ҚАРШИЕВА



Бола тарбиясида мактабгача таълим муассасалари муҳим ўрин тутди. Бу масканларда тарбиядан ташқари болаларнинг ташқи омилларни сезишга қобилияти ҳам кузатилади. Кузатишларни ўтказиш оддий ўйинчоқлар орқали ҳам синаб кўрилади.

Суратда: психолог Муқаддам Каримова Юнусобод туманидаги 43-мактабгача таълим муассасасида ана шундай машғулотларнинг бирини ўтказмоқда.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ДАРСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД НИМА?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар таёрлаш миллий дастури”нинг асосий талабларидан бири, бу ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ишлаш кўникмаларини шакллантириш, ақлий ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш, олган билимларини ҳаётда қўллаш олиш малакаларини таркиб топширишдан иборатдир. Тамойилга кўра, бу каби талаблар асосан мактабда, дарс жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, дарс самарадорлиги ўқитувчининг машғулотларга нечоғлик пухта тайёргарлигига боғлиқ.

Айтиш жоизки, таълим жараёнига кириб келаётган инновацион методлар, янги педагогик технология элементлари дарс мазмуни ва моҳиятини бойитмоқда. Ушбу талабларни бажаришда даставвал ўқитувчи ҳар бир дарс мавзуси, мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларини ривожлантирувчи психологик тест топшириқлари, рақамли савол-жавоблардан унумли фойдаланиб дарс ўтишининг индуктив ва дедуктив усулларини машғулотларига тадбиқ этса, булар, албатта, муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилади.

Куйида намуна сифатида 7-синф учун алгебра фани бўйича “Бир ўзгарувчи чизикли тенглама” мавзусидан бир соатлик дарс баёнини келтирамиз.

Мен ўз дарсларимда, энг аввало, ўқувчиларнинг янги дарсга кўникмаларини ошириш, фикрларини бир ерга жамлаб олишлари учун “Қайси бири ортиқча?” усулидаги психологик тест топшириқларини тарқатишдан бошлайман. Шартга кўра, бу топшириқлар ўқувчиларнинг берилган 4 та тушунчадан 3 тасининг умумийлик томони, 1 тасини эса уларга қўшиб бўлмас жиҳатини топа олиш қобилиятларини аниқлашга хизмат қилади. Масалан,

1. а) м, б) см, с) г, д) км.
2. а) тўртбурчак, б) айлана, с) учбурчак, д) кўпбурчак.
3. а) нур, б) кесма, с) тенглама, д) доира.

4. а) аралаш каср, б) бутун сон, д) оддий каср, с) унли каср.
5. а) x , б) $x+y$, с) $5x^2 + 3y^3$, д) **учбурчак**.

6. а) тенглама, б) график, с) тенгсизлик, д) айният.

7. а) ўткир, б) ўтмас, с) **синик**, д) ёйик.
8. а) тенг ёнли, б) **200 градусли**, с) тенг томонли, д) тўғри бурчакли.

9. а) манфий сон, б) мусбат сон, с) **чама сон**, д) бутун сон.

Бу топшириқлар ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини аниқлаш ва уни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўқувчилар томонидан топшириқлар бажариб бўлинган, ўқитувчи тест якунлари бўйича ўзининг умумий хулосаларини айтади. Шундан сўнг доскага янги мавзу ёзилади.

Мавзу: Бир ўзгарувчи чизикли тенглама

Дарснинг мақсади: 1. Ўқувчиларнинг ўзларига бир ўзгарувчи чизикли тенгламаларнинг умумий кўринишини ҳосил қилдириш, уни ечиш, кўникма ва малакаларини шакллантириш. 2. Ақлий фаолияти, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, мустақил ишлаш кўникмаларини таркиб топшириш. 3. Гуруҳларда ишлаш, ўзгалар фикрларини ҳисобга олиш хислатларини пайдо қилиш.

Дарс услуби: индуктив ва дедуктив.
Дарс жиҳози: психологик тест топшириқлари, амалий топшириқлар, услубий қўлланмалар.

Мавзуга оид тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдириш ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида синф ўқувчилари ўзлаштириш қобилиятларига кўра (ҳар бир гуруҳда 5-6 нафардан) 4-5 та гуруҳларга бўлинади ва ўқитувчи томонидан махсус топшириқлар берилди.

1-топшириқ: ўқувчиларнинг қуйи синфларда мисол ва масалаларни тенглама усулида ҳал этиш тушунчасига эга бўлганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир гуруҳ аъзоларига навбат билан доскага 1 тадан тенглама ёзиш топширилади. Масалан, $2x + 3 = 7$, $8x = 4$, $7 - x = 12$, $2x = 4$, $49x = 178$, $3 + x = 81$ ва ҳ.к.

Бу топшириқларни эса навбатдаги гуруҳ аъзолари бирма-бир тўғри ва тез муддат ичида жавобларини топишлари шарт қўйилади. Мазкур топшириқлар орасида ўқувчиларни фикрлашга ундовчи қуйида келтирилганидек, саволларнинг ҳам бўлиши ижобий ҳолдир. Масалан,

1. Тенгламаларнинг ўхшаш жиҳатлари нимада? 2. Уларнинг фарқли томонлари-чи?

Демак, тенгламалар ўхшашлигидан уларни бир хил шаклга келтириш мумкин. Фақат коэффициентни ва овоз ҳадлари билан фарқ қилиши сабабли уларни умумий кўринишда ифодалаш мумкин.

Шундай қилиб, бу вазиятда ўқувчилар тенгламаларнинг умумий кўринишларини ифодалаб берадилар.

$ax = b$ (бу бир ўзгарувчи чизикли тенглама дейилади, бундан

$x = \frac{b}{a}$ — бир ўтказувчи чизикли тенглама илдизини топиш формуласи)

Бу топшириқ орқали ўқувчиларнинг хусусийликдан умумий хулосалар чиқара олиш хислатлари таркиб топширилади.

2-топшириқ:
 $4x - 8 = x + 4$. Ушбу тенгламани ечинг.
 $4x - x = 4 + 8$
 $3x = 12$, $x = 12 : 3 = 4$

Жавоби: $x = 4$

Бу топшириқда ўқувчиларга берилган тенгламалар шакл алмаштиришлар орқали умумий кўринишга келтирилиши ва илдизи топилиши ўқитирилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ташкил этиш мақсадида қуйидагича мисоллардан фойдаланади.

1. Амалий топшириқ: $6x + 97 = 23 - 2x$ тенгламани ечинг. Бу тенгламани ечиш йўлининг айрим элементлари ўқитувчи томонидан тушириб қолдирилган ҳолда бажарилади.

Ечиш: $6x + 97 = 23 - 2x$
 $6x + 2x = 23 - 97$
 $8x = \dots$
 $x = \dots$

Жавоби: (?)

Бунда ўқувчилар нуқталар ўрнига керакли ифодаларни мустақил равишда қўядилар.

3-топшириқ: - 2; - 1; 0; 2; 3 сонларидан қайсилари $x^2 - 7x = 6$ тенглама илдизи бўла олади?

Бу топшириқ орқали эса ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Эътиборлиси, дарс жараёнида миллий кадрларимизнинг сингдирилишига ургу берилиши ижобий натижаларни беради. Чунки ўқитувчи илк бор тенгламалар ечиш йўлини ўқувчиларга тушунтиришда буюк аллома ал-Хоразмийнинг мазкур фан ривожига қўшган ҳиссаси, олиб борган тадқиқотлари, ўз даври олиму фозалолари ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлигини таъкидлаш бир жиҳатдан ўқувчиларда фанга нисбатан қизиқишини орттирса, иккинчи томондан отабобларимиз меросидан гуруҳланиш ҳиссини пайдо этади.

Дарс якунида ўқитувчи ўқувчиларга ўрганганларини мустақамлаш учун уйга вазифа беради ва бугун машғулотларни қай даражада ўзлаштирилганлиги ва фаоллигига қараб уларни баҳолайди (жорий этилган бўлса, рейтинг баллари эълон қилинади).

Хуллас, ҳар бир соатлик дарс учун ўқитувчи қанчалик пухта ҳозирлик кўрса, таълим самарадорлиги шу қадар ортиб бораверади.

М.ФАФФОРОВ,
Пахтачи туманидаги 45-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси

Дарснинг мақсади: Углерод гуруҳидаги элементлар ва уларнинг бирикмалари, хоссалари, атомлари тузилиши ва даврий система асосида характерлашга, *Д.И.Менделеев* элементлар даврий системасининг атом тузилиши назарияси ҳақидаги билимларни ривожлантиришга қаратилган.

Дарс жиҳозлари:

а) Д.И.Менделеев элементлар даврий системаси;

б) углерод группасидан элементлар хоссаларининг ўхшашлиги ва фарқи жадвали;

в) графит, кремний, кристалл, қалай, қўрғошин, қум ва бошқалар.

Дарсни ўтказиш методи: мустақил иш ва суҳбат.

Дарс режаси:

1. Мустақил машқ ва китоб устида ишлаш.

2. Ўқувчилар саволларига жавоблар.

3. Суҳбат ва мустақил ишлар асосида ўқувчиларнинг даврий система, атомнинг тузилиши ҳақидаги билимларини ривожлантириш.

Дарс ўқувчиларнинг мустақил ишидан бошланади. Ўқувчиларнинг машқ қилиш дафтарларига қуйидаги савол-

Bir soatlik dars

ни илиб қўяди. Сўнг суҳбат тарзида Д.И.Менделеевнинг даврий система-си ва тайёрланган жадвалдан фойдаланиб ўқувчиларга савол ва топшириқлар берилди.

1. Тўртинчи гуруҳнинг бош гуруҳчасида қайси элементлар жойлашган?

2. Углерод гуруҳидаги элементлар атом массаларини айтинг.

3. Углерод гуруҳида элементлар атомларидаги электрон, нейтронлар сонини қандай аниқлаймиз?

4. Углерод гуруҳидан элементларнинг кислородли бирикмаларини ёзинг.

5. Углерод гуруҳидан элементларнинг водородли бирикмалари формулаларини ёзинг.

6. Углерод гуруҳидаги элементларнинг гидрооксидлари формуласини ёзинг.

7. Шу гидрооксидларда кислоталик хоссалар қандай ўзгаради?

8. Шу группа элементларининг физик хоссаларини таққосланг.

МУҲИМИ — ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ

ларга жавоб ёзиш топширилади: “Элементларнинг даврий системасидан фойдаланган ҳолда углерод ва кремнийнинг кислород ва водород билан ҳосил қилиши мумкин бўлган бирикмалари формулаларини ёзинг ва валентлигини кўрсатинг”. Ўқувчилар машғул бўлганларида ўқитувчи ишнинг бажарилишини кузатади.

Кейин икки ўқувчини доскага чақириб, биринчисига углероднинг водородли, кислородли бирикмалари формуласини ёзишни, иккинчисига эса кремнийнинг водородли ва кислородли формуласини ёзишни топширилади.

Учинчи ўқувчидан оғзаки ҳолда ушбу бирикмаларда углерод ва кремнийнинг валентликларини сўраб, уччала савол мазмуни ечилгач, ўқитувчи ўртага қуйидаги саволларни ташлаб, жавоб олади:

1. Углерод ва кремний атомининг ташқи электрон қаватида нечта электронлар борлигини даврий системадан фойдаланиб тушунтиринг.

2. Даврий системада жойлашиши бўйича углерод гуруҳидаги элементлар ўзларининг кислородли, водородли бирикмаларида неча валентликни намойиш қилиши мумкин?

3. Даврий система билан атом тузилиши ҳақидаги тасавурларингизни углерод гуруҳи элементлари мисолида тушунтиринг.

Шундан сўнг ўқувчиларга дарсликни очиб, углерод гуруҳидаги элементларнинг қисқача тавсифини ҳар бир ўқувчи ўзи овоз чиқармай бир неча марта ўқиб чиқиши ва тушунмаган жойларини савол тарзида дафтарга ёзиб қўйишлари топширилади. 7-8 минут давомида ўқувчилар матнни ўқидилар ва тушунмаганларини ўқитувчидан сўраб билдилар. Ўқитувчи саволларга жавоб қайтарганидан кейин китобларни ёпишни буюради. Досканинг бир четига илгари тайёрланган жадвал-

Ўқитувчи шу каби юқоридаги саволлар ва топшириқлар орқали ўқувчиларнинг янги мавзу юзасидан олган билимларини билиб олгач, кўпроқ углерод гуруҳидаги элементларнинг ўхшашлиги ва фарқли жиҳатларини жадвал асосида тушунтирди. Кислородли ва водородли бирикмалари умумий ҳолда: $R^{+4}H_4^{+1}R R^{+4}O_2^{-2}$ кўрсатилади. Даврий системада (гуруҳларда) элементларнинг тартиби сони ортиши билан кислоталик хоссалар заифлашади, чунки бу элементларнинг металл хоссалари кучайиб, металмаслик хоссалари сусайиб боради.

Актив металмаслар оксидларининг гидрооксидлари кучли кислоталик хоссага эга бўлиб, металмаслик хоссаларининг заифлашиши атом тузилиши бўйича тўлиқ изоҳланади.

Элементлар тартиби номери ортиши билан уларнинг атомларида электрон қаватлари сони ва электронлар сони ортади, атом радиуси узаяди, валент электронлар ядродан узоқлашиб, ядрога тортилиши заифлашади. Бу ҳодиса металмаслик хоссаларининг заифлашишига олиб келади.

Элементлар атомида электронлар неча қават жойлашган бўлса, элемент шу сонга тенг даврда жойлашади. Углерод гуруҳи элементлари атом тузилиши бўйича ташқи электрон қаватдаги электронлар сони 4 га тенглиги билан ўхшаса, электрон қаватлари сони ҳар хиллиги, электронлар сони кўп-озлиги, атом радиуслари узун-қисқалиги билан фарқ қилади.

Ўқувчиларнинг берган жавобларига қараб билимига баллар қўйилади ва изоҳланади.

Уйга вазифа қилиб мавзунини ўқиш ва дарсликда берилган машқларни бажариб келиш топширилади.

Норбек РЎЗИМУРОДОВ,
Фориш тумани 77-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси

СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДА

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорликда телевидениенинг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда Республика ёшларини физика, математика, кимё ва иқтисодий билим асослари фанларига бўлган қизиқишларини орттириш, масофадан ўқитиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, рағбатлантириш ҳамда халқаро олимпиадаларга танлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2002 йилнинг февраль-май ойларида сиртқи телевизион олимпиада ўтказмоқда. Олимпиадада умумий ўрта таълим ва ихтисослашган мактаб ўқувчилари қатнашишлари мумкин. Олимпиада III босқичда февраль, апрель ва май ойларида ўтказилади. Биринчи босқичнинг савол ва топшириқлари эълон қилингандан сўнг, бир ой муддатда жавобларни ёзма равишда куйидаги манзилга юборишларингиз мумкин.

Тошкент-11

Навоий кўчаси — 69

Ўзбекистон телерадиокомпанияси

"Маърифат" студиясининг

"Сиртқи телевизион олимпиада" кўрсатуви

ФИЗИКА
8-9-синф


1. Сув тўлдирилган бакдан кўндаланг кесим юзи $S=4\text{см}^2$ бўлган труба орқали сув оқиб чиқмоқда. Сув сарфи 24 л/мин бўлса, сув оқимининг бакка таъсир кучини топинг.

2. Нима учун, юмшатирилган ерда намлик яхши сақланади?

3. Ёруғлик нури радиуси R ва синдириш кўрсаткичи $n=1,5$ га тенг бўлган бир жинсли шиша шарга тушмоқда. Шар ичида ёруғлик нурининг тўла қайтиши кузатиладими?

4. Ҳавода нормал шароитда тортилган бир тонна пахта оғирми ёки темир оғирми? Пахтанинг зичлиги 500 кг/м^3 , темирники 8000 кг/м^3 .

5. Солиштирма қаршилиги P , кўндаланг кесим юзаси S ва узунлиги l бўлган симдан томонлари a ва b бўлган диагоналли $ABCD$ тўртбурчак ясалган. B ва D нуқталар орасидаги қаршилиқни топинг. (чизма)

ФИЗИКА
10-11-синф

1. Ердаги жисмларга қуёш қандай таъсир беради?

2. Узунлиги 3,4 м бўлган ва икки томони берк бўлган трубадан ҳаво устунининг хусусий тебранишлар частотасини топинг.

3. Дарёнинг тик бўлган қирғоғидан отилган тош қирғоқдан максимал узоқликка бориб тушиши учун уни горизонтга нисбатан қандай бурчак остида отиш керак?

Қирғоқ баландлиги 20 м, тошнинг бошланғич тезлиги 14 м/с.

4. Эгилувчан симдан ясалган ва радиуси R бўлган халқадан 1 ток ўтмоқда. Халқа индукцияси B бўлган бир жинсли майдонга жойлаштирилганда халқани чўзувчи кучни топинг. Халқа текислиги магнит майдонга тик қилиб жойлаштирилган.

5. Радиуси 5 мм бўлган тўғри мис симдан 50 А ток ўтмоқда. Ўтказгич маркази билан унинг сирти орасидаги потенциаллар фарқини топинг. Мисдаги эркин электронлар концентрацияси $9 \cdot 10^{28}\text{ м}^{-3}$ га тенг.

МАТЕМАТИКА
8-9-синф

1. Агар $a, b > 0$ ва $b = \dots$ бўлса, куйидаги тенгсизликни исботланг:

2. Агар $n^2 + nm + m^2$ сон 9 га бўлинса (бунда n ва m бутун сонлар), u ҳолда n ва m сонларнинг ҳар бири 3 га бўлинишини исботланг.

3. Тўғри бурчакли учбурчакнинг гипотенузасига туширилган баландлик узунлиги 10 см бўлса, бу учбурчакнинг ичига 50 см^2 бўлган доирани сиғдириш мумкинми?

4. Текисликнинг барча нуқталари оқ ва қора рангларга бўялган. Шу текисликда шундай кесма мавжудки, унинг икки учлари ва ўртасидаги нуқталарнинг ранги бир хил бўлишини исботланг.

5. n натурал соннинг рақамлари йиғиндисини $A(n)$ билан белгилаймиз. Агар $A(2n) - A(n) = 0$ бўлса, n нинг 9 га бўлинишини исботланг.

МАТЕМАТИКА
10-11-синф

1. Ушбу $n^2 + x^2y = x^2 + 2xy + 2x + y$ тенгламани қаноатлантирувчи барча (x, y) бутун сонлар жуфтлигини топинг.

2. 10101010 101 кўринишдаги барча туб сонларни топинг.

3. Бир-биридан фарқли a_1, a_2, a_3, a_4 ва a_5 сонлари берилган. Бу сонлардан тузилган $a_i + a_j, 1 \leq i < j \leq 5$, шаклдаги йиғиндиларни турли қийматлари сони m бўлса, u ҳолда m нинг энг кичик қийматини топинг.

4. ABC учбурчакда $\angle B = 90^\circ$. Учбурчакнинг BC томонида D ва E нуқталар шундай танланганки, унда $\angle BAD = \angle DAE = \angle EAC$ ва $|EC| = 2|BD|$. ABC учбурчак бурчакларини топинг.

5. Соннинг бутун қисмини топинг. $\sqrt{6 + \sqrt{6 + \dots + \sqrt{6}}} + \sqrt[3]{6 + \sqrt[3]{6 + \dots + \sqrt[3]{6}}}$ соннинг бутун қисмини топинг ($\sqrt[3]{6} > 1,8$)

КИМЁ
8-9-синфлар учун

1. Ҳажми 1 л бўлган колбадаги сувда 0,56 г КОН эритилди. Бу эритманинг 50 мл ни титрлаш учун хлорид кислотанинг 0,01 н эритмасидан 48 мл сарфланади. КОН нинг тозаланиши фоизларда ифодаланг.

2. S_nSO_4 эритмаси орқали маълум қулон электр токи ўтказилса, катодда 0,119 г қалай ажралиб чиқади. $Sn(SO_4)_2$ нинг эритмаси орқали қанча электр токи ўтказилса ундан ҳам

катодда 0,119 г қалай ажралиб чиқади?

3. Медицинада қўлланиладиган кислород таркибида озон бўлмаслиги керак. Кислородда озон қўшимчаси бор-йўқлигини қандай қилиб билиш мумкин?

Жавобингизни реакциялар тенгламаси билан изоҳланг.


4. Ҳаводан энгил, рангсиз, ўткир ҳидли газ кислородда ёндирилди. Бунда рангсиз, ҳидсиз ва оҳак сувини лойқалантирмайдиган маҳсулотлар ҳосил бўлади. Дастлабки газнинг 2,24 л (н.ш) юттириш учун реал шариоитни ҳисобга олган ҳолда 14,6 фоизли ($\rho = 1,08\text{ г/мл}$) хлорид кислотасидан неча мл керак?

5. Моль миқдориди олинган $NaOH$ эритмаси орқали 1,03 л (н.ш) CO_2 ва SO_2 газлар аралашмаси ўтказилганда эритманинг массаси 2,3 г ортган бўлса, бошланғич газлар аралашмасининг таркибини аниқланг (фоиз).

КИМЁ
10-11-синф

1. Ацетосирка эфиридан фойдаланиб 3,4-диметилпентанон-2 ни олиш реакция тенгламаларини ёзинг.

2. Куйидаги ўзгаришларни амалга оширинг.



1,2,3,4 ва A, B, C-моддаларни аниқланг. Реакция тенгламаларини ёзинг.

3. Бромли сувни рангсизлантирадиган, сув билан $C_7H_{16}O$ таркибли учламчи спирт ҳосил қиладиган, озон билан оксидланганда сирка альдегиди ва 3-метилбутанон ҳосил қиладиган C_7H_{14} таркибли углеводородларнинг тузилишини аниқланг. Реакция тенгламаларини ёзинг.

4. Алюминийнинг Fe_3O_4 билан таъсир натижасида ҳосил бўлган моддалар аралашмасига ишқор эритмаси таъсир эттирилганда 1,344 л газ (н.ш) ажралиб чиқди. Шунча миқдордаги аралашмага моль миқдорда H_2Se кислотаси таъсир эттирилганда эса 5,376 л газ (н.ш) ажралиб чиқса дастлабки аралашмадаги Al ва Fe_3O_4 нинг масса улушларини аниқланг.

5. 60% H_2SO_4 эритмасини ҳосил қилиш учун 100 г 10 фоизли олеумни қанча ҳажм 40% ($\rho = 1,30\text{ г/см}^3$) сульфат кислота эритмасига қўшиш керак?

Иқтисодий билим
асослари фанидан
сиртқи телевизион
олимпиада масалалари
(2002 йил, 1-тур)
8-9-синфлар

1. Аҳмад устахонада дурадгор бўлиб ишласа, ойига 15000 сўм маош олади. Компьютер курсига кириб ўқиш учун эса, унга ойига 6000 сўм керак бўлади. Аҳмад 12000 сўм маош билан ошхонада ишлай бошлади. Аҳмад бир вақтнинг ўзида фақат битта иш билан шуғулланиши мумкин бўлса, Аҳмад танловининг муқобил қиймати нимадан иборат бўлади? Бу ойда неча сўмлик манфаат қўлдан бой берилган?

2. Товарга бўлган талаб ва таклиф куйидаги жадвалда берилган:

Товарнинг нархи, сўмда	Талаб миқдори, донада	Таклиф миқдори, донада
400	10	40
300	20	30
200	30	20
100	40	10

а) Талаб ва таклиф чизиқларини қуринг;

б) Товарнинг мувозанат нархи ва миқдорини аниқланг.

3. Абдуллаевнинг 250000 сўмлик акциялари унга йилига 70000 сўм дивиденд олиб келди. Агар бу йили банкларнинг йиллик фоиз ставкаси 40 фоизни ташкил қилган бўлса, Абдуллаев ўз маблағидан самарали фойдаланганми?

4. Корхонада меҳнат унумдорлиги биринчи йилда 20 фоизга ошди, иккинчи йили эса 5 фоизга камайди. Корхонада бу икки йил ичида меҳнат унумдорлиги қанчага ўзгарди?

5. Фирма бир ойда 2000 дона маҳсулотини 250 сўмдан сотди ва 200000 сўм фойда олди. Фирманинг ялпи даромади, умумий харажатлари ва бир дона маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш нархини аниқланг.

10-11-синф

1. Товарга бўлган талаб $q = 14 - 3p$, таклиф эса

$q = -7 + 4p$ функциялар кўринишида берилган.

а) Товарнинг мувозанат нархи ва миқдорини топинг.

б) Агар товарнинг нархи 2 пул бирлиги қилиб белгиланса, бозорда қанча товар етмай қолади?

в) Агар товарнинг нархи 4 пул бирлиги қилиб белгиланса, бозорда қанча товар ортиб қолади?

2. Омонатчи банкка 50000 сўм қўйиб, бир йилдан сўнг 70000 сўм қилиб қайтариб олди. Нархлар йил давомида 50 фоизга ошди. Омонатчининг фоиз даромади, банкнинг номинал ва реал фоиз ставкасини аниқланг.

3. Товарга бўлган талаб $q = 200 - 5p$ функция кўринишида берилган. Давлат томонидан товар нархининг 20 фоизи миқдориди акция солиғи жорий этилса, товарга бўлган янги талаб функциясини топинг.

4. Корхона бир йилда 50000 дона маҳсулот ишлаб чиқарди ва донасини 80 сўмдан сотди. Фирманинг ишлаб чиқариш чикимлари куйидагича бўлди: амортизация ажратмаси - 500000 сўм, хом-ашё - 500000 сўм, электр энергияси, транспорт ва коммунал хизмат - 200000 сўм, иш ҳақи - 1000000 сўм, бошқа харажатлар - 400000 сўм. Агар фирма фойдасидан 40 фоиз солиқ тўлаган бўлса, унинг соф фойдаси қанчани ташкил қилган?

5. Агар мамлакатда инфляция даражаси биринчи йили -50% ни, иккинчи йили -20% ни, учинчи йили -5% ни, тўртинчи йили эса дефляция даражаси 10% ни ташкил қилган бўлса, бу тўрт йил давомида мамлакатдаги ўртача инфляция даражасини ҳисобланг.

КЎЗГУДА БУХОРО ВИЛОЯТИ

Тест якунлари маориф соҳасида ҳар бир ҳудудда олиб бориладиган ишларнинг сифати ва самарасини яққол ифода қилади. Таълим жараёнини такомиллаштириш, унга илгор педагогик технологияларни тадбиқ этиш, ёшларга тест технологиясини ўргатиш, маънавият соҳасидаги ишлар қанчалик даражада йўлга қўйилганлиги маълум маънода тест натижасида ўз ифодасини топади.

Бухоро вилояти бу соҳада маълум ютуқларни қўлга киритиб, тест натижаларига кўра юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Лекин фойдаланилмаган имкониятлар, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам мавжуд. Булар хусусида вилоят халқ таълими ходимлари ҳамда ДТМ мутасаддилари билан бўлган йиғилишда бафуржа баён этилди.

Вилоят бўйича олий ўқув юртлирига 2001 йилда 14578 абитуриентдан ариза тушган. Лекин улардан фақат 12865 таси вилоятни аниқ кўрсатиб, махсус кодларни аниқ белгиланган. Тест имтиҳонидаги жавоблар самарадорлиги 1999 йили 41,64% ни, 2000 йилда 38,94% ва 2001 йили 37,95 % ни ташкил этиб, иккинчи ўринга тўғри келган.

Бухоро вилояти бўйича абитуриентларнинг фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги таҳлил этилганда шу нарса маълум бўлдики, ўзбек тили ва адабиёти, биология, тарих, француз тили фанларидан республикада энг юқори кўрсаткичга эришилган. Фақат биология фанидан самарадорлик 2000 йилга нисбатан ўсган. Бу соҳадаги маълумот, ўзбек гуруҳлари бўйича қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Урин	Самарадорлик	Урин
Ўзбек тили ва адабиёти	31,70	1	29,70	1
Математика	38,70	3	38,06	5
Физика	29,90	3	29,97	4
Биология	40,02	1	42,27	1
Кимё	38,69	1	34,88	2
Тарих	37,36	1	35,01	1
География	47,74	2	37,32	10
Инглиз тили	42,29	2	40,49	2
Немис тили	32,83	1	31,60	2
Француз тили	40,03	1	37,22	1

Рус гуруҳлари бўйича тил ва адабиётдан, биологиядан, инглиз тилидан, немис тилидан ўсиш содир бўлган. Аниқ маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Урин	Самарадорлик	Урин
Рус тили ва адабиёти	43,19	7	43,97	6
Математика	38,56	6	37,66	6
Физика	29,59	7	28,67	7
Биология	41,00	10	43,08	8
Кимё	34,10	10	32,63	10
Тарих	40,49	3	40,70	3
Инглиз тили	47,79	5	51,00	4
Немис тили	35,93	5	35,71	3
Француз тили	50,00	2	51,03	2

Вилоятнинг туман ва шаҳарлари бўйича абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги ўрғанилганда, Тўқимачилик ва Ф.Хўжаев туманлари, Когон шаҳри республика бўйича 1-9 гача бўлган ўринни, 8 та ҳудуд 50 гача бўлган ўринни эгаллаган. Аниқ маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Олий ўқув юртлирининг кундузги бўлимлари, ўзбек гуруҳлари)

т/р	Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик 2001	Республикада тушган ўрни
1	Тўқимачилик тумани	39,22	1
2	Когон шаҳри	37,37	8
3	Ф.Хўжаев тумани	37,36	9
4	Ромитон тумани	36,67	15
5	Қоракўл тумани	36,16	18
6	Вобкент тумани	35,44	25
7	Шофиркон тумани	35,39	27
8	Пешку тумани	35,2	30
9	Бухоро тумани	34,63	35
10	Когон тумани	34,01	43
11	Ғиждувон тумани	33,81	48
12	Олот тумани	33,52	53
13	Қоровулбозор тумани	32,74	78
14	Жондор тумани	32,47	89

Вилоят бўйича тест имтиҳонидаги муваффақиятларни таъминлашда таълимий тестларнинг роли каттадир. Чунки таълимий тестларда битирувчи синф ўқувчилари тест технологиясини ўзлаштирадиган, жавоб варағининг моҳияти, уни тўлдиршига қўйилган талаблар билан танишадилар.

Вилоятда бу соҳада маълум ишлар амалга оширилди. Бу соҳадаги ишни янада кучайтириш керак.

Вилоят абитуриентларининг тест имтиҳонида тўплаган баллари ўрганиб чиқилди. Чунки бу тестга тайёрланишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўз билимига танқидий баҳо берадиган, тест имтиҳонига пухта тайёрланадиган, тест технологиясини пухта ўзлаштирган абитуриентлар сони қанча кўпайса, тестда паст натижа кўрсатганлар сони шунча камаяди. Афсуски, тест имтиҳонида бунга эришиш жуда қийин бўлмоқда. Вилоят бўйича 5320 абитуриент 0% дан 30% гача бўлган тест топширигини еча олган. 40 % дан 100 % гача тест топширигини 4658 абитуриент тўғри ҳал қила олган.

Абитуриентларнинг таълим йўналишларига бўлган қизиқишлари ўрганилди. Чунки ижтимоий ҳаётни тўғри тушуниш, мутахассисликларнинг аҳамиятини тўғри баҳолаш асосида таълим йўналишлари танланади. Ёшлар ўртасида касбий таълим (1600дан ортиқ абитуриент), иқтисодиёт (1300га яқин абитуриент), педагогика (1200га яқин абитуриент), математика ва техник йўналишларга (1500 нафар абитуриент) қизиқининг ортганлигини ижобий ҳол деб ҳисоблаш керак.

Вилоятнинг энг юқори кўрсаткичга эга бўлган туманлари ўрғанилди ва улар республиканинг илгор туманларига таққосланди. Бухоронинг Тўқимачилик тумани она тили ва адабиётдан, Пешку тумани биологиядан, Когон шаҳри инглиз тилидан ва Ромитон тумани француз тилидан республика бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган. Республикада фақат Бухоро вилоятининг 4 та ҳудуди юқори кўрсаткичга эришган. Тўлиқ маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Тўқимачилик тум.	284	33,26	Вилоят вилояти	Тўқимачилик тум.	284	33,26
	Когон шаҳри	97	44,30		Боғишамол тумани	356	50,98
Математика	Коракўл тумани	230	35,05	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57
	Пешку тумани	253	46,97		Бухоро тумани	253	46,97
Биология	Пешку тумани	221	42,03	Қашқадарё вилояти	У. Юсупов тумани	81	42,32
	Тўқимачилик тумани	141	40,82		Андижон вилояти	17	48,53
Тарих	Ромитон тумани	26	41,24	Тошкент вилояти	С.Рахимов тумани	17	57,10
	Когон шаҳри	47	53,13		Бухоро вилояти	47	53,13
Инглиз тили	Когон шаҳри	18	41,67	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
	Немис тили	54	46,60		Бухоро вилояти	54	46,60
Француз тили	Когон шаҳри	54	46,60	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60
	Француз тили	54	46,60		Ромитон тумани	54	46,60

Вилоятнинг тест имтиҳонида фанлар бўйича паст кўрсаткичга эришган туман ва шаҳарлари ҳам ўрғанилди. Шунинг қайд этиш кераки, Бухоро вилоятининг тестда паст кўрсаткичга эришган туман ва шаҳарлари, Республикада энг паст натижа кўрсатган туман ва шаҳарлардан 4% - 8% гача юқори бўлган. Лекин бундай кўрсаткич билан қаноатланиб қолмаслик керак. Имконияти борича тестда юқори натижага эришиш маориф ходимлари ва юқори синф ўқувчиларининг мақсади бўлиши керак. Вилоятнинг тестда паст кўрсаткичга эришган туман ва шаҳарлари ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган

DTM tahlili

(Ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Когон тумани	483	28,03	Қоракўл-ғиждувон Рес. вилояти	Бузатов тумани	22	21,34
	Қоровулбозор тум.	24	33,91		Навоий тумани	27	25,51
Математика	Ф.Хўжаев тум.	42	25,86	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
	Когон тумани	149	35,87		Сирдарё вилояти	122	27,14
Биология	Когон тумани	146	30,54	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
	Олот тумани	280	30,16		Қоракўл-ғиждувон Рес. вилояти	25	26,11
Тарих	Коракўл тумани	25	34,44	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон тумани	31	28,05
	Коракўл тумани	22	29,80		Сурхондарё вилояти	74	22,67
Инглиз тили	Коракўл тумани	68	25,74	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
	Немис тили	44	28,66		Қашқадарё вилояти	14	20,44
Француз тили	Когон тумани	44	28,66	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44
	Қоракўл тумани	44	28,66		Нишон тумани	14	20,44

Тест имтиҳони мактабларда таълим-тарбиянинг сифати қандай эканлигини аниқ белгилаб беради. Чунки таълим мукамал ташкил этилган, ўқувчилари касбга тўғри йўналтирилган, тестга мукамал тайёрланган мактабларнинг ўқувчилари тестда ҳам юқори натижага эришадилар. Вилоятда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган мактаблар тўғрисидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб рақами	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Тўқимачилик тумани	33	5	48,33
	Вобкент тумани	33	4	70,14
Математика	Қоракўл тумани	21	4	56,25
	Физика	7	4	63,19
Биология	Пешку тумани	18	4	68,06
	Ф.Хўжаев тумани	21	5	56,11
Кимё	Қоракўл тумани	3	2	36,11
	Пешку тумани	26	4	36,11
Тарих	Жондор тумани	1	4	75,69
	Тўқимачилик тумани	21	6	62,04
География	Когон тумани	21	5	65,00
	Жондор тумани	21	5	65,00
Инглиз тили	Когон тумани	21	6	62,04
	Қоракўл тумани	21	5	65,00
Немис тили	Когон тумани	21	6	62,04
	Қоракўл тумани	21	5	65,00
Француз тили	Когон тумани	21	6	62,04
	Қоракўл тумани	21	5	65,00

Вилоятдаги айрим мактабларни тугатган абитуриентлар тестда паст натижа кўрсатганлар. Бу кўрсаткич вилоят абитуриентларининг умумий ютуғи орасида унча сезилмайди. Лекин шундай мактабларнинг мавжудлиги, вилоятда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлигидан далолат беради. Қуйида тест имтиҳонида ўқувчилари паст кўрсаткичга эришган мактаблар кўрсатилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб рақами	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Қоракўл тумани	24	8	19,10
	Бухоро тумани	13	4	14,58
Физика	Ромитон тумани	17	5	17,78
	Ф.Хўжаев тумани	28	2	15,28
Биология	Ғиждувон тумани	32	6	15,28
	Шофиркон тумани	13	20	11,67
Кимё	Ғиждувон тумани	32	5	29,44
	Ғиждувон тумани	28	4	18,75
Тарих	Ф.Хўжаев тумани	7	4	18,06
	Шофиркон тумани	40	2	18,06
География	Шофиркон тумани	9	4	17,36
	Олот тумани	9	4	17,36

Тест имтиҳонида 150 баллдан юқори натижа кўрсатган абитуриентларнинг сони аниқланди ва унда абитуриентлар-

нинг умумий сонига таққосланди. Бухоро ва Когон шаҳарларида, Қоракўл ва Пешку туманида бу кўрсаткич юқори бўлган. Вилоят бўйича аниқ маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(олий ўқув юртлири, кундузги бўлим)

Т/р	Туман номи	Жами абитуриентлар	Балл>150	Жами абитуриентларга нисбатан фоиз
1	Бухоро шаҳри	2226	330	14,82
2	Қоракўл тумани	1099	97	8,83
3	Ғиждувон тумани	1737	91	5,24
4	Жондор тумани	1470	80	5,44
5	Шофиркон тумани	1184	75	6,33
6	Бухоро тумани	931	65	6,98
7	Пешку тумани	664	59	8,89
8	Вобкент тумани	947	58	6,12
9	Ромитон тумани	907	57	6,28
10	Олот тумани	854	33	3,86
11	Когон тумани	511	30	5,87
12	Когон шаҳри	202	18	8,91
13	Қоровулбозор тумани	63	3	4,76
Жами:		12795	996	7,78

Вилоятнинг аттестати бўйича ўртача баҳоси "4"дан юқори бўлган абитуриентлари ўрганилди. Бу баҳоларнинг қанчалик реал эканлиги тест натижаларига таққослаш орқали аниқланди. Абитуриентларнинг маълум қисмида баҳолар тўғри қўйилганлиги маълум бўлди. Чунки бундай абитуриентлар юқори балл тўплаб энг нуфузли олий ўқув юртлирига кира олганлар. Бундай ижобий натижалар халқ таълими ходимлари томонидан ўрганилиши ва бундай абитуриентларнинг сони кўпайиб боришига эришиш керак. Тестда юқори натижа кўрсатган абитуриентларнинг маълум қисми ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(ижобий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Тўқимачилик тумани	13	5	219,2
2.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Жондор тумани	2	5	217,1
3.	Ўзбекистон миллий университети	Қоракўл тумани	1	5	212,9
4.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Ғиждувон тумани	49	5	211,9
5.	Бухоро давлат университети	Тўқимачилик тумани	29	5	211,1
6.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Жондор тумани	20	4,9	210,6
7.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Ғиждувон тумани	3	4,9	210,3
8.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Қоракўл тумани	1	5	207,3
9.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Қоракўл тумани	1	5	206,4
10.	Бухоро давлат университети	Тўқимачилик тумани	1	5	205,6
11.	Бухоро озиқ овқат ва энгил саноат институти	Қоракўл тумани	1	5	205,4
12.	Тошкент тиббиёт институти	Қоракўл тумани	1	5	204,2

Тест имтиҳонида аттестатга қўйилган юқори баҳоларни тасдиқлай олмаган абитуриентлар ҳам учраган. Баҳоларни қўйишда ўқувчиларда юқори даражадаги масъулият бўлмаганлиги, ўқувчи томонидан билимларнинг пухта эгалланмаётганлиги, тестга пухта тайёрланмаганлиги ва бошқа сабаблар бундай аҳволга олиб келган. Аттестатдаги юқори баҳо тест натижаси билан тасдиқланмаган ҳолатнинг намунаси қуйида ифодаланган. Жадвалда аттестатдаги ўртача баҳонинг юқорилиги ва тестдаги паст натижа кўрсатилган.

(салбий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Бухоро давлат университети	Олот тумани	33	5	

ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ҚИЛИНДИ

Шу йил 26-27 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”-нинг иккинчи босқичи вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси” мавзусидаги ўМКХТ тизими ўқувчиларининг биринчи республика конференцияси бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Ўта қизгин баҳслар, курашлар остида ўтган бу йирик анжуман мазкур соҳа ривожини йўлида қўйилган дастлабки дадил қадам бўлишига қарамай, ўнлаб истеъдод эгаларини кашф этди ва мамлакатга танитди. Бугун ушбу конференция ғолиблари, шунингдек, ЎзФА махсус стипендияси совриндорлари ҳамда физика ва кимё фанидан халқаро олимпиада жамоасига номзодлар тўғрисида батафсил маълумот бермоқдамиз.



T/p	Ўқувчининг исми-шарифи	Эгаллаган ўрни	Йўналиши	Таълим муассасаси
1.	Жамиев Муҳаммад (раҳбари — Бобоҳўжаев Умархон, физика фани ўқитувчиси)	I	физика (илмий иш, масала)	НамДУ қошидаги академик лицей
2.	Ёрмухаммедов Анвар (раҳбари — Хафизов Алишер, кимё фани ўқитувчиси)	I	кимё (илмий иш, масала)	БухДУ қошидаги лицей-интернат
3.	Юнусова Комила (раҳбари — Бобоева Раъно)	I	биология (илмий иш)	2-ТошМИ қошидаги лицей
4.	Эргашев Мурод (раҳбари — Ўсаров Жаббор, физика фани ўқитувчиси)	II	физика (илмий иш)	ТИҚХМИИ қошидаги академик лицей
5.	Абдурахмонов Бехзод (раҳбари — Фаттахов Мирзахмад, физика фани ўқитувчиси)	II	физика (масала)	ТТЕСИ қошидаги академик лицей
6.	Худойбердиева Дилноза (раҳбари — Абдуғаниев Ёрмухаммад, кимё фани ўқитувчиси)	II	кимё (илмий иш)	ФарДУ қошидаги академик лицей
7.	Асқарова Шохиста (раҳбари — Муталибов Абдуғаффор, кимё фани ўқитувчиси)	II	кимё (масала)	Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей
8.	Мирзоидов Умид (раҳбари — Бекмухаммедов Абдуқаюм, биология фани ўқитувчиси)	II	биология (илмий иш)	Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей
9.	Зоиров Умур (раҳбари — Тоиров Зухур, физика фани ўқитувчиси)	III	физика (илмий иш)	Бухоро вилояти Фаллаосиё қишлоқ хўжалик касб-хунар
10.	Ўринова Зарифа (раҳбари — Аҳмедов Тохиржон, физика фани ўқитувчиси)	III	физика (илмий иш)	АндУ қошидаги лицей-интернат
11.	Эшқувватова Элеонора (раҳбари — Бобоев Абдурахмон, физика фани ўқитувчиси)	III	физика (масала)	СамДУ қошидаги академик лицей
12.	Асқаров Аъзамжон (раҳбари — Исмоилов Келдибой, физика фани ўқитувчиси)	III	физика (масала)	ФарДУ қошидаги академик лицей
13.	Ганиходжаева Зиёда (раҳбари — Мансурова Дилором, кимё фани ўқитувчиси)	III	кимё (илмий иш)	И.Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юрти
14.	Бобоёрова Хилола (раҳбари — Янгибоев Сафаркул, кимё фани ўқитувчиси)	III	кимё (илмий иш)	НавДПИ қошидаги академик лицей
15.	Саттарова Умида (раҳбари — Бекжонова Равшаной, кимё фани ўқитувчиси)	III	кимё (масала)	УргДУ қошидаги академик лицей
16.	Ширинов Шавкат (раҳбари — Аҳмедов Воҳид, кимё фани ўқитувчиси)	III	кимё (масала)	БухДУ қошидаги академик лицей
17.	Ҳасанова Хуршида (раҳбари — Мамажонов Муҳтор, биология фани ўқитувчиси)	III	биология (илмий иш)	НамДУ қошидаги академик лицей
18.	Холиқов Ақром (раҳбари — Чориев Шахриддин, биология фани ўқитувчиси)	III	биология (илмий иш)	ЎзМУ қошидаги С.Сирожиiddinov номидаги академик лицей

Физика фанидан халқаро олимпиадада иштирок этувчи терма жамоага номзодлар рўйхати

T/p	Ўқувчининг исми-шарифи	Таълим муассасаси
1.	Жамиев Муҳаммад	Наманган давлат университети қошидаги академик лицей
2.	Абдурахмонов Бекзод	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей
3.	Эшқувватова Элеонора	Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицей
4.	Асқаров Аъзамжон	Фаргона давлат университети қошидаги академик лицей
5.	Юсупов Отабек	Фаргона политехника институти қошидаги лицей-интернат
6.	Пардаев Акбар	Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddinov номидаги академик лицей
7.	Қорабеков Мирзабек	Тошкент давлат техника университети қошидаги Янгийўл академик лицейи
8.	Носиров Маҳмуд	Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицей
9.	Нурмухаммедов Аъзам	Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги академик лицей
10.	Атамурадов Дониёр	Урганч давлат университети қошидаги академик лицей
11.	Сайдалиев Муҳиддин	Наманган давлат университети қошидаги академик лицей
12.	Ўролов Мансур	Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей

Кимё фанидан халқаро олимпиадада иштирок этувчи терма жамоага номзодлар рўйхати

t/p	Ўқувчининг исми-шарифи	Таълим муассасаси
1.	Ёрмухаммедов Анвар	Бухоро давлат университети қошидаги лицей-интернат
2.	Асқарова Шохиста	Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей
3.	Саттарова Умида	Урганч давлат университети қошидаги академик лицей
4.	Ширинов Шавкат	Бухоро давлат университети қошидаги академик лицей
5.	Худойкулова Хуршида	Наманган давлат университети қошидаги академик лицей
6.	Қурбонов Азамат	Фаргона давлат университети қошидаги академик лицей
7.	Тожиқулов Б.	1-Тошкент тиббиёт институти қошидаги академик лицей
8.	Маматова Шаҳноза	Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей
9.	Усмонов Дурбек	Тошкент вилояти давлат педагогика институти қошидаги Ангрэн академик лицейи
10.	Зубтиев Сардор	Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей
11.	Зиёвуддин Шокиржон	Наманган давлат университети қошидаги академик лицей
12.	Маликов Абдоржон	Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги академик лицей

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси махсус стипендияси совриндорлари

t/p	Ўқувчининг исми-шарифи	Йўналиши	Таълим муассасаси
1.	Мамбетов Марлен	физика	Беқобод саноат касб-хунар коллежи
2.	Ақбаров Бекзод	физика	ТИҚХМИИ қошидаги “Интерхаус” лицейи

САНЪАТКОР БЎЛАМАН ДЕГАН БОЛАДАН ҲУҚУҚШУНОС ЧИҚАДИМИ?

ЁХУД ЎҚУВЧИНИНГ КАСБ-ҲУНАР ТАНЛАШИДА ОТА-ОНА ХОҲИШИ ЭМАС, БАЛКИ УНИНГ ҚИЗИҚИШИ, ЛАЁҚАТИ ВА ҚОБИЛИЯТИ МУҲИМЛИГИ ХУСУСИДА

1-манзара

Зоҳид 7-синфда ўқийди. У фақат чизмачилик, меҳнат таълими ва математика фанларини яхши ўзлаштиради. Катта бўлса, дурадгор бўлмоқчи. Устага шогирд тушай деганди, негадир дадаси рухсат бермади. Мактабда эса тўғарақлар ишламайди. Ўзи кўча-кўйдан ёғочлар топиб, стулча, кийим илгич, нарсалар тўғраш учун тахтача, катта гулларни экишга мўлжалланган қутилари ясайди. Чиройли мебеллар ясашни ўргангиси келади. Шу фикрларини ўртоғи Сухробга айтган эди, у Зоҳидни дурадгор тоғаси билан таништириб қўйди. Энди дарсдан чиқди дегунча у мўъжазгина устахонага югуради. Уста ҳам шогирд тайёрлашга шинаванда экан, Зоҳидга бор биланларини ўргатишга ҳаракат қилаёпти. Мана, олти ойдан бери унинг анча қўли келиб қолди.

2-манзара

Умид оилада эрка бўлиб усган. Ҳозир 8-синф ўқувчиси бўлишига қарамай, атрофидаги бошқа болаларга қараганда масъулият юкيني ҳис қилиши сустроқ. Дарсларда ҳам ўқитувчиларга: "Бу фан менга ёқмайди" деб очиқ-ойдин айтади. Лекин мусиқа дарсида ҳамма нарсани унутиб, жараёнга шўнгиб кетади. Доим кўшиқ айтиб юради. "Отмагай тонг"-ни ўқитувчиси ўргатганидан бери ўзида йўқ хурсанд. Афсуски, дадаси

Умидни ҳуқуқшунос қилмоқчи. "Уруғ-аймоғимиздан "отарчи" чиқмаган, агар яна қўшиқчиларга суқланиб қарасанг, сендан хафа бўламан, деди. Шундан бери аламзада бўлиб қолган Умид мактабдан қайтаверишдаги муволишга утириб олиб, ўзидан кичикларни ёнига чақиради-да, ашула айттиради. Айтмаганларни эса сумкасини тортиб олиб ёқалашади. Энди Умиддан шикоят қилган ота-оналар уйга ҳам, мактабга ҳам тез-тез қатнаб қолишган. Синф раҳбари охириги пайтларда хулқи ёмонлашганини такрорлагани-такрорлаган.

3-манзара

Озод зеҳли бола. Аммо бир оз дангасалиги бор эди. Ота-онаси кун бўйи ишда бўлади. Оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учун дарсдан сўнг уйга боргиси келмайди. Битта ўзи зерикади. Бир куни икки-уч синфдоши ҳар доим бориб ўйнайдиган жойига уни ҳам таклиф қилишди. Хурсанд бўлиб кетди. Чунки 7-қават "балкон"идан қараб утириш унинг жонига теккан. Ўртоқларининг ўйнайдиган жойи темир йўл экан. Улар рельсларга тош тиқишни, поезд келса ортидан югуришни ўзлари учун энг қизиқарли машғулот деб билишаркан. Бориб-бориб Озод ҳам зерикешининг «олдини» шу усул билан оладиган бўлди.

Мухтарам ўқувчи! Юқорида кел-

тирилган каби манзараларни кўпчилигимиз кузатганмиз. Ўқувчининг дарсдан кейинги бўш вақтини нимага сарфлаши катта аҳамиятга эга. Асосан ўқувчини касбга йўналтириш ҳамда бўш вақтини унумли ўтказишда айтиш керакки, тўғарақларнинг ўрни беқиёс. Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактаб ва республика Ўқувчи-ёшлар марказида қилинаётган ишлар билан танишдик. 254-мактаб тўғарақларига қатнашаётган ўқувчилар эришаётган ютуқлар анчагина. Хурсан "Сиз қонунни биласизми?" тўғарағи иштирокчилари туман мусобақасида 2-ўринни эгаллашди. Ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг кўпчилиги ҳуқуқий соҳа мутахассиси бўлиш ниятида эканлигини айтишди. Шунингдек, ашула тўғарағи ҳам кўнгилдагидек. Яқинда бўлиб ўтган санъат байрамида Шерзод Қаюмов финалга чиқди. Энди навбат шаҳар босқичига. Ўқувчилари билан байрамга тайёргарлик кўраётган тўғарақ раҳбари Абдувоҳид Абдуллаев шундай фикрларни билдирди:

— Санъатга меҳр қўйган кишидан ёмонлик чиқмайди. Тўғарағимизга асосан қўйи синфлардаги ўқувчилар қатнашади. Чунки болаликда кўпчилик санъаткор бўлишга қизиқади. Аммо бунга кўпинча ота-оналар монелик қилишади. Айнан яхши овози борлар ўзлари хоҳласа ҳам шу йўналишда бора олмайдилар.

Бугун республика Ўқувчи-ёшлар

марказида 10 дан ортиқ тўғарақлар иш олиб бормоқда. Ёшлар уртасида бўлиб ўтган мусобақада "Турон" таъқвандочилари тўғарағи қатнашчилари 2-ўринни эгаллашди.

Марказ бош директори Комилжон Йулдошев тўғарақлар билан таништири туриб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Бугуннинг боласи ута қизиқувчан ва шу билан бирга талабчан. Уларга бизнинг эътиборимиз ва рағбатимиз керак, холос. Мана, машғулотлар олиб бориладиган хоналаримизда ҳали ҳамма шароитлар муҳайё қилинмаган бўлса-да, улар келишади. Яна бир гап. Айрим мактабларимизда тўғарақлар пуллик бўлган. Яқинда бир қиз бувиси билан келибди. Мактабда замонавий спорт рақсларини (пластик-шейпинг) ойига 15 минг сўм бериб ўрганаётган экан. Бизда эса, бу нарса бепул йўлга қўйилган. Ҳозирда ушбу тўғарағимиз қатнашчилари тобора ортиб бораёпти. Ўқувчилар кундан-кунга ўзларининг мактаби, маҳалласидаги ўртоқларини бизга олиб келишяпти. Ходимларимиз ҳам мактабларга бориб марказимиз фаолиятини ёритмоқдалар. Биз яна касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик ўрнатмоқчимиз. Чунки бу узвийлик самарасиз қолмаслиги аниқ.

Ҳақиқатан ҳам тўғарақларнинг ўқувчилар ҳаётида муҳим ўрни бор. Зеро, улар ўқувчига йўналиш, имконият беради ва асосийси, масъулият юклайди.

Мактабдан tashqari ta'lim

Газетамизнинг ўтган сонларида Республика ёшларининг "Биозкосан" ўқув-услугий мажмуаси қатор тўпламлар нашр этганлиги тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Шу тўпламларнинг узвий давоми сифатида яна учта услубий тавсиянома тайёр ҳолга келтирилди.

Учинчи тўпламга жамланган "Ёзги оромгоҳларда экологик йўналишдаги тарбиявий ишларни амалга ошириш" услубий тавсияномаси ёзги оромгоҳлар услубчи ва тарбиячилари учун мўлжалланган. Табиатунослик, экология ва саломатлик ишларни қамраб олган бу тўплам экологик тарбия мазмунидан келиб чиққан ҳолда илк бор яратилди. Шунингдек, тўпламдан ранг-баранг тавсиялар, хусусан, экологик эртаклар, шеърлар, топшиқмоқлар, шифобахш ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда тарбиячилар учун вояга етмаганлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, гиёҳванд моддалари истеъмол қилинишининг олдини олиш бўйича олиб бориладиган тарбиявий педагогик чора-тадбирлар ҳам ўрин олган.

Узлуксиз экологик таълим концепцияси ва экологик фани бўйича давлат таълим стандартлари 4-тўпламда ўз аксини топган.

Саккиз бўлимдан иборат ушбу концепцияда экологик таълимдаги умумий қоидалар, мазкур ҳужжатнинг мақсад ва тамойиллари, узлуксиз экологик таълимнинг дастури, атроф-муҳитнинг ҳолатидан аҳолини хабардор қилиш, экологик билимлар тарғиботи ва амалга ошириладиган ишларнинг моддий-техник манбалари бўйича

кўплаб бандлар белгиланган.

Профессор Э.Турдиқулов муаллифлигида тайёрланган экология фанидан давлат таълим стандартлари табиий фанлар, айниқса, физика-техника йўналишини ўз ичига олиб, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган. Шу билан бирга ундан коллеж, академик лицей, олий ўқув юрт-

ЭКОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

лари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

5-тўпламдан ўрин олган "Мактабгача ёшдаги болаларнинг экологик кўникмаларига қўйилган талаблар" мактабгача ёшдаги болалар экология таълимининг меъёри хусусидаги ҳужжат саналади. Зеро, мактабгача ёшдаги болаларни табиатни севадиган, уни асраб-авайловчи, эркин фикрловчи, баркамол соғлом авлод қилиб етиштиришда экология таълими муҳим ўрин тутади.

"Экология йўналиши бўйича қатнашадиган тўғарақ аъзоларига қўйиладиган талаблар" меъёрий ҳужжати ўқувчиларнинг бўш вақтини тарбиявий жиҳатдан самарали ташиқил этишига

хизмат қилади. Чунки экологик — табиатуносликка доир ташиқил қилинган тўғарақ қатнашчиларини доимий равишда фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиб, улар онгини ижобий ва тарбиявий ишлар билан банд қилиш катта аҳамият касб этади.

"Мактабдан ташиқари таълимда болалар билимини психологик диагностика қилиш" услубий тавсияномаси эса болалар ва ўсмирларнинг бўш вақти ва дам олишларни ташиқил этиш учун мактабдан ташиқари таълим муассасаларига, болалар ижодиёти саройлари, клублари, марказлари, спорт мактаблари, кутубхоналар ва бошқа муассасалардаги психологлар, услубчилар, тўғарақ раҳбарлари учун болаларнинг кундалик олаётган билимларини психологик диагностика қилиб боришда амалий ёрдам беради. Ушбу тавсиянома болаларда касб-ҳунар ва меҳнат кўникмалари, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялашдек вазифалар натижаларини аниқлашда амалий ёрдам бериши кўзда тутилган.

Мулоҳазаларимиз сўнггида шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, таърифимиздаги тўпламлар қизиқувчилар учун нашр шаклида ёки электрон версиялар шаклида тақдим этилиши мумкин. Яратилган бундай имкониятдан назарда тутилган мақсад барчанин атроф-муҳитга бўлган муносабатини яхшилашдир.

Саҳифа материалларини Насиба ЭРХОНОВА тайёрлади



Мамлакатимизнинг мустақилликдан сўнг қўлга киритган асосий ютуларидан бири — умумхалқ, ишига айланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳисобланади. Бу дастур ислохотлар негизда қўлга киритилган бўлиб, ватанимиз ривожланишининг стратегик мақсадларини мустақамлаган ҳолда янги жамиятни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Айтиш жоизки, бу туб ўзгаришлар биргина таълим тизимини ислох қилиш эҳтиёжидан ташқари, ижтимоий муносабатларда ҳам туб ўзгаришлар ясаб, ёш авлод шахсининг жамиятдаги ролини фаоллаштирувчи манба ҳисобланади. Қолаверса, Миллий дастур ғояси ва мавқеи жамиятнинг жадал ривожланишида таълимнинг ўрнини чуқурлаштириб, ижтимоий ҳаётимизда ўқитувчи, мураббий ва ўқувчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳуқуқимизнинг мақсадли сиёсати Каттакўрғон шаҳар халқ таълими бўлими томонидан олиб борилаётган саъй—ҳаракатларда ҳам сезиларли натижаларни кўрсатмоқда. Жумладан, таълим тизимидаги ислохотларнинг биринчи босқичидаги муаммолар ечимини аниқлаб, улар асосида ислохотларнинг иккинчи босқичида ДТС бўйича истиқболли режаларга эътиборимизни қаратганмиз. Ислохотларнинг мақсад ва вазибалари туб моҳиятини чуқур англаб етган шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим-тарбия муассасалари педагог ходимлари ўзларининг бор билими ва маҳоратларини ишга со-

РИВОЖЛАШТАН ЖАМИЯТ АСОСИ

либ, 16687 нафар ўқувчиларга сабоқ беришда фидойи бўлишга интилоқда. Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида ва мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ўқувчи-болажонлар тафаккурини шакллантиришда педагог ўқитувчиларимиз ва тарбиячиларимизнинг масъулияти оширилмоқда. Ушбу талабдан келиб чиқиб, мавжуд 18 та умумий ўрта таълим мактабларида астойдил меҳнат қилаётган 993 нафар педагогларимиз ҳуқуқимиз томонидан ўқитувчи зиммасига қўйилган олий бурчини англаган ҳолда ёш авлодни камол топтиришда, уларнинг саводхонлигини оширишда ўз касбининг фидойиси бўлмоқдалар. Биз ўз тажрибамизда ДТС асосида бошланғич ва умумий ўрта таълимда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал ва максимал даражасини аниқлаш учун мактабларда доимий ҳаракатдаги ДТС мониторингини жорий этганмиз. Бу билан биз, юқорида айтганимиздек, ДТС асосидаги ўқув дастурларини ҳар бир ўқувчи не чоғлик ўзлаштириши ҳамда барча синфларда мониторинг натижаларини таҳлил қилган ҳолда таълим самардорлигига қараб фан ўқитувчиларининг касбий маҳоратига ҳолисона баҳо бермоқдамиз.

Мониторинг натижалари ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирокидаги йиғилишда атрофлича муҳокама қилинади. Унга кўра, энг юқори натижага эришган ўқувчиларнинг кўрсаткичларини акс эттирувчи турли жадваллар, диаграммалар тайёрланиб, мониторинг хоналарига қўйилади. Шаҳар ХТБ қошида “Ўқувчи ёшларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис маркази” ташкил этилиб, марказ врач, психолог ва дефектолог мутахассислари билан таъминланган.

Ташхис маркази томонидан берилган тавсияномалар орқали 2000-2001 ўқув йилида 9-синфни тугатган 529 нафар ўқувчи

вилоят ва республикамиз касб-хунара коллежларига ўқишга кирди.

Ёшларимизнинг янги педагогик технология асосида билими ва кўникмаларини ошириш ва истиқлол ғоясига содиқ қолиш тўғрисида уйғотиб меҳнат қилаётган ўқитувчи педагогларимизнинг сафи ортиб бормоқда. Масалан, 17-ўрта мактаб ўқитувчиси Муннавара Каримова, 6-мактабдан Зебо Сулаймонова, 16-мактабдан Болта Қодиров, 13-мактабдан Баҳодир Абдуллаев, 3-мактабдан Венера Эшбекова, 10-мактабдан Л.Нормуродова, 9-мактабдан М.Хушмуродовалар туманимиз фахри ҳисобланади...

“Китоб — тенгсиз хазина” деган ибора аслида илм-фан ва техника тараққиёти ҳамда жамият ривожини китобларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ифодалайди. 2001 йилда ўқув дарсликларини харид қилишда Осиё тараққиёти банкидан 1 млн. 46 минг сўмга, бюджет ҳисобидан 932655 сўмга, ота-оналар ва ҳомийлар томонидан 1 млн. 215 минг сўмга китоблар сотиб олинганлиги ёш авлодга бўлган гамхўрликнинг ифодасидир. Бундан кўзда тутилган мақсад ўқувчиларнинг бадиий, илмий-оммабоп адабиётларга бўлган талабини қондиришдир. Бундан ташқари мактаб кутубхоналарининг китоб фондиди ошириш учун лотин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбосидаги дарсликлар, бадиий адабиётлар, илмий-оммабоп адабиётлар сотиб олинди.

Демак, тафаккур курали билим экан, илм ўрганиш ва ўргатишдек масъулиятли ишга оқилона ёндашмоқ зарур. Ўқитувчи ўқувчи руҳиятига ва қалбидаги эзгулик куртақларини шакллантира оладиган билимга эга бўлса, комил инсон тарбиялай олади.

Ринат ГАЙНИСЛАМОВ,
Каттакўрғон шаҳар
халқ таълими бўлими
муdiri

Каттакўрғон шаҳридаги 18-боғча-мактаб мажмуаси вилоят миқёсида шу мақомга эга бўлган мажмуаларнинг энг кенжасидир. Ўз ҳисоб-китоб рақамига ва мустақил юридик мақомга эга бўлган мажмуада 3 ёшдан бошлаб болалар тарбияланиб, шу ернинг ўзида таълим жараёнига тортилмоқда. Боғча-мактаб мажмуасида амалга оширилаётган ишлар фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, мустақил эркин фикрлай оладиган қилиб тарбиялашга йўналтирилган. Бу ерда барча шароитлар муҳайё этилган. Физотерапия, даволаш хоналари, замонавий тиббий асбоблар

ёзувиге асосланган эски алифбони тўлиқ ўзлаштириб, бемалол ёза оладилар. Шу билан бирга уларнинг математика амалларини бажаришни ҳам тўлиқ ўрганиб олаётганликлари қувончлидир. 1-2-синфда математика дарси икки гуруҳга бўлиниб ўтилади. Бу усул ўқувчиларни математика фанини чуқур ўрганиш, арифметика амалларини бажаришида қўл келмоқда ва бу уларнинг мустақил фикрлаши учун пойдевор ҳисобланади. Чунки ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан алоҳида кўпроқ шуғулланиб, узлуксиз назорат қилиши енгиллашади.

ТАЪЛИМ УЗЛУКСИЗЛИГИ ТАЪМИНLANАЯПТИ



билан жихозланиб, дори-дармонлар билан таъминланган. Шунингдек, боғча ташкил этилгандан буён фитобарда болаларга шифокор маслаҳати билан доривор ўсимликлар дамламалари берилди.

Мажмуада болаларнинг жисмонан бақувват, чаққон, чайир бўлиб ўсишлари борасида изланишмоқда. У ердаги гимнастика, миллий кураш, теннис тўғрақлари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилаётир.

Асосан, боғча-мактабда болаларга инглиз тили машғулотлари 4-5 ёшдан бошлаб ҳафтада 3 марта 2 соатдан ўтказилаётир. Шунингдек, болаларга иқтисодиёт, фан, қишлоқ хўжалигига оид сўзлар луғати ҳам машғулот жараёнида ўргатилади. Ҳозир уларнинг сўз бойлиги 120-150 тани ташкил этмоқда. Таъкидлаш лозимки, болалар ҳам янги алифбони, ҳам кирилл

Ҳозирги кунда ўқувчиларимиз бемалол юзгача бўлган сонларни қўшиб, айириш, катта кичик белгиларни ўз ўрнига қўйиш, масалаларни жавобини топишда икки-уч амални расмга қараб мустақил бажаришни ўзлаштирганлар. Бу эса болаларни расмларга, геометрик шаклларга қараб доира, учбурчак ясаш, оғзаки ва ёзма ҳисоблаш усулларини онгли ва пухта бажарганлигидан далолат беради. Қисқаси, бизнинг асосий мақсадимиз фарзандларимиз онгини мактаб ёшигача бўлган даврда шакллантириб, урф-одатларимиз ва қадриятларимиз ҳақида уларга тушунча бериш, табиат ва борлиқ дунё мўъжизалари билан таништириб бориш ҳисобланади.

Гуландом РАҲМОНОВА,
Каттакўрғон шаҳридаги
18-боғча-мактаб
директори,
Халқ таълими аълоҳиси

Фарзандларимизнинг ёшлигидан, қалбида узлигини англаш, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш асосан мактаб остонасидан бошланади.

Бугунги кунда мактабимиз бағрида таълим олаётган 734 нафар ўқувчига 42 нафар педагог-ўқитувчиларимиз ДТС талаблари асосида таълим-тарбия бермоқдалар. Таъкидлаш лозимки, узоқ йиллар давомида қўллаб-қувватлашнинг савобли маслаҳатчисига айланган Д.Широва, Е.Махова, Н.Муминона, С.Мирзаева, М.Жумаев, М.Рогов, И.Арзуманян, С.Казакевич, Л.Малик, С.Муратдинова, М.Медведева, И.Сафарова, О.Качаева, Г.Аминова сингари ижодкор-педагоглар мактабимизда бугунги кунда ҳам мамнуният билан тилга олинади. Уларнинг таж-

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

рибасидан баҳраманд бўлган ўқитувчиларимиз дарс мазмунига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бундан ташқари, мактабимизда утказилаётган тадбирларда шу заминда яшаб ижод этган боболаримизнинг дунё ривожига қўшган ҳиссалари, амалга оширилган эзгу ишларига асосий эътибор қаратиляптики, натижада ўқувчиларда гузалликни илғай олиш фазилатлари ривож топаётир.

Мактабимиз қошида “Муסיқа”, “Ёш тарихчилар”, “Ёш сайёҳлар”, “Ёш таржимонлар”, “Ёш денгизчилар”, “Ёш улкашунослар”, “Ёш рассомлар” тўта-

рагида қатнашаётган юзлаб ёшларимиз бебаҳо миллий қариятларимиздан баҳраманд бўлмоқда. Чунончи, ўқувчиларимизнинг билим самардорлиги ошиб, уларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясига хос жиҳатлар қуртак очаётир. Иқтидорли болалар курик-танловиди Луиза Амбурлатова, Ирода Ҳожиева, Рита Дунаева сингари ўқувчиларимиз голиб бўлган бўлсалар, иқтидорли бошланғич синф ўқувчиларимиздан Виталий Ришков, Мансур Тожиев, Феруза Изтаева, Наргиза Рашидовалар Польшада утказилган расмлар кургасмаси бўйича ёш болалар уртасидаги танлов дипломини қўлга ки-

ритишди.

Шунингдек, мактабимиз қошида фаолият курсатаётган “Маънавият ва маърифат” булимида қизиқарли суҳбат, учрашувлар 2001-2002 йиллар давомида мунтазам утказилиб келинмоқда. “Ҳаёт ҳақида шахсий фикрингиз”, “Гузалик нима”, “Спорт — гузаллик тимсоли”, “Ҳавас — қизиқиш нима?”, “Кийиниш маданияти”, “Фикрлаш нима?”, “Қалб маданияти нима?” мавзуларидаги тадбирларни шулар сирасига киритиш мумкин. Қисқаси, мактабда таълим-тарбия жараёни мазмунан уйғун амалга оширилса, ўқувчи жамият ва ташқи олам билан чамбарчас боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қилади.

В.ИШБЕКОВА,
Каттакўрғон шаҳридаги 3-умумий
ўрта таълим мактаби директори



ӘХШИРОМ



МЕҲМОНЛАРИМИЗ АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:



— Шу кунларда терроризм, унинг фожиявий оқибати ҳақида бир ҳикоя ёзаяпман. Ҳикоя қахрамони гўзал аёл майиб турмуш ўртоғини меҳр ила парварийлайди. Байрам арафасида шундай сабр-бардошли, оқила муаллима аёлларимизга соғлиқ, баркамоллик тилайман. Истагим, бадиий адабиётга, китобга ўч шогирдлари сони кенгайиб, муаллим қадрлари янада ошсин.

Озод ШАРАФИДДИНОВ, адабиётшунос олим:

— Аёл қалби денгиз каби улкан ва буюқдир. Замин денгиз сувидан қанчалар бахраман бўлса, инсон ҳам аёл қалбидан, меҳридан шунчалар бахра олади. Яқинлашиб келаётган байрам арафасида барча аёлларни табриклар, уларга оилавий тинчлик, фаровонлик, ҳар бир ишларида омад ва бахт ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаб қоламан.

Пўлат МҲМИН, Ўзбекистон халқ шоири:

**Табаррук зот оламда аёл,
Ёрим - да,
қизим-да, онам-да аёл,
Сербхатли аёл, бу бахтли аёл.**

Менга алиф-бони ўргатган аёл,

**Қалбимга меҳрни ўрнатган аёл,
Таг-тахтли аёл, бу аҳли аёл.**

Фарзанд қалбин шеър

қилган аёл,



**Мўмин сўзин шеър қилган аёл,
Кўрмагай завол бу аҳли аёл.**

Иброҳим ҒАҒУРОВ, адабиётшунос олим:



— Аёл зотини таърифлашга, уларга табрик айтишда, шунчалик қудратга эга бўлган сўзлар ҳам ожиз. Лекин, шуниси аёнки, борлигимизни ушбу сиймолар беэба туради. Демак, ҳаётни уларсиз тассавур этиб бўларканми! Биз уларга ҳамма жойда ўз ўрни борлигини англатиб туришимиз даркор. Шундай экан, барча аёллар доимо соғ-омон бўлсинлар.


Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, ёзувчи:

— Ой тун учун яралганидек, қуёш кун учун яралган. Аёллар фақат бизлар учун яралгани ҳам бир илоҳий мўъжизадир. Ҳаммамиз шу мўъжизанинг қадрига етиб яшайлик. Уларсиз ҳар лаҳза зулмат эканлигини ҳис қилайлик. Сизларга дунёдаги яхши



тилақларни тилаб, юзингизни баҳорий кайфият тарк этмаслигини истайман.

Маҳмуд САЪДИЙ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист:



— Онажонлар, сизлар учун ҳар кун байрам бўлсин. Ҳаётдаги бор мунаварлик, эзгулик сизлар туфайлидир. Истагим: дунёга гўзаллик бағишлаб, кўрсатиб турган мунис нигоҳингизга губор ҳеч қачон кўнмасин!

Хуршид ДҲСТМУҲАММАД, ёзувчи:

— Сиздек нозик қалб соҳибаларининг муборак айёми беғубор баҳор кунларида нишонланиши бежиз эмас. Айнан шу сабаб кўклар бундан-да кўркли, бундан-да мусаффо бўлса, не ажаб. Ҳарна қилганда ҳам ушбу байрамда қалбингиз қулфлари бир-бир очилиб, юзингиздан нурлар сочилаверсин, деймиз.



Асқар ЗУННУНОВ, олим:

— Ҳаёт гули сўнмасин деб, аёл ўз бокиралигидан воз кечади. Айнан мана шу фидо-йилиги учун эркак доим унинг атрофида парвона. Шундай экан, улар ҳеч қачон наздимиздан четда қолмасин. Ҳамма вақт аёл-



лик меҳрини ҳаммага баравар улашишларини истаб қоламан.

Фуломжон ЁҚУБОВ, хонанда:



— Аёлга муҳаббат — ҳаётга муҳаббат. Бирок ҳаётни севганинг аёлни севганинг эмас. Чунки, аёл ҳаётдан ҳам улғуғроқ ва қимматлироқ зотки, фақат уни севиш орқалигина ҳаётни севишингни исбот этасан. Билакс, уларсиз ҳаёт зимистондир. Биз ҳеч қачон шу зулматда қолмайлик.

Беҳзод МУҲАММАДКАРИМОВ, актёр:

— Қирқ кишининг умрини кўрсанг ҳам бир аёл қалбини тўла била олмайсан. Эркақ қалбини билиш учун эса «Аёл» деган бир сўз кифоя экан. Демак, аёлларимиз эмас, ҳатто «аёл» сўзи ҳам илоҳийдир. Биз уларсиз ҳеч вақт ҳаётдаги ўрни-мизни ҳис қила олмаймиз.



Шерзод АҲМАТОВ ёзиб олди

АЁЛСИЗ КОШОНА — ҒАМҲОНА

Цивилизация тарихи аёл ўзининг нимага қодир эканлигини сезгандан кейин бошланади. Унгача одамлар ёввойи табиатнинг бежизов истакларига банди яшаганлар.

* * *

Аёллар қудратини менсимеган ёки улар эхтиросларидан бебахра қолган даврлар тарихи ғариб ва зерикарли саналар тўпламига ўхшайди.

* * *

Идеал аёл йўқ. Буни ҳар бир эркак яхши билади. Лекин, ҳар бир эркак қалбидан барча даврлар ва барча эркаклар учун идеал бўлгудек аёл образи яшайди.

* * *

Ётоқхонада берган ваъдаларини ундан чиққан захоти унутадиган эри бор хотин рўёбга чиқмаган умидлари билан якка яшашга мажбур.

* * *

Аёл бўлиб туғилиш илоҳий ҳужм, аммо, аёллик мудом шахсий қисматдир.

* * *

Тўртта аёлни бирлаштиришдан бутун Европани бирлаштириш осон. Кўп хотинликни истайдиган эркакларга аччиқ тажрибадан туғилган ушбу сўзларни яна бир бор ўқишни маслаҳат бераман...

* * *

Ўзга аёллар муҳаббатини улуғлаган эрини ўз қўллари билан бўғиб ўлдиришни хоҳламаган ёзувчининг хотини йўқ. Агар аёлдаги ушбу истак амалга ошганида эди. «Уруш ва тинчлик», каби бадиий ижод дурдоналарини ўқиш ҳеч кимга насиб қилмаган бўларди.

* * *

Андўхларга дилингизни чароңигоҳ остонада яккаликда топгиз, унвонингиз, қариганда янада га салади. Шуниб айтади: Аёл-ғамхона...

* * *

Юбилей арамарта Нобель вриндори Мария шибди:

— Нима совға қилишларини истайсиз?

— Изланишларимни давом эттириш учун бир грамм радий. Ўзимда уни сотиб олишга пул йўқ.

Шундай буюк олимнинг ҳатто никоҳ кўйлаги ҳам бўлмаганини ҳозирги ёшлар билармикан...

Аёл истаги — ҳаёт истаги. Ушбу қонунга зид барча тартиблардан бир кунмас бир кун келажак воз кечади.

* * *

«Инжил» аёлларга кулишни таъқиқлайди. Наҳотки, муқаддас битиклар муаллифи эркаклардаги нуқсонларни аёлларнинг мазох қилишига қарши чиққан?..

* * *

Сукротдан сўрашибди:

— Уйланган яхшими ёки уйланмаган?

— Уйлансангиз ҳам афсус қиласиз, уйланмасангиз

ботганингизда гон этувчи бир кутиб олмасан, ган давлатинишаънингиз, оғирроқ ғамларнинг учун эл тосиз кошона—



фасида икки мукофоти со-Кюридан сўра-

ҳам, — деб жавоб берибди донишманд. Чўнтагида бир мири бўлмай Ксентиппадан ташқари яна учта гетера тутган эркакнинг жавоби бошқача бўлиши мумкинмиди?

* * *

«Аёллар ҳеч қандай жасоратга қодир эмас» (Шопенгауэр). Эркакларчи? Аёллардан қолган ишларда жасорат кўрсатишига қодир.

* * *

Ҳа, аёллар ёлғонни ёмон кўрадилар, лекин уларнинг ўзи ҳақиқатни мудом бўрттириб тасвирлашга мойил.

* * *

Аёлнинг аёл билан дўстлиги азалдан савол уйғотиб келади. Гап бир хонадагиларнинг ҳайратомуз иноқлиги устида эмас, балки уларнинг келгусида бир-бирига қандай тарзда муқаррар ёв бўлишларидадир.

* * *

Кавкайн ичида аёлларгина шаклан бой, мазмунан ранг-барангдир. Эркакка эса ана шу шаклдан лаззат, ранг-барангликдан илҳом олиб яшаш имкони берилган.

* * *

Ҳаммининг ўзига банди эканлигини аёл кўз ёшлари билан гоҳо-гоҳо эслатиб туради.

* * *

Аёлнинг фақат ўз фарзандларига талпинишигина чин ҳақиқатдир.

* * *

Маҳбубанинг исмини тилга олмаган кунинг ё Худони тилга олишга мажбурсан, ё Азроилини.

Виктор АЛИМАСОВ, фалсафа фанлари доктори



АРЗИЙДИ

Аёл, сенга шеър не экан, достон ёзсам арзийди, Кизматларинг битта-битта ҳайрон ёзсам арзийди. Сен бордурсан — ҳаёт гўзал, умр ўтар сафоли, Юзларинг — гул, кўзинг — оху, жайрон ёзсам арзийди.

Сен — онасан, сен сингилсан, гўзала ёрсан, мунис қиз, Сен уммонсан, сен дарёсан, маржон тўла бир денгиз. Қалби — қуёш, юзлари — нур, сўзлари дурдир тегсиз, Узинг бир ён, бир ён эса — жаҳон ёзсам арзийди.

Сенга ҳайкала қўйсалар гар олтин, ёқут, зумраддан, Улар ҳайрон бўлардилар бундайин дунг, изатдан, Ёзам сенга ортиқ бериш зехи ҳам фаросатдан, Жасоратда тегсиз марду майдон ёзсам арзийди.

Қўлингидир дунё бахти, ўтмиши, келажаси, Тавлим қилай ҳар онаса мўлтабар бу юртдаги. Мехрингдан тафти олар мудом ҳаётингиз ҳар куртаги, Муҳаббатни туганмас бир уммон, ёзсам арзийди.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА, Бериун туманидаги 61-мактаб ўқитувчиси

ЎЗБЕКЧИМОҲ ҚИЗЛАРИ

Гулдек нозик ибодил, Сабоқатли, ҳаёли, Мумтоз куйдек наволи, Ўзбекистон қизлари.

Кўриниши фаршита, Уй тутадил саришта, Моҳирдир ҳар бир ишда, Ўзбекистон қизлари.

Ўнг қўлидир кўксиди, Салом алик сўзиди, Порлар меҳр қўзиди, Ўзбекистон қизлари.

Туролмайди сира бўш, Олар доимо олқини, Бошидадур ҳумо қуш, Ўзбекистон қизлари.

Соҳиба СОБИРОВА, Тўрақўрғон туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси



Она улуг, сўзи қутлуг, Қалби меҳрга тўлуг. Ҳар он ўйлар, қулиб сўйлар, Фарзанд-чун ёниб-қуяр. Алла айтар, ялла айтар — Дилдан сизар байтлар, Алласида, ялласида. Тилаги шу доимо — Бахтин берсин, тахтин берсин, Қўлларин қодир Оллоҳ.

Умида ФОЗИЛОВА, Чиланзор туманидаги 266-болалар боччаси тарбиячиси

ОНА УЛУГ, СЎЗИ ҚУТЛУГ, ҚАЛБИ МЕҲРГА ЖЎЛУГ

ЕОҒ БЎЛАДИБ

Аёл бор оламда дунё яралар, Аёлдан бошланар ҳаётнинг боши. Шу аёл тўфайли қуйлар таралар, Аёлдир рўзгорнинг ўчмас қуёши.

Шу аёл тўфайли тирикдир инсон, Биздаги ғурур ҳам аёл бор учун. Эркаклар қалбига беролган йимон, Шу аёл бор учун ризкингиз бутун.

Сабрни ўрганинг аёл зотидан... Инсогда келсангиз улар-чун байрам. Хатто Соҳибқирон тушиб отидан, Аёли пойига тўшаган гилам.

Бугун фурсат келди қуйлашга бир зум, Аёлга атадим сўзим қаломин. Шу аёл тўфайли тирикман ўзим, Аёллар соғ бўлинг, соғ бўлинг, омин!

Санобар ҚАЮМОВА, Дўстлик туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси

КЕТГИМ КЕЛАР

Кўнгли йиғлаётир, ёмғирдек эзиб, Юракдан тўкилар дардларим сизиб. Ҳаловатнинг сокин ўйларим бузиб, Кетгим келар... Лекин, Билмам қайққа?

Ҳаёллар чарх урар топмай жавобин, Гуноҳим сўрайми ёки савобим? Дилга таскин берар қай бир сўровим, Билгим келар... Лекин, Тушдим қийноққа.

Дунёлар бош эгсин, маним қошимда, Ёмғирлар танисин ўзин ёшимда. Нигоҳин яширсин ой қарошимдан, Етгим келар, лекин, Колди узоқда.

Шунчалар мағрурсан бенаво кўнгли, Инчиг дардаг тўлса-да, бедаво кўнгли. Ўткинчи баҳордек бевафо кўнгли, Кечгим келар... Лекин, Жоним қийноқда.

Дилдора ИБРОХИМ қизи

ТАЪВИМ

Сени маҳз этмокни истадим, аёл, Пойингга тиз чўқар баҳорлар аёри. Рўзгор тинчлигини қилсан ҳаёл, Қўлни лол қолдирар аёлнинг сабри.

Олис мозилларнинг дағштида ҳоким, Момо Ҳавомиздан қолган йимонсан. Фарздингга меҳринг чексиз, бекёёқ, Онасан — дунёсан, мавжли уммонсан.

Эй аёл, қалбингга тингласам дилдан, Қўшлари хур овоз, чексиз омонсан. Келажак нурини сочгувчи қуёш — Она юрт бахтига буюк посбонсан.

Шоҳиста ЖЎРАЕВА, Когон туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси

ЎЗБЕК АЁЛИ

Шабнамда тобланган гунча мисоли Майин табассумли, меҳру вафоли, Нақадар баркамол бахтли, фаровон, Серташвиш, захматкаш шарму ҳаёли. Озод Шарқ гўзали — ўзбек аёли.

Куркин мақташ учун ожиздир қалам, Гул каби очилу яшнавер бардам. Аёлсиз бўшлиққа айланур олам, Шерим манзур бўлса бахтиёр мен ҳам, Озод Шарқ гўзали — ўзбек аёли.

ҲАВАС

Осмонлар ишонса Аёл зотиға, Уни севиб қолса нуқрада Қуёш. Оллоҳ оналикни раво этганда, Ҳатто фаришталар қиларкан ҳавас.

Аёл фариштадай бўлиши мумкин, Вафосиз ёр учун ўлиши мумкин. Жонидан жон ясаб тўғиши мумкин, Нега фаришталар қилмасин ҳавас!

Мубораккан МАҲМУДОВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси

СЕНИ АСРАР

Юракдан дардларни қувиб солдим-да, Юзимдан қайғуни сидириб ташлаб, Уйланиб ўзимни қўлга олдим-да, Дедим: не қилман қўнғилин гашлаб.

Гоҳ суюн, гоҳ қуюн, ахир бу ҳаёт, Давом тавебар фарёд урсанг ҳам. Ҳақиқат азорларга дуч қилиб наҳот, Қайғуларга бир кун бермасанг барҳам.

Унда қайда қолди ирода, бардош, Сабр қосанг тўлди наҳот шунчалик. Тақдир синовига беролсанг чидаш, Оллоҳ сени асрар, асрар қанчалик.

Тулалас САЙДОВА, Шовот туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

ОНАМГА

Қувончнинг бониси, қўзининг нури Сиз, Тодрай сувчибим, қўнғилининг сурури Сиз, Сиздан меҳрибонроқ кимим бор бу дунёда Ёруғ жаҳоним, айтар сўзининг дури Сиз.

Тақдир сиздан аямди муруватини, Меҳнату ранг-олам, қайғу-ғурбатини, Барбир худого шукр дейсиз беадад, Яшайсиз умид-ла қўлиб марҳаматини.

Ойшахон НУРАЛИЕВА, Риштан туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси

КЕЪАДИ

Яна баҳор юртим гулга ўраб келди, Қуёш қайноқ сочларини тараб келди. Қузда кетган қўшчаларим чуғурлашиб, Қайтмас бўлган баҳодирим сўраб келди.

Қукдан туриб қовоқ ўйиб келган булуғт Деди: "Сени унутганини сен ҳам унут". Ёмғир отлиқ қамчиси-ла савалаша Тўнин қоқиб гулдирак гулдираб келди.

Бошим узра уч-тўрт томчи сочиб кетди. Шу лаҳзада бахри-диллим очиб кетди. Қувноқ сабо юрагимда янги олам Каиф этганча гул бўлиб гулдираб келди.

Омонои РАБИМОВА, Иштихон туманидаги 89-мактаб ўқитувчиси

ОЙ ҚИЗЛАР

Ой қизлар, ойдин қизлар, Айтингиз бизга Сизлар. Қайюй латофатни Қайдакн олгансизлар?

Ўт ёқиб дилмизига, Бол солиб тилмизига, Бийрон қилган ўзингиз, Ишонинг сўзимизга.

Ойдин қизлар, ой қизлар, Латофатга бой қизлар, Тарх этмасин бир умр, Сизларни чирой, қизлар.

Гаффор МАННОПОВ

ҚЎШНИ ҚИШЛОҚ

Қўшни қишлоқ, йўлинг тупроқ, Сенда бордир алашим.

Бугун мендан шодлик йироқ, Кетар қоши қаламим.

Ул санамнинг йўлларига Ишқ гуллари сочилсин.

Нозиккина қўлларига Тилло узук тақилсин.

Майли сенга насиб этсин Ул ой юзли санамим.

Шу қишлоқда тошдек қотсин Менинг қоши қаламим.

Палахмон тош бориб тушиди, Қўшни қишлоқ боғига, Ул санамнинг ишқи тушиди Йигитнинг алип тоғига.

Олтиной ЖУМАЕВА, Қарши туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

Копток тепаётган болаларнинг тап-туши, шодон бақтир-чақирлари кулоққа чалиниб туради. Бахтиёр болалик бутун дунёга жар солади. Дилора: "Дадам келса эди, мен ҳам тортинмай уларга қўшилиб ўйнаган бўлардим", — деб ўқинади. Чола дадасига атаб олганга той. Энди бу йил олтиши учга туларди, бечора... элга ош берардим", — деб хурсандлик. Иккинчи-да муълам, иккинчи-да уйчан—пароши. Шу пайт қаердадир дала қоровули келиб уларга дағдага қилади: — Кўра-била туриб қўзларингнинг экинга солиб утирсизларми, инфофизлар! — деб суккиншига туншади.

— Бу қизни сўма, — дейди Қувват бобо ер чизиб қолган қизчага

ҳам дадамни соғинайти", — деб айтолмайди. Барбир аяси ҳам уни тўшунади. Ундан қўзларини олиб қочади. От бўлса тоқатсизланиб ер дельсинади ва бошини сарак-сарак қилади. Кишайди. — Ая, пешонасини силаб қўйинг! — дейди Дилора йиғлагудек бўлиб. Йўқ, аяси унинг айтганини қўймайди. Аксинча, Дилорнинг қўлларидан тутиб, уйга етказмайди. Негадир бир қўли билан оғзини бекитиб олади. Осмондаги юлдузлар ажабланиб уларга термулиб қолади. — Дарвоқе, Дилорнинг буви ва бобоси бўлиб, улар шаҳарда яшашди. Ахён-ахёнда она-бола уларнингча — шаҳарга бориб туришди. Шаҳар ҳарҳолда шаҳар-да. Бирин-

гани-ҳайдаган. Тагин... Дилорни ҳам миңдириб олишди. Шаҳардаги бувисининг ҳам ситири бор. Галати ситири! Шу марта борганларида Дилора бувисини ёмон кўриб қолди. Э, йўқ, ёмон эмас-у, ҳар қалай кўп ёқтирмай қолди-да! Нима дейди, денг? "Энди қишлоққа қайтиб бормайсизлар, ақда қиланган ишларинг қўрмади. Меҳр-оқибат дегани ҳам шунча бўлар-да. Унинг кетганига етти йилча бўлди. (Бу Дилорнинг дадаси ҳақида бўлса керак!). Сен бўласанг... ҳамон уни қутасан. Шу пайтгача келса қолар-да. Дараги бола чикмади-ку, ахир. Эсингни йиғ, болам. Бу дунё ёлгончи, умр оқар суви! Ҳади ёшсан - билмайман. Бир кун қизинг турмуш қилиб кетса,

ДИЛДОРА

(ҲИКОЯ)

шайма қилиб. — Гудак жуда ҳушёр, аммо хаёла обқочибди-да. Ахир та-нимайсанми, Матула! Дўхтирнинг қизи-ку!

— Қоровул бўшашиб тушади. "Э, Матулабининг қизими? — дейди тал-мовсираб.

Бир насадан сунг улкан барқаш-дай қуёш қизариб уфққа ёнбошлай-ди. Чола эгиндаги ятаганини ечиб кўм-кўқ майсалар устига тўшади-да, сажада бош қўяди. "Е парвар-дигорим, яратган бандганин узинг кечиргин, гунчо ишлардан асра-тин! Тўғри йўлга ўзинг ҳидоят ай-лагин! Оллоҳу акбар!"

Бобо намозини тугатиб ўриндан турмоқчи бўлади. Қўзғолиб қўяди. Бирок ўрнашиб тагин дуога қўла очади. Нималариндир пичираб қўшни пешонасига тортади. Қизга қараб қўяди.

Улар жимгина ажралшиб, ик-каласи икки томонга қараб кетиша-дади.

Дилорнинг яна бир севган маш-ғулоғи бор. Бу — оқшомлари овоз чиқариб катталарга китоб ўқиб бе-риндир. Айниқса, у мароқ билан шеър ўқийши ёқтиради. Китобидан шеър-шайхларнинг қўнғилини ёд бўлиб кетган бўлса-да, у тақдор-тақ-дор кўнида. Бобоси ҳар за-мон— ҳар замонда соқоллини силаб:

чи марта борганларида ранг-баранг машиналарни кўриб Дилорнинг оғзи очилиб қолган. Ҳатто бобоси-нинг ҳам машинаси бор. Тоғалари гизиллатиб у ёқдан-бу ёқда ҳайда-

ганини ҳам сезмайди.

— Дилора, Дилора, — дейди аяси секингина.

— От... отимиз кишнаятиги, ая... қизча аясига қайрилиб боқади. "У

зинг қоласан... сўпайиб. Ана, Ўктам — маҳалламингдаги фарзан-ди кўрмай турмушн бузилган йигит бор эди-ку? Узингга ҳам айтганди! Уша сендан умидвор эди. Роса бир йил кутди, бечора. "Қизини бошим-да кутариб юрамани!", деган экан акантга. Сендан жавоб бўлмагач, уялиниб кетди. Яқинда фарзанд курариши!..". Бувииси ая аллани-да кўриб қўяди. Аяси бўлса юзини бериб, бошқа томонга қараб олади, лекин чурқ этмайди. Уларни шаҳар-да олиб қолшини истади. Аяси бўлса сираям шаҳарда қолишга қўнмайди. Ахирини машинада қиш-лоққа келтириб қўйишади.

Барбир аяси қишлоққа пари-шон бўлиб қайтади. У-нимадан-дир қийнаётгани, изтироб чекётгани шундоқгина қўзларидан кўриниб туради. Қўндан-қўнга юзларини сўгани тортиб боради. "На қишлоқ-да, на шаҳарда қўнган ёзимди", деб бувииси сени раостинан экан.

Яқинда Дилорнинг ҳаётида уну-тимас воқеа юз берди. У буни сез-ди-масликка ҳарчанд уринмасин, барбир, бианиниб қолди: дадаси-ни турганини катталаштириб, уй-нинг сўрага илб қўйишди. Сўра-тин балаид қилиб илланган экан. Дилор учун уша тикилаб қараш-анча нуқулай бўлиб қолди. Барбир

Буюк Гафур Фуломнинг "Шум бола" қиссаси ва "Сен етим эмассан" шеърини ким билмайди дейсиз? Айниқса шоирнинг "Мен етим утманман, ох, у етимлик, Вой бечора жоним десам арзийди" қабилдаги ох-нозалари... тошдан қаттиқ қўнғилиларин ҳам юмшата олади.

Ҳа, етимликнинг, айниқса, отадан етимликнинг юки оғир! Узининг аччиқ ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб ўйлашгани, ота меҳридан бебахра болаликнинг қўнғили ярим, дили шикаста, кўзлари мунгли...

Дехқонбод туманининг Шўрўзлар қишлоғидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси Абдумўмин Саъдуллаевнинг "Дилора" ҳикоясида отадан етим қолган қизалоқнинг нозик қўнғили таъсирчан ёртлилади, зўг шикаста дил орабди, бу дилга оро қирилади.

Мазкур илҳам ҳикоя — тинч нуқрада меҳрибон мураббий ва санчюк шжодкор низоҳи, боринекки, истеъдодли ёзувчининг руҳий таҳлил қобилияти, назаринда, аён қўнғили турарибди.

Талаҳим шукки, шжодкор ўқитувчи ақолининг нарсиди айди оқ бўлсин. Ширин-шакор болаларимиз эса етимлик нимадигини билмай, қўнғили бутун ҳолда усаб-унсинлар.

ОТАУЛИ, ЁЗУВЧИ

ҲАММА БИРДЕК ҲАРАКАТ ҚИЛАДИГАН КЛУБ

Экологияни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Она табиатни севиш керак. Биз ҳайвонот ва наботот оламини авайлашимиз, келгуси авлодга мусаффо ҳаво, шарқираган сувларга тўла дарё ва денгизлар қолдиришимиз шарт, дея кўп ва хўп гапиримиз.

Тан олиб айтиш керак, баъзида ўзимиз шу нарсаларга амал қилмаймиз. Лекин, айюҳаннос солмасдан ҳам табиатни асраётган, ёш авлодга экологик билимларни амалда кўрсатиб бераётган, тупроғимиз софлиги, осмонимиз мусаффолигини асраётган кишилар, тўғрироғи, мураббийлар борлигини кўпинча билмаймиз ҳам.

Тахририятимизга кириб келган киши ўзини Баҳодир Худойбердиев деб таништирди ва Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 22-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашини, шу даргоҳда фаолият олиб бораётган “Яшил тўлқин” экологик клубининг ташкилотчиси ва раҳбари эканлигини айтди.

Экологик муаммоларга ҳамма бирдек ечим излаётган шундай паллада бу киши ўз ўқувчилари билан катта ишларни амалга ошираётганликларини пайқадик ва Б.Худойбердиев билан суҳбатда бўлдик.

— “Яшил тўлқин” клуби қачон ташкил топган ва у ўз олдига қандай мақсадни қўйган?

— 1974 йил ушбу клуб мактабда “Ёш биолог” тўғраги тарзида тuzилганди. Улайтда бизнинг асосий вазиғамиз табиатни муҳофаза қилиш эди. Дастлаб болалар қизиқиши, дунёқарашлари ва фикрларини ўрганиб, иш кўриш лозим бўлди. Дарахт экиш, қушларга ин ясаб, уни дарахтларга ўрнатиш, мактабни, уйни тоза сақлашга ўргатиш билан ишимизни бошладик. Ва бу ишларни омалаштириш ва янада яхшилаш мақсадида ўша даврда музей ташкил қилишга киришдик. Бизга овчилар, отоналар ёрдам беришди ва мактабда ўз худудимизда яшаётган тулки, чиябўри, ёввойи чўчка, бўрсикларнинг чучелоладан иборат бўлган зоология музейи ташкил топди.

Бу музей 1975 йилда очилган бўлса, 1982 йилга келиб ботаника музейи учун ҳам экспонатлар тўпладик. Қизил

китобга киритилган, шифобахш хусусиятларга эга чўл, ўрмон, тоғ, ҳаттоки сув ўсимликларини ҳам йиғдик.

— Бугунги кунда ушбу клуб нафақат экологик тўғрақ, балки болаларни мустақил фикрлашга, эркинликка, тўғри қарор қабул қилишга ўргатадиган ташкилот мақомини олибди-да.

— 1982 йилдан бошлаб “Яшил кўрғазма” деб атай бошлаган клубимизни 1987 йилга келиб “Яшил тўлқин” дея номладик. Унинг бугунги кунда 350 нафардан ортиқ аъзоси бор. Ҳозир Пахтачи туманидаги ҳар бир мактабда унинг бўлимини ташкил қилляпмиз. “Яшил тўлқин” клубига аъзо бўлувчидан бир нарсаси — табиатни севиш ва сўзда эмас, амалда бирорта фойдали иш қилиш талаб қилинади. Клуб фаолияти шундайки, унда ҳар бир ишни гуруҳ аъзосининг ўзи бажаради. Янги-янги ташаббуслар билан чиқади, экологияни асрашни бошқаларга ҳам ўргатади. Энг муҳими бу ишларни у кимнингдир кўрсатма беришини кутмасдан,



бировайтмасам ҳам бажариши керак.

Бир донда дарахт экадим, водопровод жўмрагини бураб қўядими, савобли амал бажарсин. Биласизми, ушбу гуруҳга фақат аълочи, ҳар бир ишда намуна бўладиганлар эмас, ўйинқароқ, шўх, мактабда яхши ўқимайдиган болалар ҳам қамраб олинган.

Болага уни қилма, буни қил, деб қатъий талаб қўйиш ярамайди. Унга “мана шу нарсани бундай қилсанг қандай бўларкин, фалон ишни қилсанг яхши бўлармикин?” деб мувожаат қилиш керак. У ўшанда яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиб олишни ўрганади. Ахир биз комил инсон, камолотга етган шахс тарбиялаш учун ҳаракат қилляпмиз-ку.

— Сиз берган маълумотларни

кўриб чиқиб бир нарсага ҳайрон қолдим. Сизларни ҳали Ўзбекистонда яхши билишмайдию қандай қилиб Туркия, Голландия каби бир қатор мамлакатлар билан алоқа ўрнатгансизлар?

— 1989 йили Москвада “Яшил ҳаракат” деб номланган экологияни муҳофаза қилиш мақсадида конференция ўтказилган эди. Ўзбекистоннинг Фарғона, Тошкент, Қарши шаҳарларидан ҳам ушбу анжуманда бир қатор ўқитувчилар иштирок этишган. Ўша конференцияда мен ҳам сўзга чиқиб, клубимиз олиб бораётган ишлар ҳақида гапириб берганман. Катта-катта академиклар, олимлар, биз бу ерда қандай қилиб она-еримизни сақлаб қолиш ҳақида баҳслашяпмиз, лекин қишлоқ ўқитувчиси анча ибратли ишларни қилиб қўйибди, деб айтишган. 1989 йил собиқ иттифоқ миқёсида эътироф этилганимиздан кейин, ўша даврда фаолият юритган “Яшил ҳаракат”нинг аъзоси бўлдик. Кейин Истамбул, Голландия, Санкт-Петербург, Алмати, Польшада бўлиб ўтган семинарлар ва конференцияларда иштирок этдик. Ҳозирги кунгача дунёнинг турли чеккаларидан бизга хат-хабарлар, турли таклифномалар келиб туради. Ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйганмиз. Биз улардан, улар биздан ўрганишмоқда.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Ўйлаймизки, шу каби клубларни омалаштириш учун мактабларда ишлар жонланиб кетади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА
суҳбатлашди.

Иқтисод ҳамиша турмушнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлиб келган ва шундай бўлади ҳам. Иқтисодий тафаккурни шакллантириш, унинг ислохотларни жадаллаштиришга хизмат қилиши сир эмас. Иқтисодий таълим ёшларга мавжуд бойликларни эҳтиёт қилишни, асрашни, ҳаётда тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби фазилатларни мужассамлантиради. Ёшлар онгида бозор, пул, кредит, бизнес, рентабеллик, таннарх, меҳнат харажати ва бошқа кўплаб тушунчалар мактаб остонасидан сингиб борса, боланинг иқтисодий саводхонлиги ошади. Ўзининг мустақил фаолиятида ҳар куни намоён бўлиб турадиган билимларни ва малакаларни татбиқ эта бошлайди, натижада боланинг иқтисодий тарбиялангани кўрина бошлайди. Ўқувчиларга иқтисодиёт муаммоларини ўргатиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш мустақил Республикаимизнинг социал иқтисодий ривожланиши, давлатимизнинг ҳозирги сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро маълум маънода иқтисод илмини егаллаши лозим.

Зеро, иқтисоддаги муҳим масалаларни ўрганиш, ундаги муаммоларни таҳлил этиш, давлатимизнинг иқтисодий ривожланишини белгилайди. Агар ўсиб келаётган ёш авлод иқтисодий билимларни егалласа, улар тартиб-интизомли, ҳар ишни ўз вақтида бажарадиган, ишбилармон, жавобгарликни ҳис қила биладиган, ҳисоб-китобли, меҳнатқаш, ўз маблағини эҳтиёжга қараб

сарфлайдиган ва шунга ўхшаш кўплаб ижобий хислатларга эга бўлади. Айни вақтда эса дангасалик, ишқўмаслик, совуққонлик, эҳтиётсизлик каби иллатларга нафрат билан қарайди. Фаровон яшашимиз учун турар-жойдан, етиштирилган маҳсулотлардан, жиҳоз ва воситалардан қаерда бўлмасин, тўғри ва оқилона фойдаланишимиз лозим.

Ўзбекистон бой мамлакатдир, лекин бу бойликлардан тежаб-тергаб, расамади билан фойдаланиш лозим. Мамлакатимизда олтин, рангли металл

ши лозим. Битта мактаб учун қилинган харажат мактаб директоридан тортиб то қоровулгача ажратилган ойлик маошлар миқдори, мавжуд ўқув қўлланмалари, лаборатория жиҳозлари, парта, стол-стулар, спорт заллари ва ундаги анжомлар, ошхонадаги харажатларнинг умумий миқдори, ҳар бир ўқувчининг ўтирган ўрни ва бошқа кўплаб ички харажатлар борки, уларга миллиардлаб маблағлар сарфланишини кўпчилигимиз билмаймиз. Бу харажатлар ҳақидаги тушунча ва билимлар ёш авлод

партишликка йўл қўймасликни, оила харажатларини тўғри тақсимлай олишни, даромаднинг қадрига етишни, унинг шахсга, уйдаги буюмларга алоқаси борлигини энг аввало фарзандига тушунтириши керак. Бунинг учун эса оила бошлиқларининг ўзлари унга мос ва тайёр бўлишлари лозим. Демак, ҳар бир фуқаро иқтисодиётдан хабардор бўлиши, унга ўзининг маълум улушини қўша олиши

ланиб ечиш орқали ўқувчи қўйилган топшириқнинг туб моҳиятига етади, унинг мақсади ва ечими қуруқ гап эмаслигини ҳисоблаб кўради ва кейингина унга ишонади. У шу соҳанинг мутахассиси бўлишга ошиқади, тадбиркорликни, ишбилармонликни, бизнес, товар, уни ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа кўплаб муаммолар билан танишади, уларни ечиш йўллари кидира бошлайди. У ҳаётда ҳар қадамда иқтисодий масалаларга дуч келади.

Муҳтарам Президентимизнинг “Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил этиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш гоёсини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади”, — деган гаплари бор. Бинобарин, олийжаноб мақсадларнинг рўёбга чиқиши таълим тизими ходимлари олдига ҳам долзарб, кечиктириб бўлмас вазифаларни қўяди. Буни ҳар бир зиёли ўзига бурч сифатида қабул қилиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК

ва бошқа қазилма бойликлар қазиб олинмоқда, лекин уни талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Биз улардан фойдаланган ҳолда келаси авлод учун сақлаш ва кўпайтириш лозимлиги ҳақида қайғуришимиз керак. Республикаимизда ҳар йили янги мактаблар, лицейлар, гимназиялар ва коллежлар очилишини, уларнинг энг қимматбаҳо жиҳозлар, компьютерлар, ўқув қуроллари билан таъминланишини, бу учун эса кўплаб маблағлар сарфланаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларни тежаб, қадрига етиш, авайлаб ишлатиш ёш авлоднинг вазифаси, бурчи эканлигини ўқувчиларга тушунтириб бориш иқтисод фанининг таркибидан тури-

га етказилса, уларнинг мактабга, педагогик жамоага бўлган ҳурмати ошади, иқтисод фанининг негизидан нима ётганини англашади. Республика миқёсида фикр юритадиган бўлсак, ўсиб келаётган ёш авлод иқтисодий фикрлашлар асосида нафақат Ўзбекистондаги ички иқтисодий ва социал ўзгаришларни, балки, тараққий этган ва ривожланаётган давлатлар ҳақидаги иқтисодий муаммоларни тушуниб таҳлил қилишга ҳам ўрганади. Албатта ёшларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш учун фақат мактабдаги таълимий шароит етарли эмас. Ҳар бир ота-она оиладаги бюджетнинг тежаб сарфланиши, уйдаги мавжуд буюмларни авайлаб ишлатишни, пала-

талаб қилинади.

Мактаб ўқувчилари зиммасида иқтисодий билимларни ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ эта олиш каби вазифа ётар экан, ўқув предметларига иқтисодий масалаларни киритмасдан туриб, ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, уларни чинакам ишбилармонликка ва тадбиркорликка қизиқтириши мумкин эмас. Ҳар бир ўқув предметини, ҳар бир машғулотини имкон қадар иқтисодга боғлаш катта аҳамиятга эгадир. Бундай масъулият мактабдаги барча ўқитувчиларга, энг аввало математика ўқитувчиси зиммасига кўпроқ тушади деб ўйлаймиз. Иқтисодий масалаларни ўзига хос математик усуллардан фойда-

Толиб МАКСУДОВ,
физика-математика
фанлари номзоди

Келтиришларича, бир киши қоронгу тушган, бир унинг ёнидан ўтиб кетаётиб, кимнингдир ўзича хиргойи қилаётганини эшитиб қолди ва очиқ турган эшикдан ҳовлига кириб, ўзини панага олди. Очиқ турган деразадан уй эгаси кўришиб турарди. Уй эгаси тўқувчи бўлиб, чиройли матога рангин безаклар тўқир, ажойиб ва гаройиб гуллар расмини солар эди. Буни кўрган ҳалиги киши ҳайрон бўлганича туриб қолди ва вақт ўтганини ҳам сезмади. Ўзича ўйлаб деди: «Кел, сабр қилай, ҳозир бу тўқувчи ўз ишини тугатади ва уйкуга кетади. Мен секин кираманда, у тўқиган матони ўғирлайман ва бозорга олиб чиқиб сотаман. Баҳузур кун кечираман!». У шундай хаёл билан томошани давом эттирди. Айниқса, уни тўқувчининг хиргойиси ҳайрон қолдирди. Тўқувчи зум ўтмай, ҳадеб: «Тил бошининг посбонидир», деб такрорлар эди.

Тўқувчи тонгга яқин ўз ишини тамомлади. Кишини ҳайратга соладиган рангин безакли матони тўқиб тугатди. Сўнг ўзича

файли тўқувчини кечирди ва озод қилди. Ҳалиги кишига ҳам инъомлар бериб, уйига жўнатди.

Эй ўғил, бу ҳикоятни шунинг учун келтирдимки, сен ўз тилингда эҳтиёт бўл. Ҳар нарсани ўйламай гапирверма, бу ҳикоятнинг мағзини чақиб, ибрат кўзи билан боқ ва ҳамиша ўзингга хушёр бўл!

Келтиришларича, Бағдод шаҳрида бир араб яшарди. У доимо далаларда овчилик билан машғул бўлиб, ҳар томонни кезиб юрарди. Бир куни ўша шаҳар амалдорларидан бири ҳам овга чиқди. Ов асносида чарчаб, йўл четиға ўтирди ва овқатланишга киришди. Ногаҳон овчи араб ҳам бу ерга келиб қолди ва дастурхонга таклиф этилди. Араб дастурхон четиға ўтириб овқат ейишга киришди. Зум ўтмай у дастурхонда каюб қилиб қўйилган икки какликни кўриб, ўз-ўзидан кула бошлади. Атрофда ўтирганлар ундан:

—Эй беадаб, улуг кишилар дастурхонда ўтириб овқат ейишга келган бир пайтда бу

Tarbiyaviy soatlarda

савдогарнинг сўзлари келиб, кулгим қис-таб кетди. Кулгимнинг сабаби шу ваздан эди, деб жавоб берди.

Ўзининг ёмон хислатини фазилати деб ўйлаб юрувчи киши дастурхон соҳиби бўлмиш амалдорни ҳам ўзидек тасаввур қилар эди.

Шунда амир:

— Эй бадбахт, бу какликлар ҳақиқатан ҳам сенинг қотил эканлигингга гувоҳлик беришди. Чунки, уларни кўрмаганимда бу сир ёпиқ қолиб кетар эди. Ўз тилин билан қотиллигингга иқрор бўлдинг! Сен бегуноҳ савдогарни ноҳақ ўлдиргансан! Сенинг дилингда заррача раҳм-шафқат ва одамгарчилик йўқ! Буни тилин ҳам айтиб турибди! Ноҳақ тўқилган қон сени ўз оёқларинг воситасида жаллод олдига келтириб турибди!

Овчи араб вазият ўзгача эканини кўргач, тиз чўкиб, фарёд чека бошлади:

— Эй хожа, мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ! Мен ҳазил қилдим! Лоф гапларни айтиб, сизларни кулдирмоқчи эдим!

Амалдор унга:

— Эй аҳмоқ, ҳозир ўзинг тилин билан иқрор қилиб турган эдинг! Энди нега сўзингдан тонасан?

Мисра:

— Инсонга не келса тилдан келади!
— Сен ўз ёмон феълингни ўзинг ошкор қилдинг ва жазо ботқоғига ботдинг!
Шундан сўнг арабни жазога тортдилар.

Эй ўғил, сен гапирмоқчи бўлсанг, аввало гапингни яхшилаб ўйла, сўнг гапир! Зарурат пайдо бўлгандагина сўзлашга одатлан. Бўлмаса жим ўтир! Кўп ўйлаб, оз сўзлашда ҳикмат кўп.

Баён қилишларича, қадим замонда бир бадавлат кишининг жуда ақлли ва зийрак ўғли бор эди. У ўғлини доно олим олдига олиб борди ва илму ҳикмат ўргатишини сўради. Олим болага парвона бўлиб, кўлидан келганича илм ўргатди. Бола имкони борича ҳаракат қилиб, олим айтган гапларни дил хазинасига жойлай бошлади. Натижада кўп ўтмай доно кишига айланди.

Кунларнинг бирида устод унга:

—Эй ўғлим, дунёда омон бўлай десанг, сергап бўлма, зарурат бўлса гапир, бўлмаса жимликни ихтиёр қил. Кишининг бошига келадиган ҳар бир бало тилдан дидир! Бехуда гапиришдан, лақмачиликдан, гийбат ва бўҳтон сўзларни айтишдан кишининг обрўйи пастлайди! Энг ёқимли хислат ва чиройли санъат феълни сақлай билишдир, — деди ва бу ҳақда кўпгина ҳикматли сўз ва мақолларни келтирди. Шогирд устодга:

— Эй устод, сиз нимаики деган бўлсангиз, барига тушундим! Энди бундан буён қандай йўл тутишни яхши биламан! — деб жавоб берди.

Шу кундан бошлаб, у жуда камгап бўлиб қолди. Дўстлари ичида фақат фойдали сўз бўлсагина гапирар, бўлмаса жим ўтирарди. Бу ҳолдан унинг отасини огоҳ қилдилар. Отаси уёқ-буёқдан қанча гапирмасин ўғлидан ҳеч жавоб эшитмади. Уни касал деб гумон қилиб, табибларни чақиртириб келди. Аммо табиблар унинг соғ эканини айтдилар. Ота ўғлини сиқилиб қолибди деб гумон қилиб, овга олиб чиқмоқчи бўлди. Бола овда ҳам ҳеч нарса демади.

Аксига олиб ов қилиш учун ҳеч бир нарса топилмади. Овни қанчалик қидирмасинлар барибир ҳеч нарсага дуч келишмади. Ногоҳ дарахт орасидан тўтининг сайраган овози келди. Овчилар дарҳол бургутни парвозга келтирдилар. Бургут бирпасда тўтини ўлжа қилиб олди. Тўтини қафасга солиб, боланинг олдига олиб келдилар. Бола уни кўриб отасига деди:

— Эй ота, тўти ўз тилидан илинди, агар у ўз маконида жимгина турганда эди, тилини сақлаганда эди, бошига кулфат тушмаган бўларди. Шунинг учун кишининг бошига нима келса, тилидан келади дейишган.

Байт:

Тўти сақлаганда эди тилини,
Қафас ижжил қилмас эди дилини!
Отаси ўғлидан бундай ҳикматли сўзни эшитиб, гап нимада эканлигини англади ва хушҳол бўлди.

Шарифа МАДРАХИМОВА
тайёрлади.

ИСМ — АНБОЕ ЭМАЕ

Исм инсон ҳаётида муҳим ўрин тутлади. Ҳадисда ҳам ота-онага фарзандлари учун уч масъулият юкланади. Биринчиси — яхши исм қўйиб тарбиялаш, иккинчиси — оилани қилиш ва учинчиси — уй-жой солиб бериш. Кўринадики, фарзандга исм қўйиш энг биринчи вазифалардан экан.

Кўлаб мактабга таълим муассасалари, мактаб ўқувчилари орасидаги кузатувларимдан келиб чиқиб, ушбу мулоҳазаларни билдиришга жазм этдим. Боғча болалари ўз ўртоқлари ҳақида гапирар эканлар, нуқул "катта Гули", "кичкина Гули", "Узун Гули" каби бирикмали исмларни ишлатишади. Мактаб ўқувчиларида эса бу ажратиш муносабатлари қиёсий исмлар ва лақабларга айланади. Мен бир синфни биламан. 35 ўқувчидан 6 нафари Шаҳзод, 5 нафари Шохруҳ, 3 нафари Нилуфар, 4 нафари Нигора, 4 нафари Наргиза исмлар. Худди маҳсуус йиғиб қўйилгандек. Агар четдан туриб уларнинг бир-бирларига қилаётган муомаласи кузатилса, ҳам кулгингиз қистайди, ҳам жаҳлингиз чиқади. Мана, қаранг, улар энди "катта" ёки "кичкина" демасдан "кўккўз Шаҳзод", "дед Шаҳзод", "лилпўт Шаҳзод"... "иккичи Наргиза"... дейишади. Ва кўпинча исмларини айтишмайди ҳам. Қуруққина қилиб "дед", "терақ" деб кўя қолишади. Бундай мурожаат зўё одатий ҳолдек, ҳеч қандай ажабланиш рўй бермайди. Яна бир-бирдан фарқлаш учун "Фурик", "Фурка", "Наги", "Нилуш" деб исмларини бузиб гапиршади. Йиллар ўтгач эса болалик хотиралари ҳам шу лақаблар билан ёдга олинади. Дарс пайтида ўқитувчи ҳам Шохруҳ деса, қайси биримиз экан, — деб ўқувчиларнинг ҳаммаси баравар қараб туришади. Кейин устоз уларни "аълочи Шохруҳ", "иккинчи Шохруҳ" деб аташга мажбур бўлади.

Бу ерда болаларни айблаб бўлмайди. Ҳозир жуда кўлаб "мода"га айланган исмларнинг маъноларини билиб-билмай ота-оналар фарзандларига қўйишади. Гўёки шу тўрт-беш исмдан бошқаси йўқдай. Ахир Эрнст Бегматовнинг "Ўзбек исмлари" номли китобида ўн тўрт мингдан кўпроқ исмлар жамланган. Қолаверса, ўзимизнинг ранг-баранг, пурмаъно, миллий исмларимиз сон-саноксиз.

Бир мактаб ўқувчисини биламан. Синфдошлари унга ўта кўпол лақабларни қўйиб олишган эди. Шундан сўнг у ўзига нисбатан тўқилаётган ҳар хил лақаб, таъналардан безиб 7-синфда мактабни ташлаб кетди. Ҳозирда унинг атрофидашларга қўшилиб кетиш, билиб турган нарсасини ифода этиш қобилияти ёшига нисбатан суст ривожланган. Эҳтимол исм-фамилиясининг ҳам бу ҳолатга озми-кўпми таъсири бўлган дидир.

Хужжатларга муҳрланган номни ўзгартириш эса жуда кам учрайдиган ҳоллардан. Одамлар исм-шарифларини ўзгартиришни ўзларига ор билиб, шундай қилганларга бошқача назар билан қарашади. Шундай экан, хужжатлаштириш жараёнида ҳам исм-фамилияларнинг тўғри ёзилишини назардан қочирмаслик талаб этилади. Зеро, исм либос эмаски, уни тезгина алмаштириб оласак. Шунинг учун ҳам исм қўйилаётганда етти ўлаб бир кесиш фарзанд келажугига дахлдор эканлиги ёдимиздан кўтарилмаслиги керак. Зеро, "Исми жисмига мос" деган ибора ҳам бежизга айтилмаган.

Роҳила МУҲАММАДИЕВА
Оқдарё тумани

БОШГА БАЛОНИ ТИЛ КЕСТИРАДИ

Оқо Муҳаммад Жабалрудий форс донишмандларидан бўлиб, ўзининг «Жомий ут-тамсил» китобини одоб-ахлоқ масаласига бағишлайди.
Муаллиф ўз олдига форс халқ мақолларини жамлашни мақсад қилиб қўяди. Сўнг ўша мақолларга мос бўлган ибратомуз ҳикоятларни мисол тариқасида келтиради.
Ушбу китобда хушхулқлик, хунар ўрганишга рағбат, тилни тийиш, ҳар қандай вазиятларда ҳам тўғри ва одил хулоса чиқариш каби бир қанча ибратли ҳикоятлар келтирилган.
Ушбу китобдан олинган тил одоби, сукут сақлаш фойдалари ҳақидаги айрим ҳикоятлар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

гапира бошлади: «Эй тил, сен мени шарманда қилма! Донолар: «Кишига нима келса, тилдан келади», дейишган. Эртага подшо олдига мени жонимдан жудо қилма! Эй тил, сендан кўмак тилайман, менга ёрдам қил, подшо ҳузуридан соғ-саломат чиқишимга ёрдам бер!».

Унинг бу сўзларини эшитган ҳалиги кишининг ҳайрати яна ҳам ошиб кетди. «Бунда қандайдир сир бор экан», деб ўйлаиб қолибди. Сўнг бу ҳолатни охиригача кузатишга қарор қилибди. Тўқувчи эрталаб тўқиган нарсасини кўтарганича подшо саройига равона бўлибди. Ҳалиги киши ҳам изма-из кета бошлабди ва унга эргашиб подшонинг олдига кириб борди. Подшо ва унинг аъёнлари тўқилган нарсани кўриб, ҳайратда қолибдилар ва бу ноёб санъатга таҳсин ўқибдилар. Ниҳоятда шодланган подшо тўқувчига қараб:

— Эй тўқувчи, айтгинчи, бу ажойиб матони қаерга қўйса, нимага ишлатса муносиб бўлади? — деб сўради.

Тўқувчи биров ўйланиб турдида, сўнг деди:

—Эй подшо, уни ҳозирча эскиртмасдан хазинага солиб қўйиб, сен вафот қилган пайтингда тобутинг устига ёпганларида эди, барча халойиқ уни томоша қилиб, лаззат олган бўларди!

Подшонинг ранги ўчиб, ғазаби ўт олиб кетди. Тездан бу тўқувчини дорга осиб, жонидан жудо қилишга фармон берди.

Одамлар ичида турган ҳалиги киши журъат қилиб олдинга чиқди. Тиз чўкиб подшога арз қилди:

— Эй подшо, агар рухсат этсалар, бу тўқувчининг аҳолини айтиб берсам!

Подшо рухсат этгач, ҳалиги киши гап бошлаб деди:

— Мен бечора кишиман. Ўғрилиқ учун унинг уйига кирган эдим. Донолар: «Ўғри бўл, мард бўл!» деганлар. Унинг уйига кирсам, ҳадеб ўзича: «Тил бошининг посбони. Эй тил, мени подшо олдига шарманда қилма! Мени асраб қол, кўмак қил!» деб такрорлар эди! — деб бўлган воқеаларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Подшо ҳалиги кишининг гувоҳлиги ту-

БОҒДАН ЧЎЛГА БОРГАН ҚИЗ

Нишон туманида маорифни ривожлантириш осон кечмади. Туман ташкил топган дастлабки даврларда бу ерда кадрлар масаласи анча долзарб эди. Чунки чўл қийинчиликларига чидаб ишлайдиганлар камчилик бўлганлиги учун ҳам бу муаммолар келиб чиққанди. Лекин ўз касбининг фидойилари чўлнинг

ни бойитиб, ўқитувчи деган юксак номга сазовор бўлгач, у йўланма билан Қашқадарё вилоятининг Нишон туманига ишга юборилади.

1975 йилнинг саратон ойи тугаши арафаси. Қуёш тафти баланд. Нишон чўли кенгликлариди ҳақиқий иш боряпти. Чўлни ўзлаштириш учун келган чўлкуварлар барча жабҳада самарали меҳнат қилишмоқда. Автобустан тушган хушсурат қиз шеригидан туман халқ таълими бўлими қаердалигини сўради. Аниқ манзилни олгач, ўша томонга қараб юрди. Унинг юзла-



бундай қийинчиликларига ҳам дош бера олди. Ана шундай инсонлардан бири Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида туғилиб вояга етган Светлана Мўминовадир. У гарчанд шаҳарда камол топган бўлишига қарамай, Нишон чўлларига ўзининг қалб амри билан келиб, шу ерда меҳнат қилди.

Светлана илмга чанқоқлиги боис ўша пайтдаги Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтига ўқишга қабул қилинди. Беш йил давомида билими-

ридаги тиниқлик шаҳардан келаётганлигини билдириб турарди. Қизча халқ таълими бўлими томон борар экан, қумдан кўтарилган чангдан ижирғаниб, қадам ташлар, бошидаги соябон куёш нурларини тўсиб турган бўлишига қарамасдан, ён-веридан олов пуркарди. Бу шароитда ишлаш нақадар оғир эканлигини Светлана шу ондаёқ қалбани ҳис этди. Аммо ҳар қандай қийинчиликларни писанд этмаган ёш муаллима бундай журъатсизликка йўл қўймади. Мактабнинг бир бурчагида кўримсизгина хонада ташкил

этилган ХТБга кириб, сўраб-суриштириб мудирнинг хонасини топди. Навбат кутиб турганлар анчагина экан. Навбат етгач, хонага кирар экан, мудирнинг қарши олиши, муомаласи унинг шу ерда ишлашга бўлган иш-тиёқини янада оширди.

Чўл оқшоми зерикарли, аммо ўзининг қандайдир таровати билан ҳаяжонли эди. Бу кунларни С.Мўминова узоқ йиллар кутди. Ўқитувчилик қилиш орзусида тиниб-тинчимасди. Мана, вақт ўтиб, у ўз орзусига эришди. Эртага илк дарси. Шу онларда ундан бахтли инсон йўқ эди, назарида.

Мактаб жамоаси, ўқувчилари билан тезда тил топишиб кетди. Ўзининг изланувчанлиги, болажонлиги билан жамоада ҳурмат топди. Шу-шу мактаб унинг муқаддас даргоҳига айланди. Ҳар йили ёзги таътилга чиққан кезларида ўқувчиларини соғиниб қолади.

У кишидан сабоқ олиб келаётган мактаб ўқувчилари рус тилини ўзлаштириш бўйича вилоятда юқори кўрсаткичларга эришишмоқда. Фидойи ўқитувчи айна кунларда ўқувчиларини республика миқёсидаги беллашувларга олиб чиқиш учун янада чуқурроқ изланмоқда.

Норменгли АЛПОНОВ

Мактабда дарслар тугаган экан. Бошланғич синфлардан бирининг синф хонасида тахминан 6-7 ёшлардаги жажжигина бир болакай бугун диққат-этиборини олдидаги дафтарида жамлаб ниманидир ёзарди. Ўқитувчи унга "Ю" ҳарфининг ёзилишини эринмай тушунтирар, бола бутун дунёни нутиб дафтарнинг ичига кириб кетай деб ўтирарди. Бундай "мураккаб" кўринишли ҳарфни биринчи марта ёзгач, унинг чехрасига табассум югурди ва устозига мағрур қараб қўйди. Бу каби ҳолатлар деярли ҳар кун, ҳамма ерда такрорланади. Бу каби устозлар ҳамма жойда топилади. Ва ҳаммамиз мана шу каби ўқитувчимизни — БИРИНЧИ УСТОЗИМИЗНИ алоҳида

кунидан то 4-синфни тугатгунча бирга яшаган, фарзандларимдек бўлиб қолган болажонлар бошланғич синфни тугатишиб, нафақат ўқиб, ёзиб, ҳарфларни ажрата олаётганини, балки фикрлай бошлаганини кўриб ҳаётимда биринчи марта ўзимни бахтли ҳис қилдим. Мен улар учун биринчи ўқитувчи бўлсам, улар мен учун биринчи ўқувчилар эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто ҳозир ҳам келишиб, ҳеч кимга айта олмаган гапларини менга айтишади. Ота-оналари ҳам баъзан у ёки бу масалада маслаҳат сўраб туришади.

— Лариса билан 3 йилдан бери бирга ишлаймиз, — дейди унинг ҳамкасби Светлана Викторовна. — Жуда ҳаракатчан, ғайратли. Яқинда

БИРИНЧИ УСТОЗНИНГ ИШОНЧИ

эҳтиром, тасвирлаб бўлмас орзиқиб билан эсга оламиз.

Пойтахтимизнинг Хамза туманидаги 145-мактабда ана шундай — бош ҳарфлар билан ёзилишига арзийдиган ўқитувчилардан бири меҳнат қилади. Лариса Асланова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тугатиб, 1995 йилдан ушбу мактабда ишлаётган бўлса-да, мактабда анча-мунча ҳурмат, айниқса, ўқувчилар меҳрини қозонишга улгурган.

— Ўзи ёшлигимдан ё педагогика, ё театр соҳасида ўқишни орзу қилардим, — дейди Лариса Асланова. — Мана, орзуларим ушалиб, севган касбимнинг эгаси бўлдим. Бу касбни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Тўғри бошида жуда қийналдим. Аммо ўтган йили мактабга келган

Сорос жамғармаси томонидан ташкил этилган курсда ўқиди ва мактабимизга жуда кўп янгиликлар олиб келди. Ўтган йили болалар ўрасида ўтказган иқтисодий ўйинини ҳали ҳам бутун мактаб эслаб юради.

Лариса Асланова бошланғич таълимда янги педагогика технологияларни унумли қўллаётган нафақат ўз мактабидаги, балки шаҳардаги камдан-кам топиладиган ўқитувчилардан биридир.

— Мен ўқувчиларимни келажакда фақат битирувчи эмас, балки инсон бўлиб етишишини истаيمان. Мамлакатимизда таълимга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги ўқувчиларнинг кўзларига қараб, қалбимда "Сен келажакда шу юртга муносиб фарзанд бўлиб етишасан!" деган ишонч пайдо бўлади.

Б.ГОФУРОВ

ЧОРАК АСР ЭЛ ХИЗМАТИДА



Институтимиз ташкил топганига 5 йил тўлди. Шу давр мобайнида талабаларимиз утказилаётган кургазмалар, куриктанловлар, учрашувлар ҳамда ҳар хил турдаги тадбирларда фаол иштирок этиб уз санъатларини, билимларини намоиш этмоқдалар. Уларни жиқлаштириб бундай тадбирларни ташкил этишда эса олийгоҳ хотин-

қизлар қўмитаси расиси Башорат Ҳакимованинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида педагогика-психология фанларидан дарс бераётган бу сергайрат аёл талабалар иштирокида "Балли қизлар", "Пазандачилик", "Зулфияхоним қизлари" куриктанловларининг утказилишида бош-қош бўлди. Танловда Яккасарой тумани талабалари Тошкент шаҳри босқичида олдинги

уринларни эгаллагани ҳам бунга бир мисолдир. Башорат опа институт миқёсида нашрдан чиқаётган "Мусаввир" газетасига ҳам муҳаррирлик қилмоқда. У кишининг бир қанча мақолалари "Маърифат" газетаси ва «Халқ таълими» журналинда босилган.

Бу изланувчан аёл 1995 йилдан буён Низомий номидаги педагогика университети аспирантурасида педагогика фанидан ёшларни миллий руҳда тарбиялаб келмоқда.

Дилбар МИРЗАМУҲАМЕДОВА,

Халқ таълими тизимидаги ислохотларни амалга оширишда республикамизнинг чекка туманлари ва қишлоқларида олиб борилаётган ишлар ҳам кишини қувонтиради. Улар сафида замонамизнинг меҳнаткаш ва заҳматкаш устозлари кўплигидан кўнгиллар равшан тортади. Яқинда биз ана шундай фидойи инсонлардан бири билан суҳбатлашдик. Ҳанифа Раҳматуллаева рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. У чорак асрдан буён шу соҳада меҳнат қилади. Ҳозирда 1-мактаб ва Зомин тиббиёт коллежида меҳнат қилаяпти.

Ҳанифа Раҳматуллаеванинг меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланган. У амалиётчи ўқитувчи, халқ таълими аълочиси, олий тоифали мутахассис, бўлиши билан бирга "Йил ўқитувчиси-91" республика кўрик-танловининг ғолиби ҳамдир. Ҳанифа 1999 йилда "Ўзбекистон республикаси халқ ўқитувчиси" фах-

рий унвонига сазовор бўлди. Зомин туман Кенгашининг депутати. Оддий ўқитувчининг эл манфаати, юрт тараққиёти йўлида қилаётган ибратли ишлари ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Ўзбекистон янги асрдан нималарни кутмоқда? Ҳанифа шу ҳақда ўз орзу-истаклари, уйлари шун-

ибратли ташаббуслар билан жаҳон майдонига чиқмоқда. Бугун дунё ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг ўрни ва хизматисиз тасаввур этиш қийин. Мен ўқитувчи бўлганлигим сабабли халқ таълимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларим

рилайман кенг қўламли ишлар биз ўқитувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклаши шубҳасиз. Мустақил диёримизнинг ўқитувчиси ўзида қандай хислатларни мужассамлаштириши керак деган савол бизга тинчлик бермаслиги даркор.

Менимча, ҳар бир ўқитувчи "Ўзгалар учун яшайман" шiori остида ишлаши лозим. Яъни фидойи бўлмоғи керак.

Касбдошларим, шогирдларим мендан ҳаётингиздаги энг қувончли кун қайси деб тез-тез сўраб туришади. Мактаб бағрида қувончли кунларим кўп. 1991 йилда "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика ғолиби, деб топилганимда кўзда ёш, қалбда қувонч ва ҳаяжон билан бу хабарни қабул қилганман. Бу ҳолатни сўз билан ифодалаш қийин. Шу кундан бошлаб назаримда, менинг ҳар бир сўзим, ҳаракатим бутун республика кўз ўнгига бўлаётгандай туюлаверади.

Абдусаттор СОДИКОВ

МАКТАБ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ

дай баён этади:

— Мустақиллик тўғрисида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тилга олса арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга ошмоқда. Ер юзида тинчлик, барқарорлик, халқлар ўртасида дўстлик ришталари мустаҳкамланишида мамлакатимиз қатор

билан ўртоқлашмоқчиман.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, келажакимиз эгалари бўлган ёшлар тарбиясига, халқ таълимини ривожлантиришга жуда катта эътибор билан қаралди. Ёшларга давр руҳида таълим-тарбия бериш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди.

Ана шундай олиб бо-

Қадрли Мамлакат РАҲИМОВА!

Сизни қутлуг 50 ёшингиз ҳамда халқаро хотин-қизлар кунини билан самимий қутлаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, улкан зафарлар тилаймиз. Шогирдларингиз бахтига омон бўлинг! Сизни бахт ҳеч қачон тарк этмасин.

СамДЧТИ қошидаги академик лицей жамоаси



Хурматли Матлуба ЗАРИПОВА! Сизни ва Сиз орқали Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани 18-ўрта мактаб хотин-қизлар жамоасини кириб келаётган 8 Март — халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриқлаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат ва олижаноб ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз

Хурматли Музафратхон АҲМЕДОВА!

Сизни туғилган кунингиз ҳамда дунё аёллари ва хотин-қизлари ўз кунлари дея шодиёна қиладиган 8 Март байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Поп тумани халқ таълими бўлими жамоаси ва яқинларингиз

Она Ермиз Яратганнинг изми ила Куёш нурларини янги соғинч билан эма бошлади. Табиат яна кўк хирқасини кийди. Умримизнинг яна бир баҳори келди. Кўкаламлар ила бўй кўрсатган янги кўнгилларга энтикиш индиради. Шу лаҳзаларда Инсон табиат билан муштарақ эканлигини ҳис қилади...

**Бовларда, қирларда, тоғларда,
Даштларда кўкалам, кўкалам.
Кўнгиллар ювинар доғлардан,
Дилларда — хуррамлик, йўқ алам.**

Табиатдаги уйғониш руҳимизга қувват беради. Ўзимизни байрамларга чоғлаймиз.

Кўкламнинг байрамлари кўп. Наврўз — уларнинг энг улуғи.

Тарихи уч минг йилдан ошадиган, доимо янги ва боқий, уйғониш, покланиш, меҳр, саховат, бирикиш, тинчлик тимсоли бўлган бу байрам ҳақида қанча гапирсак-да, ёзсак-да оз. Туйғуларимизга жўшқинлик инган ушбу дамларда баҳорий кайфият қаламимизга кўрк берди.

Наврўз ҳақида бугунгача не-не асарлар битилган. Алломаларимиз, шоирларимиз бу улуғ байрам ҳақида ўз сўзларини ёзиб қолдирганлар.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ЛУТФИ

Ҳазрат демишларки:

*Ҳар тунинг қадр ўлубон,
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз.*

Бани одамга яхшилик тилагувчи буюк мутафаккир: умринг давомидаги ҳар бир тунинг лайлатулқадр кечасидек, ҳар бир кунинг эса Наврўз кунидек кечсин демоқда. Бу истак замирида қандай ҳикмат яширин? Улуғ шоир нега кечалар ичида айнан Қадр кечасини, кундузлар ичида Наврўз кунини энг юқори мартабага кўтариб, қолган туну кунларнинг ҳам шундай бўлишини тиламоқда?

“ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛУБОН...”

Мусулмон аҳли ҳар йили бир марта бир ойдан (30 кун) рўза тутади. Мана шу 30 кунлик рўза давомида ҳар қандай мўмин киши, энг аввало нафсини тийган ҳолда оллоҳ ибодатига машғул бўлади. Ҳолбуки, Оллоҳ йўлида нафсни тийиш ҳам ибодатдир. Муборак рамазон ойининг йигирма еттинчи куни мусулмон оламида энг улуғ кунлардан бири сифатида эътироф этилади.

Чунки рамазоннинг йигирма еттинчи кечаси Лайлатулқадр кечаси ҳисобланади. Бу кечада Қуръони каримнинг илк оятлари нозил бўлган, айнан мана шу кечада Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳнинг элчи фариштаси Жаброил алайҳиссалом билан дийдор кўришган. Бу кечада ер юзига Оллоҳнинг раҳмати ёғилиб туради. Айтишларича, Қадр кечаси ҳар бир мўмин Оллоҳга ибодат қилиб, ундан гуноҳларини мағфират қилишини сўраса, унинг ибодати Оллоҳ наздида қабул бўлса, гуноҳлари кечирилади. Айтадиларки, мана шу гуноҳи кечирилган банданинг қалбидан бир нур чиқар эканки, у нурдан арш ларзага келар экан. Шунда арш фаришталари Оллоҳдан сўрар экан: “Ё раббим, бу қандай нурки, аршни ларзага солмоқда”.

Шунда Оллоҳ жавоб берар экан, “Бу нур бугун ўз гуноҳларидан фориғ бўлган банданинг қалбидан

чиққан нурдир”.

Демак, Қадр кечасини бедорлик билан ўтказган, Оллоҳга астойдил ибодат қилган киши мана шундай Оллоҳнинг ажрига етишар экан. Қадр кечаси ана шундай улуғ, марҳаматли кечадир.



“... ҲАР КУНИНГ ЎЛСУН НАВРЎЗ”

Кўринадики, қадр кечаси — тунларнинг шоҳи бўлса, Наврўз — кунларнинг подшоҳи. Хўш, Наврўз бу мартабага не учун лойиқ кўрилатири?

Наврўз нишонланадиган ҳозирги ҳисобимиздаги 21 март — баҳорги тенгкунлик. Осмон илми соҳиблари — мунажжимлар эътирофича, бу куни Куёш ўзининг шараф буржи бўлмиш — Ҳамалга қадам қўяди. Ернинг 360 даражали йиллик айланма ҳаракати ушбу кундан бошланади. Янги кун, янги йил бошланаётган лаҳзаларда Ерга ўз таъсирини кўрсатиб турувчи ўн икки юздузларнинг Куёшдан кейингиларидан: Ой — Асад буржида, Уторуд — Ҳамалда, Зухро — ўз шараф буржи — Хутда, Миррих — Сунбулада, Муштарий — Далвада, Зуҳал — Ҳамалда бўлиб, коинот сарвари шаънига олқишлар айтиб туришади. Уларнинг бир-бирларига хайрихоҳона назарлари янги йилда фақат яхшиликлардан дарак беради.

Демак, Наврўз — янги йил бошланиши, кунларнинг аввали. Ҳар нарсанинг боши эса доимо кишиларга шоду хуррамлик келтирган,

уларни эзгу орзуларга, эзгу амалларга ундаган.

Наврўз — байрам. Байрам бўлганда ҳам энг улуғ байрамлардан бири.

«Navro'z — boqiy bayram» tanlovida

тининг Қизилкарвон қишлоғида яшайди. Эрол тоғанинг кенжаси. Наврўз унинг учун қўшша байрам. Гапнинг ўронидан сезган бўлсангиз керак: Наврўз Наврўзда туғилган.

“Ўнга кирдинг — сонга кирдинг” дегувчи эди раҳматли момом. Энди еттига кираётган бўлса ҳам Наврўзнинг сонга кирганига анча бўлган: сўрасангиз, ақаларини уялтириб, Қуръондан тўрт-беш сурани тугилмай айтиб беради. Шеърларни-ку шариллатади, айниқса Ўзбекистон мадҳиясини. Кўпайтириш жадвалини сув қилиб юборган. Дарвоқе, ақалари гоҳо шумлик қилиб, бочкалар аравани эшакка қўшишадиди-да, Наврўзни сувга жўнатишадиди. Шуям ишми унга? Катайса-ку.

Шунча мақтовга яраша битта камчилиги бор: ҳали исмидан бошқа сўзни ёзишни билмайди. Бунга сал ўйинқароқлиги сабаб бўлса керак. Балки ҳали ўргатишмагандир. Нима бўлганда ҳам зехнли бола.

Қишлоққа борганимда мени кўргали уйимизга келди, бузуқ велосипедини ҳам судраб келибди, занжири чиқиб кетармиш. Мана буни бир ўқ билан икки қуённи уриш деса бўлади. Уни меҳмон қилиш баробарида велосипеди билан андармон бўлдим.

Укаларим унинг гапларига қизиқиб, қитиқ патига тегмоқчи бўлишадиди.

— Наврўз, Асилбек ёзишни билар экан, сен нимага билмайсан?

— Э-э, у мендан катта-ку. Мактабга борсам мен ҳам биламан.

— Наврўз, отанг яхшими, энанг?

— Икковиям.

— Акаларингдан қайсини яхши кўрасан?

— Ҳаммасини.

Менинг ҳам кишим келади:

— Қайсини энг яхши кўрасан?

Раъйимни қайтаролмай, қулогимга шивирлайди:

— Бекзод акамни.

Шивир-шивир қиламиз:

— Нимага?

— Бекзод акам уришмайди...

Тўрт-беш оғиздан берилётган саволларга бир ўзи жавоб қайтариб чарчаб кетади-да, ўйинга овунади.

Кетаётганда катталардай хайрлашади:

— Бўпти, момо, Ҳасан тоға, Ҳусан тоға, яхши ўтирингизлар. Мен кетдим. Қидириб борингизлар. Кўрмай қолсам, Тошкентга яхши борингизлар.

Кета-кета рудан бир қўлини олиб силкитиб қўяди... Уни ҳамма яхши кўриб қолади.

Бизнинг Наврўз ҳақида мана шунлар.

...

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадуғ билиг” асарида шундай сатрлар бор:

“Аввал Шарқдан баҳорий шаббода эсиб келади, бу — оламини безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг кетиб, ерга ифор тўлади ва ҳаммаёқни арғувон — алвон ранг эгаллайди, чунки олам чиройли безанмакни истайди.

... Япроғини тўккан дарахтлар яна яшил кийинди, оқ, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанди”.

Шарқ халқлари муштарақлиги тимсоли — Наврўз бир кунлик байрам эмас. Байрамгача ва байрамдан кейинги тадбирлар табиат янглиғ Наврўзни ҳам безайди. Бу ҳақда ва Наврўз тарихи ҳақида кейинги чиқишларимизда сўз юритамиз.

Хусан КАРВОНЛИ

ФИКРЛАШГА УНДОВЧИ ДАРСЛИК



Х.Неъматов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган 8-синф учун «Она тили» дарслиги нашрдан чиқди. Уларда берилган машқлар ўзининг қисқалиги ва мазмун-моҳияти билан ўқувчиларни ўз устида ишлашга, изланишга қорлайди. Мисол учун, 1-машқда: «Истиклол бизга нима берди?» мавзусидаги кичик маъруза матни тайёрланган. Бунинг учун режа тузинг ва ундан фойдаланинг, дейилган. Албатта, ўқувчи бу машқни бажариш учун мустақил фикр юритишга мажбур. Бунинг учун у истиклол ҳақида маълум тушунчага эга бўлиши, унинг аҳамияти ва моҳиятини тўлиқ англа билиши зарур. Шундагина у бу мавзуда яхшигина маъруза матни туза олади. Бунинг учун эса ўқувчи изланади, ўқийди, ўрганади. Топшириқни бажаришга ҳаракат қилади. 2-машқда Абдусайд Кўчимовнинг «Ватан ягонадир» шеъри берилган. Шунингдек, шеърни ўрганиш учун урта топшириқ юклатилган.

1-топшириқ: «Шеърни ўқинг. Унда ифодаланган ғояни сўзлаб беринг». Дастлаб ўқувчи

шеърни ўқир экан унинг ғоясига, мақсад, ўй, фикр, туйғуларга аҳамият беради. Шоир айтмоқчи бўлган фикрларни англашга ҳаракат қилади. Бутун шеърнинг мазмуни қаратилган ғояни тушуниб этади ва ўзича фикрлайди, юрагига юртга, Ватанга муҳаббат ҳисси пайдо бўлади.


2-топшириқнинг саволидан келиб чиқиб ўқувчи шеърнинг мазмунига қараб унинг ҳар бир бандига сарлавҳа излайди. Бу эса уни фикрлашга, топшириққа ундайди.

3-топшириқда эса «Ватан, истиклол ҳақида яна қандай шеър (қўшиқ)ларни ёдлагансиз. Айтиб беринг», — дейилган. Албатта, бу топшириқ ҳам ўқувчини қўшиқ ва шеърларни ёд олишга ундайди. Кўп шеър ёд олган ўқувчининг дунёқараши кенг, нутқи раван, хотираси ўткир бўлади. Худди шунингдек, дарслиқдаги бошқа машқлар ҳам ўқувчи дунёқарашини ўстиришга, фикр ва мулоҳаза юритишга чақиради. Дарслиқда шунингдек, адабий нутқ ва унинг услублари, сўз бирикмаси ва сўзларнинг бирикиш усуллари, гапларнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларига оид қисқача қонун-қоидалар, эслатма ва изоҳлар ҳамда матнлар ҳам бериб ўтилган. Ўқувчиларга чорак охирида ўтилганларни такрорлаш юзасидан тест топшириқлари бажариш юклатилган.

Қисқача қилиб айтганда, дарслик топшириқларнинг бари ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ундайди. Матнлар болаларни маърифатга, одоб-ахлоққа, ватанпарварликка ундайди.

Мамаражаб Тўраев,
РТМ «Давлат тили»
бўлими методисти

ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАММАГА КЕРАК



Маълумки, деярли барча йўналиш бўйича ўқув юрталарига кириш учун тест синовларида абитуриентлар албатта ўзбек тили ва адабиётдан берилган саволларга жавоб берадилар. Негаки, бўлажак мутахассис адабий тил меъёрларини, унинг қоида-қонуниятларини билиши, нутқий маданиятга, бадиий тафаккурга эга бўлиши шарт. Кўп вариантли тест тизимига ўтилган 1996 йилдан 2001 йилгача олий ўқув юрталарига даъвогар абитуриентлар томонидан ушбу фан бўйича тўғри

ҳал қилинган тестларнинг ўртача миқдори камайиб борган. Бунга асосий сабаб вариантлардаги тест саволларининг мураккаблик даражасига кўра нисбати ўзгарганлигидир. Бу ҳақида батафсил маълумотлар билан ДТМ «Ахборотнома»сининг навбатдаги 5-сон иборатли танишинингиз мумкин. Шунингдек, журналнинг ушбу сониде ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили, француз тили, тарих, математика, физика, биология, химия, география фанларидан тест саволлари ҳам берилган.

Шеър дунёга келишига сабаб бўладиган омиллар кўп — соғинч, муҳаббат, армон... Бу саноқни узоқ давом эттириш мумкин. Зоминлик ижодкор ўқитувчи Меҳринисо Қудрат қизининг «Эшик олди гулхайри» тўплами (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 2001)даги шеърларнинг асосий қисми юқорида таъкидланган туйғулар замирида ёзилган. Жумладан, шоира «Болалигим» шеърда ёзади:

... Болалигим — гулхайриларнинг
Косасидан сув ичган кўнглим.
Ўша сувга жуда ташнаман,
Бугунимга келмайди кўнгим...


БОЛАЛИКНИНГ ЁДИ—ГУЛХАЙРИ



Ўқиганимиздек, шеър соғинч билан ёзилган. Кўнглида ул гўзал оламга булган муҳаббат яшайди. Чунки болалик аллақачон «борса келмас» йўлдан кетиб улгурган. Болаликка саёҳат қилган кўнгли бугунига кўнголмамайди. Дарвоқе, кўнгли қачон бугунига кўника олади? Эртага, яъни Бугун Кечага айланиб улгурганида. Чунки бугунга бугун баҳо бериш мумкин эмас. Ижодкор—

ўқитувчининг бугунига кўнголмамлиги шундандир балки. Нима булганда ҳам Меҳринисо Қудрат қизи шеърларидаги ифод буйлари каби ёқимлилик ўқувчи эътиборини торта олади. Ёзганларида баландпарвоз гаплар, ёниб-қуйиб севганлик ҳақидаги лофлар йўқ. Болалик таассуротлари, она юрти — қишлоғига булган меҳри ажойиб ташбеҳлар билан баён этилади.

Муҳими, унинг шеърларида самимийлик уфуриб туради. Самимият эса келажак ёрқинлигининг ифодасидир.



Болаларни йўл ҳаракати қоидалари билан таништиришни бошлангич синфлардан оқ бошлаш лозим. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан яқинда нашр қилинган «Yo'l harakati alifbosi» ўқув қўлланмаси (муаллифлари: S.Qodirov, F.Sodiqov, Q.Azizov) худди шу мақсадни кўзда тутди.

Бошлангич синф ўқувчилари учун мўлжалланган ушбу қўлланма лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосида чоп қилинган. Китобча орқали болалар йўл ҳаракати қоидаларини билиб оладилар. Унда, айниқса, чорраҳалардан ўтиш, светофор ва йўл назоратчиларининг ишораларига амал

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ АЛИФБОСИ



қилиш тартиблари рангли расмлар орқали содда ва қизиқарли баён этилган. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишга доир шеърлар, стол устида ўйналадиган ўйинлар ва турли тадбирлар ишланмалари берилган.

1-синф ўқувчиларининг руҳиятини ҳисобга олиб яратилган рангли-безакли ушбу ўқув қўлланма бошлангич синф ўқитувчиларига муҳим кўмакчи бўла олади.

ЮРАК ҚОНИ ИЛА БИТИЛГАН АСАР

Ҳуқуқшунос олима, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академияси полковниги Сорахон Аҳмедованин «Қалб фарёди» китоби ўзининг мазмун-моҳияти, мантиқи ва тарбиявий аҳамияти билан айни бугунги шароитимизда ёшлар тарбияси учун жуда зарур асардир.

Китобда адибанин мураккаб ва оғир кечмишлари, олий мақсад йўлидаги жасоратию метин иродаси, ҳаёт ва инсон улугворлиги Зухраҳон образи орқали тараннум этилади.

Шуниси диққатга сазоворки, рисола оддий ва раван ёзилган бўлиб, сиз уни ҳазин куй тинглаётгандек ҳаяжон билан ўқийсиз, қисса охирига етмагунча ундан бош кўтара олмайсиз, унда ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисалар сизни чуқур мулоҳазага чўмдиради. Чунончи, сиз ота-онаси бўлатуриб кўчага ташланган, болалиги хўрланган бу уч қизалоқ билан бирга қай-гурасиз, тошмехр ота-онадан нафратланасиз, турмуш деб аталмиш катта ҳаёт карвониди икки мурғак жигаргўшасига худди бургутдан полагонларини ҳимоя қилган она куш каби паноҳ бўла олган, ўзи ота-она меҳрига зор бўлса-да, сингилларига ҳам ота, ҳам она, ҳам опалик меҳрини берган, уларни ҳақиқий инсон даражасига етказган Зухраҳоннинг матонатига, ҳаёт заҳматларига қарши қасдма-қасдликда яшашига тан берасиз.

Ўйлаб кўринг-а, бир вақтлар богча ва мактаб ёшидаги уч қизчасини кўчага ҳайдаган, янги хотин сўзига кириб уларни бутунлай унутиб юборган ота орадан йиллар ўтиб, бутунлай ногирон ва нотавон ҳолда мансабдор қизини қидириб келганда, Зухраҳон ўн тўққиз йил мобайнида «отамни учратсам албатта айтаман» деб кўнглига ту-



гиб юрган сўзларини, тошмехр отага нафратини бутунлай унутиб, «отажон!» дея унинг бағрига отилгани Зухраҳоннинг саҳий ва катта қалб эгаси эканлиги, ёмонликка яхшилик билан берилган жавоб эмасми?!

Сорахон бошидан ўтган кечмишларини дадил, ёзувчиликни даъво этмаган ҳолда қаламга олишга жазм этди ва бунинг урдасидан чиқди ҳам. Зеро, унинг юрак қони билан битилган бу асари ҳаётга энгил-елпи қараётган баъзи-бир ота-оналарга «Болангизни тирик етим қилиб меҳрингизга зор этманг!»— деган ҳайқирқ бўлиб янграса, кўнгли ўқисқ болаларга эса унинг ҳаёти ибрат бўлиб, уларнинг мўрт иродасини мустаҳкамласа, ҳаёт тўсиқларидан қоқилмай ўтишларига йўл кўрсатса, уларни зулматли тундан кейин албатта ёруғ кун келишига ишониб яшашига ўргатса... Шу мақсадда Сорахон эндигона нашрдан чиққан, ҳали босмаҳона бўёқлари қуриб улгурмаган китобларидан 300та-сини меҳрибонлик уйларига совға қилиб жўнатди.

«Қалб фарёди» ҳар бир оила китоб жавонидан ўз муносиб ўрнини олади, деб ўйлайман.

Гулпошша
ЭРГАШЎЖАЕВА

«СИНФДОШ» — ТЕСТ

Мамлакатимиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча синфдошлар журнали «Синфдош»нинг янги сони босмадан чиқди. Унинг а в а л г и л а р и д а н фарқли жиҳати буткул тест саволларидан иборатлигидир.

Дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрсангиз, моҳиятан инсон умри турли саволларга жавоб топишдан иборатдир. Муҳими инсон ўз олдига қандай савол кўя олишида. Олдиндан бир нарсани айтиб қўйиш жоиз. «Синфдош»нинг саволлари мактаб дарсликлари доирасида. Тестларни тўғри ечиш қўйи синф ўқувчиларининг билимини мустаҳкамлаб, дунёқарашини кенгайтирса, олий ўқув юртига ўқишга қираман деб юрганлар учун қанчалик фойдалилиги хусусида гапирмасак ҳам бўлар.

Сал бўлмаса ёддан кўтарилмай дебди. Тестларга тўғри жавоб йўллаганлар, ўзлари ҳам тест тузиб таҳририятга жўнатганлар махсус совғалар билан тақдирланишади. Қандай совға дейсизми? Буниси ҳозирча сир. «Синфдош»нинг кейинги сонларини кўзатиб боринг.



Жамиятни кадрлар бошқаради. Улар савияси ва маҳоратининг юксаклигида гап кўп. Етти ўлчаб бир кесадиған, мушқул вазиятларни таҳлил қила биладиған, хулосалар ясада янглишмайдиган мутахассисга ҳамма жойда эҳтиёж топилади.

Ҳозирги вақтда таълим ислохотларининг иккинчи босқичига киришилди. У ҳал қилувчи характерга эга бўлиб, тайёрланаётган кадрларнинг сифат даражаси, рақобатга қодирлигини биринчи даражали вазифа қилиб кўяди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаган эдики: "Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили бўлиши зарур. Улар юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириши лозим".

Ҳар бир олий ўқув юрти ўз буюртмачиларига эга. Шу маънода институт ёки университет дипломини олган битирувчи ўзи эгаллаган билими ва малакасини намоён этиши керак. Шундагина унга давлат газнаси-дан кетган сарф-харажатлар ўзини қоплайди ва оқлайди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мамлакатимиздаги катта йўлни босиб ўтган ва бугунги кунда ҳам ўз буюртмачиларига эга даргоҳлардан бири. Аввало, институтда таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Ҳар бир йил, ҳар бир ой ва ҳаттоки ҳар бир кун янгилик, ўзгариш, ташаббуслар билан кечади.

Институтда кадрларни тайёрлаш, уларнинг эгаллаган ихтисосликларни бўйича иш билан таъминланишида яхлит механизм вужудга келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўтган 2001-2002 ўқув йилида бакалавр йўналиши бўйича 352 нафар талаба, магистр йўналиши бўйича 77 нафар талаба мутахассислик дипломларига эга бўлдилар. Улардан 63 бакалавр, 13 магистр "Ўзпахтасаноатсотиш", 15 бакалавр, 3 магистр "Ўзбек ипаги", 13 бакалавр, 3 магистр "Ўзбекпояфзал" уюшмалари корхоналарида, 7 бакалавр, 4 магистр давлат мабуот кўмитаси, 24 бакалавр, 3 магистр коллеж ва лицейларда, 33 бакалавр, 11 магистр хусусий, кичик корхона ва фирмаларда, шунингдек, магистрлардан 19 нафари олий ўқув юртларида, 3 нафар Давлат мулк кўмитасида яна 4 нафари "Сифат" ИТМда фаолият юритиб келмоқда. Демак, юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, институтнинг тугатган барча мутахассислар иш билан 100 фоиз таъминланяпти. Шунингдек, институтда кадрларни иш билан таъминлашда яхлит механизмнинг мавжудлиги ва унинг яхши йўлга қўйилганлиги бўлғуси кадрни ҳам, институт маъмуриятини ҳам асло ташвишга солмайди.

Даставвал, ихтисосликларга эҳтиёжнинг бор-йўқлиги ҳисобга олинади. Республикаимиз мустақилликини қўлга киритмасдан илгари, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари асосан тўртта вилоятда, марказлашган типда жойлашган бўлса, истиқлол йилларида бу тармоқ устувор йўналиш сифатида жадал ривожлана бошлади. Ўзига хос жараёнлардан бири сифатида улар акциялаштирила бошланди. Давлат корхоналарининг акциялаштирилиши фонд ва қимматбаҳо қоғоз биржаларида эркин фаолият кўрсата оладиган кадрлар тайёрланишини тақозо этади. Шу мақсадда 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўнали-

ши бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди ва уларга ҳозирданок қатор буюртмалар мавжуд.

Ишлаб чиқаришни акциялаштириш, очиқ ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларининг ташкил этилиши, давлат мулкнинг аукционларга қўйилиши ва сотиб олиниши аҳолининг барча қатламлари фаол иштирок этиш имкониятини келтириб чиқаряпти, мулкдорлар синфи шаклланоқда. Мулкдорлар синфининг шаклланиши кадрларни тайёрлашга ҳам ижобий таъсир этади. Институтимизда хусусий, кичик корхона ва фирмаларнинг буюртмасига кўра, кенглик кадрларни тайёрлаб бе-

ЕТУК КАДРГА ЭҲТИЁЖ БОР

риш жараёни кенг йўлга қўйилди. 2000-2001 ўқув йилида хусусий, кичик корхона ва фирмалар буюртмасига кўра 200 га яқин талаба қабул қилинган бўлса, келаси йил учун тузилган буюртмалар портфелида 300 га яқин талаб мавжуд.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, институтимиз маркетинг хизмати бўлими ходимлари, олимлар ва "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекенгилсанот", "Ўзбек ипаги", "Ўзбек қоғози", "Ўзбекчарм" уюшма ва корхоналари мутахассислари билан биргаликда 2005 йилгача бўлган даврда кадрларга нисбатан мавжуд эҳтиёжнинг илмий асосланган таҳлили тайёрланди.

Бир неча йилдан буён "Юлдуз", "Паризод" тивуччилик бирлашмалари, "Қобул-Текстайлз", "Супертекстиль" тўқимачилик мажмуалари, "Давлат белгиси" фабрикаси, "Шарқ" концерни ва бошқа бир қатор корхоналар билан шартномалар асосида тестга тайёрлаш курслари ташкил этилди. Бу эса институт ҳисоб рақамига қўшимча маблағ келиб тушиш имконини ҳам бермоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни ва йўналишларини диққат билан кузатиб бораётган киши кичик ва хусусий тадбиркорлик йўлида очиқ берилаётган улкан имкониятларга гувоҳ бўлади. Шунингдек, олган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарияти ҳам таълим муассасаларида кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш жараёнига барча профессор-ўқитувчиларни жалб этиш вазифасини қўймоқда. Бу вазифани бажариш учун инсти-

Tahlil

тут раҳбарияти томонидан катта комплекс дастур ишлаб чиқилди. Бу режага кўра, институтда фаолият кўрсатаётган "Тасвир", "Тола" каби кичик корхоналар ишини янада такомиллаштириш, ишга тушириш арафасида турган ўқув сертификация марказига буюртмалар қабул қилиш, тест синовларига тайёрлаш маркази, "Бухгалтерия ҳисоби", "Маркетинг", "Информатика ва программалаштириш" курсларига кўпроқ ёшларни жалб этиш, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш (бизнес режа), барча олимларни кичик ёки қўшма корхоналарга маслаҳатчи сифатида бириктириш каби вазифаларни бажариш кўзда тутилди.

Маълумки, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш орқали биз жаҳон бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлай оламиз. Бу масалани ҳал этиш учун рақобатга бардошли, жаҳон бозорига мўлжалланган тайёр маҳсулот, техник жиҳатдан мураккаб, илм-фан ютуқлари асосида ишланган маҳсулотлар, харидоригир, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқа-

ларида "Менежмент" мутахассислиги магистрлари Ўзбекистон Республикаси Миллий Банки, Давлат Божхона кўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, ЎзФА иқтисодиёт институти, Давлат солиқ кўмитаси, "Ўзбекенгилсанот" уюшмаси ҳамда қатор қўшма корхоналарда амалиёт ўташган бўлса, "Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси", "Йиғириш технологияси" ва "Пахтани дастлабки ишлаш" мутахассисликлари магистрлари ипакчилик илмий текшириш институти, "Пахтасаноатилм" РИМ, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", "Наманган атлас", "Шойи тадқиқот институти, "Сифат" илмий текшириш маркази, "Тоштўқимачи" АЖ, супертекстиль қўшма корхонаси, Чиноз қўшма корхонаси, "Қабул — Ўзбек-К" қўшма корхонаси, ЎзФА механика ва сейсмик текшириш институти каби қатор муассасаларда амалиёт ўтадилар. Бу эса кадрлар сифатини яхшилашда ижобий натижалар бермоқда.

Институтимизда кадрлар аукционини ўтказиш одат тусига кирган. Аукционда кадрларга муҳтож бўлган корхона раҳбарлари қатнашиб, ҳаётда объектив ва субъектив сабабларга кўра рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, келишилган ҳолда мутахассиснинг ишга боришига шартнома тузилади.

Институт моддий-техника базасини яхшилашда профессор-ўқитувчилар, талабалар малакасини оширишда ташқи инвесторлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Германиянинг Вуппербаль шахридаги Берг университети, жаҳонга машҳур "Гейделберг" компанияси билан тузилган шартнома асосида институтимиз қошида очилган ўқув марказида 500 минг немис маркази миқдоридида замонавий матбаачилик машиналари ўрнатилди. Талабалар ўз амалиётларини шу дастгоҳларда ўтишди.

Институтимизда 1996 йилда тўқимачилик электрон машина-созлиги бўйича дунёга машҳур бўлган Германиянинг "Сосна", Япониянинг "Койисакки", Италиянинг "Мездан" фирмалари тақдирот маросимлари ўтказилди. Натижада улар умумий нархи 108 минг АҚШ доллари қийматига тенг ипак сифатини аниқлайдиган "КЕГ-80" асбобини қолдиришди.

Институтимиз жамоасининг мақсади битта: моддий техника базани мустаҳкамлаш учун қўшилган ҳар бир сўм ёки ҳар бир долларлик ускуна юқори малакали мутахассис тайёрлашга сезиларли даражада хизмат қилиши керак. Шундагина турдош корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоригир бўлади, кадр ҳам ҳаётдан ўз ўрнини топади.

Муаммоларимиз ҳам етарли. Республикаимизда қурилаётган, ташкил бўлаётган барча корхона билан ҳамкорлик ўрната олганимизча йўқ. Бўш биноларни ижарага бериш, илмий салоҳиятни ишлаб чиқаришга тўла татбиқ этиш, қисқа муддатли ўқув курсларини кенгайтириш каби имкониятлардан тўла фойдаланишимиз зарур.

Қадам ЖУМАНИЕЗОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича ректор муовини, доцент

Ҳамид ТЕМИРОВ,
Маркетинг хизмати ва шартномалар бўлими бошлиғи, доцент

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

Маълумки, бугунги кунда юртимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг биринчи босқичи якунланиб, иккинчи босқичига ўтилди. Унга кўра дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурлар Давлат таълим стандартлари ҳамда замон талабларига тўла мос келиши зарур. Кунинг кеча Республика таълим марказида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1 - 9-синфлари учун Давлат таълим стандартлари асосида яратилган "Русский язык", "Литература", "Путешествие в мир слов" дарсликларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда дарсликларнинг муаллифлари Н. Вейцман, В. Кожуховская, И. Стыркас, В. Андриянова ва туман, шаҳар ҳамда вилоятлардан келган ўқитувчилар иштирок этдилар.

Маросимда сўзга чиққан дарслик муаллифлари уларни яратишда асосий эътиборни ўқувчиларга қизиқарли бўлган матнлар, уларни фикрлашга, ҳарфлар ва бўғинларни, сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатадиган машқларга қаратганликларини алоҳида таъкидладилар. Юқори синфларга мўлжалланган дарсликларда ҳам ўқувчини фанга қизиқтирадиган, унинг мазкур фандан олган билимларини янада кенгайтиришга хизмат қиладиган, мустаҳкамлайдиган машқлар, топшириқларни тузганликларини айтиб ўтдилар.

Шунингдек, ўқитувчилар муаллифларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, муаллифлар эски дарсликлардаги хато ва камчиликларни эътиборга олган ҳолда ва дарслик тузишда ўқитувчилар билан бирга ишлаш ҳамда бу борада улар кўпроқ ўз фикрларини билдиришлари лозимлигини эътироф этдилар.

Райхон ХОЛМУРОВОВА,
"Маърифат" мухбири

Navoiyxonlik

Мустақиллигимиз шарофати боис, бугун мумтоз адабиётимизни, тарихимизни эркин ўрганаётганимиз — маънавий бахт-саодат сифатида эътироф этилиши лозим. Бу фикр бахтсиз эмас, чунки аслида шундай. Агар яқин ўтмишни эсласак, собиқ Шўролар даврида адабиётда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап кетгудай бўлса, албатта, биринчи галда М.Тургеневнинг "Оталар ва болалар" асарини асос қилиб кўрсатиш урфга айланган эди. Истиклол бизга ўз миллий қадриятларимизни қайтарди.

Мана, кўлимизда Унсурулмаоний Кайковус (1020-1099)нинг "Насихатнома" асари. Уни муаллиф ўз ўғли Гелоншоҳга бағишлаб ёзган. Асардаги 44 бобда асосан фарзанд тарбияси, унинг жамиятдаги мавқеи, ахлоқ ва одоб, атрофдагилар билан муомаласи ҳақида фикр юритилади. Жумладан, муаллиф шундай деб ёзади: "Эй ўғлим, билгин, мен китобимнинг 44 бобиди ўзим билган турли илм ва тажрибамга суяниб, сенга атаб сўз юритдим ва ҳар бобда сенга насихат қилиб, фикр билдирдим".

Бу — XI аср адабиётидаги маълумот. Бундан кейин ҳам, олдин ҳам оталарнинг фарзандлар тарбияси ҳақидаги фикрлари манбаларда турли даражада ўз аксини топган. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг кириш қисмида ўғлига қилган назмий насихатномаси форс-тожик адабиётида дидактик, ёшларнинг тарбиясига оид ғоятда муҳим ва машхур манба сифатида кўп тилга олинган:

**Гофил манишин,
на вақти бозист,
Вақти ҳунар асту
сарфарозист.**

(Мазмуни: гофил бўлмагин, ўйин-кулги вақти эмас, айни ҳунар ўрганиб, комилликка етишиш палласи). Жомий бу фикрини ўғлининг 14 ёшдалиги пайтида айтганини инobatга олсак, масаланинг қанчалик муҳимлиги янада аён бўлади.

Юқорида кўрганимиздек, фарзанд тарбиясининг Шарқ адабиётидаги талқини кўпинча маълум бир шахсга қаратилган бўлади. Биз келтирган мисолларда муаллифлар ўз фарзандларига берган насихат ва ўғитлари орқали, адабиёт имкониятидан фойдаланиб, уларни жамиятнинг етук аъзолари, комия инсонлар қилиб тарбиялашни кўзлаганлар. Бироқ шундай ҳоллар ҳам бўлганки, адиб, тарихчи, давлат арбоби ота ва фарзанднинг муносабатини давлат, жамият, эл манфаатидек ғоят масъулиятли муаммо даражасида кўриб чиқишга интилган. Бунда масалага фақат бир оила, гуруҳ ёки аниқ бир шахс доирасидан чиқиб, умумжамият манфаати нуқтаи назаридан туриб қаралган. Бунинг эркин мисолини ҳазрат Алишер Навоийнинг Хусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамон Мирзога ёзган бир мактубида ҳам кўришимиз мумкин.

Олимларимиз томонидан XV-XVI асрларда Хуросонда ҳукмронлик қилган темурийзода Хусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиуззамон Мирзо ўртасидаги ихтилофлар, ота билан ўғил орасидаги келишмовчиликлар, ҳатто урушлар ҳақида кўп ёзилган. Бу мавзуда кинофильм, драматик асарлар яратилган. Шуларни инobatга олиб, тарихнинг бу саҳифаларини кенгроқ ёритишдан ўзимизни тийдик. Яна тарихий далиллардан аёнки, Хусайн Бойқаро ҳар сафар ўғли Бадиуззамон билан муносабати таранглашса, масаланинг ечимини топиш ўта мушкуллиги аниқ бўлса, вазир Алишер Навоийга мурожаат этган. Ҳазрат Навоий ҳам бу мураккаб дипломатик вазифани, асосан, ижобий ҳал этган, саркаш ўғилнинг ота меҳрига юзланишига эришган. Биз куйида кўриб ўтадиган мактубда эса, Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо Хусайн Бойқаро томонидан қатл этирилишига амр берилган, ҳуллас, ота ва бола муносабати ўта таранглашган ҳолат ўз ифодасини топган.

Алишер Навоийнинг "Мун-

таъкидлар экан, мактубда у бу жожеанинг олдини олишга интилганини кўриш мумкин.

Мактубнинг кейинги сатрлари юқоридаги фикрни қувватлайди, яъни "... бас киши ота ризосин ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай", деган Навоий газаб боис кўзларини қон босган Бадиуззамонни Оллоҳ номи ва қудратига суяниб иш тутишга даъват этади.

Навоий ўз фикрини қувватлаш, унинг таъсир кучини ошириш учун машойихларнинг бу борадаги қарашларига диққатни тортади. Бу мисоллардан шуни англаш мумкинки, у Бадиуззамонга "Оллоҳга ишонмасанг, бандасига ишон" қабилда фикр юритиб, бир неча далиллар келтиради. Бу далиллар мазкур мактубни мутолаа этувчи ҳар бир инсонни фикрлаш, ота ва она ҳурматини ардоқлаш, ёши улғайганларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг измидан чиқмасликка даъват бўлиб янғиради. Навоийнинг бу қараши бугунги кунда ҳам, айниқса, 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили сифатида ни-

сўзидурким...". деб сўз бошлаб, яна фарзандни инсофга чақириш мақсадида буюклар фикрига суяниб, ўз қарашлари таъсирини оширишга ҳаракат қилади: "Ва машойих сўзидурким, отанг парвардигорингдур, бу жиҳатдинким, тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфуллияттин шабоб синниғача парвариш бергувчи ул".


Мактубда айтилган отанинг жамиятдаги мавқеи ва унинг оила аъзолари томонидан эҳтиром қилиниши шартлиги масаласи фақат ўша давр учун мезон бўлмаган. Балки бизнинг замонамизда ҳам ёшларнинг кексалар, ота-оналарга нисбатан эҳтиромда бўлишлари, уларнинг истак-хоҳишларини баҳо келтиришлари, қариган пайтларида хизматларида бўлиши юксак инсоний фазилат ва энг аввало, қарз эканлигини уқтиргани билан ҳам бу мактуб ғоятда муҳимдир. Навоий мактубда Хусайн Бойқаро томонидан йўл қўйилган жиддий хатоликни англаган ҳолда, фарзанд отасининг хатоларини юзига солиши, уни таъна тошларига дучор этишини ғайри-

тубни Бадиуззамонга ёзишдан мақсади, бу шахзодани ўзига ўта яқин тутганлиги, кўп асарларида унга ўрин бергани, пайти келганда насихатини аямаганлигини уқтиради. Шундан сўнг, Навоий шаккок шахзода Бадиуззамоннинг бир қанча нолойиқ, ўша давр давлатчилигига хилоф ҳаракатлари: тасарруфида бўлган, аммо Хусайн Бойқаро рухсатсиз эгаллик қилиши мумкин бўлмаган мулк ва бойликни ўз ихтиёри билан бошқариши, танга пули зарб этишда отасининг исмини киритмагани, хутба намозидида Хусайн Бойқаро номини тилга олмагани, Астрободни рухсатсиз эгаллагани, Ироқ вилоятини ўзбошимчалик билан бекларга тақсимлагани, шарият аҳкомига қарамасдан нафақат Бадиуззамоннинг ўзи, балки бутун қаламравидагиларнинг соқолларини қирдириши ва бошқаларни таъкидлар экан, бу бошбошдоқлик охири-оқибатда мулк вайронлиги ва салтанат инқирозига олиб келишига ишора этади. Навоийнинг Бадиуззамонга ёзган бу мактуби бугунги кунда том маънода тарбия китобидирки, буни ундаги айрим жумла, ибораларнинг мақол, зарбулмасал даражасига етганлигида ҳам кўрамыз: "Фарзанд керак зайифликда отасига хизмат маҳаллин топтим деб, жонсипорлик қилса", "Бу қулнинг жони куйганда, ўзгаларнинг этаги куймас" ва бошқалар.

Мазкур мактуб Алишер Навоийнинг Хусайн Бойқаро давлатида тутган ўрни, жонкуярлиги, темурийлар салтанатини мустаҳкам асраш, таназзул олдини олишдаги ҳаракатини кўрсатувчи ҳужжат сифатида ҳам қадрлидир. Қолаверса, ота ва боланинг жамиятдаги мавқеи, юксак ижтимоий, ахлоқий, давлат манфаати мезони билан кўриб чиқиши бугунги кун учун ҳам мутлақо аҳамиятини йўқотган эмас.

Ушбу мактубдаги яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш жоиз, албатта. Ҳар сафар ота билан бола ўртасида ихтилофлар чиққанда Хусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг хурматидан фойдаланиб, уни Бадиуззамон Мирзо ҳузурига юборган. Бу мактубни эса Навоий Бадиуззамонга Хусайн топшириғи билан эмас, балки ўз ташаббуси билан битганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу улуғ шоирнинг Хусайн Бойқаро давлатдорлигига қанчалик куюнгани, уни ислоҳ этишга интилганлигининг яна бир мисоли: "Тенгри таоло тонқудурким, бу арзадошт Мирзо буйруғи била эрмас, балким вуқуфлари ҳам йўқдур. Хаёлингизга келмағай — буйруқ била битилибтур. Чун сизининг тобуғунгизда айтурча давлатхолиғ сўзини айтурга маъмурмен, ул жиҳатдин густохлик била арзадошт битилди".

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари
доктори**



шаот" асарида бундай мактублар талайгина. Мазкур мактубнинг моҳияти шундаки, унда ҳаётнинг тажрибаси бой, етук руҳшунос, даврнинг сиёсий-ижтимоий аҳволини тегиз таҳлил қила оладиган сиёсатшунос, албатта, етук адиб Алишер Навоийнинг шахсияти, қарашлари, ички олами, давр ташвишларидан чарчаган бир пайтдаги руҳий ҳолати ўз аксини топган. Алишер Навоий комил мусулмон сифатида Бадиуззамонни инсофга чақиришнинг ягона йўлини Оллоҳ, Унинг расулининг фикри, қарашлари воситасида таъсир этишда деб билган: "Пайғамбар... буюрубтурким, тенгри таоло ризоси ота ризосига вобастадур ва тенгри таоло газаби ҳам ота газабига вобастадур". Навоий отанинг оила ва жамиятдаги мавқеини жуда юксакка кўтаради. Айниқса, бизнинг таҳлилимиздаги мисолда ота — Хусайн Бойқаро юрт султони эканлиги бу масалага янада жиддий тус беради. Зеро, Навоий ота билан ўғилнинг бир-бирларига душманларча муносабатда бўлиши юртнинг нотинчлиги, темурийлар салтанатини фақатгина Хуросонда эмас, балки тўлалигича инқирозга олиб келиши шубҳасиз эканлигини

шонланиши боис, янада юксак мазмун касб этади. Навоий инсоннинг бу оламда ҳаёт кечиришини, даставвал, Оллоҳнинг қудрати, деб билса, унинг билвосита яшаши, ҳаёт кечиришида ота-она сабаб эканлигини алоҳида уқтиради. Уларнинг амрига бўйсуниб, эҳтиромларини охиригача адо этиш ҳам қарз ва ҳам фарз эканлигини таъкидлайди. Навоийнинг бу қараши кишининг дунёга келишига отананинг бевосита ўрни йўқ, улар ўз биологик бурчларини адо этганлар, деган ғайриинсоний ақидапараст тўдаларнинг қарашларига зарба беради ва биринчи галда инсон шахсиятининг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратадики, бу жуда муҳим.

Ҳазрат Навоий Бадиуззамонга бунча куюниб, унга отасининг жамиятдаги мавқеини тушунтирар экан, саргашта бир фарзандни инсофга келтиргунга қадар шоир чеккан заҳматни тасаввур қилиш қийин эмас.

Бадиуззамон Мирзонинг яккаш феълени билганлиги боис, Алишер Навоий уни имону диёнатга чақириш, инсоф сари бошқариш ниятида янги-янги фактларга мурожаат этади. Адиб фикрини давом эттирар экан, "машойих

инсоний ҳаракат деб уқтиради. Ва айни пайтда улуғ адиб сифатида ўз қарашларини яна бир қарра ўзидан олдин ўтган адиблар, файласуф ва буюк алломалар фикри билан қувватлайди. Шу боис, мактубдаги қараш фақат вазир Навоийнинг фикри бўлмасдан, балки умуминсоний қадриятга мансублигига ишора этади гўё. У ўзининг салафи Адиб Аҳмад ижодида мурожаат этиб, ундан куйидаги рубоийни мисол келтиради:

**Атодин хато
келса кўрма хато,
Савоб бил хато
токи қилса хато.
Атонинг хатосини
билгил савоб,
Сени юз балодин
қутқаргай худо.**

Алишер Навоий мазкур рубоийни келтирар экан, фикрини қувватлаш, Бадиуззамонни ишонтириш учун яна бир неча мисолларга мурожаат қилади: Ҳазрати Юсуф отасига нисбатан саҳван одоб тартибини бузганлиги боис етмиш йилдан кейингина жаннатга тушганлигини, Ҳом Нух пайғамбарнинг ўғли отасига шаккоклик қилганлиги ва унинг қарғиши боис юзи абадан қаро бўлиб, пайғамбарлик унинг наслини тарк этганлигини таъкидлайди.

Улуғ адибнинг мазкур мак-

Газетамизнинг 27 февраль сонида «Буюк Ипак йўли — кўҳна маданият» сарлавҳали суҳбат берилган эди. «Буюк Ипак йўли» илмий тадқиқотлар марказининг бош мутахассиси Зокир Райимжонов билан бўлган қуйидаги суҳбат унинг мантиқий давомидир.

— Аввалги суҳбатда Буюк Ипак йўлидаги савдо алоқалари ва унинг нима учун «Буюк Ипак йўли» деб аталиши ҳақида сўзлаш билан бирга бу йўлнинг Шимолий ва Жанубий йўллarga бўлиниши ҳақида айтган эдингиз. Энди Буюк Ипак йўли (БИЙ)нинг ёши ва нима учун Шимолий ва Жанубий йўллarga бўлиниши тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Буюк Ипак йўлининг ёши анча улуг. Яъни, у милoddан аввалги биринчи мингйиллик ўрталаридан милодий XVI асргача — буюк географик касб этиб келган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Буюк Ипак йўли Хитойнинг гегафик жиҳатдан қулай ерда жойлашган Сиан шаҳридан бошланган.

Шуни айтиш жоизки, турли даврлар мобайнида ипак йўли йўналишлари тасвирланган хариталар, улардаги жой номлари бир-бирига ўхшамайди. Чунки бу БИЙнинг ўн йилликлар эмас, балки бир неча юз йилликлар давомида шаклланиб борганлиги билан боғлиқ. Лекин қайси даврда бўлмасин, Буюк Ипак йўлининг асосий куруқлик ва сув йўллари мавжуд бўлган. Турли даврлардаги хариталарда тасвирланган жой, давлат ва шаҳар номларининг ўзгариб туришини эса вақтлар ўтиши билан карвонбошилarning савдо-сотик учун қулай бўлган қисқа ҳамда бехатар йўна-

лишларни кашф қилганлари билан изоҳлаш мумкин.

Шу тариқа Буюк Ипак йўлида иккинчи, ҳатто учинчи даражали ёрдамчи йўллар пайдо бўлиб, унинг тармоқлари кўпайиб бораверган. Сиандан ғарбга қараб бошланган БИЙ Дунхуан шаҳрига келганда иккита катта тармоққа ажралган. Биринчиси Шимолий йўл деб аталиб, у Турфон орқали Қашқар—Ўш—Фарғо-

Александрия шаҳарларигача борган. У ердан яна сув йўли орқали Афина ва Римгача бориш мумкин бўлган.

— «Буюк Ипак йўли» илмий-тадқиқотлар маркази яна қандай мақсадларни кўзламоқда?

— Мақсадларимиз улкан. Шулардан бири БИЙ бўйлаб турли хил экспедициялар уюштиришдир. Шундай экспедициялардан бири ўтган

қари, БИЙнинг ҳақиқий тарихини аниқлаш мақсадида хорижий мамлакатларда нашр этилган кўплаб нодир китоб ва журналлар тўпланиб, таҳлил қилинмоқда. Хусусан, Япония ва Хитойдан Буюк Ипак йўли ҳақидаги илмий-оммабоп ҳамда ҳужжатли фильмлар келтирилди.

Асосий мақсадларимиздан яна бири БИЙнинг мамлака-

ли хил қулайликлар яратиб, ташиладиган юкларнинг ҳажминини кўпайтириш ва ушбу йўллар орқали халқаро туризмни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйди. Бу қурилажак янги йўллар бутун инсониятнинг тарихий ривожланиш даврида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари маданияти, иқтисодиёти, дини, тили, урф-одатларини бир-бирига боғлаган жаҳон цивилизациясида жуда муҳим ўрин тутган Буюк Ипак йўлининг қадимий йўналишлари бўйлаб ўтиши кўзда тутилди.

Маълумки, Ўзбекистон худуди Шарқ билан Ғарб давлатлари марказида жойлашган. БИЙнинг бош ва иккинчи даражали тармоқлари асосий қисмининг республикамиз худудидан ўтганлиги, ҳатто турли хил йўналишларга эга бўлган ёрдамчи йўлларнинг давлатимиз худудида кесишганлигини ҳисобга олиб, инсоният тарихида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу йўлни қайта тиклаш ва уни замонавий йўлга айлантиришнинг аҳамияти ҳақида қанча гапирсак ҳам оздир.

Чунки республикамизнинг иқтисодий кудрати, табиий иқлим шароити, кучли-илмий техникавий салоҳияти ва дунё океанларидан узоклиги унинг денгиз портларига энг қисқа ва арзон йўллар билан чиқшини тақозо этади.

Буюк Ипак йўлининг тарихий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари томонидан Европа Иттифоқи раҳнамолигида БИЙни қайта тиклаш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Масалан, Марказий Осиё, Кавказ, Европа Иттифоқи давлатлари вакилларининг Брюссель учрашувида (1993й) Европа—Кавказ—Осиё (ТРАСЕКА) транспорт йўлагини очиш ҳақида декларация қабул қилинган бўлиб, ушбу учрашув Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳақидаги биринчи ҳаракат сифатида тарихга кирди.

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

КЎҲНА МАДАНИЯТ — КЎҲНА ҚАДРИЯТ



БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ
ЮНЕСКО томонидан тасдиқланган
Париж - 1986

на—Кўқон—Хўжанд—Самарқанд—Бухоро, Бухородан эса Амударёнинг чап соҳили бўйлаб Хива—Урганч—Астрахан—Истамбул—Афина—Римгача борган. Иккинчи — Жанубий йўл Такламакон чўлининг жанубидан Хўтан—Ёркенг—Балх шаҳрига келади. Бу шаҳарда йўл яна иккига ажралади. Биринчиси, жанубдан Афғонистон орқали Покистон ва Ҳиндистонга, яъни Бомиён—Қобул—Лаҳор—Агра—Банорас—Калькуттагача борган. Иккинчи йўналиш эса ғарбга қараб давом этиб, Марв—Машҳад—Техрон—Дамашқ—Қоҳира—

йили Хитой худудидаги Буюк Ипак йўли йўналишлари бўйлаб ташкил этилди. Экспедиция Хитойнинг аввалги пойтахти Сиан шаҳридан Урумчи—Қашқар орқали чегара шаҳар Ирқиштомгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда ушбу экспедиция маълумотлари асосида «Буюк Ипак йўлидаги ҳақиқат» номли ҳужжатли фильм яратилмоқда. Шунингдек, ижодий сафар маълумотлари ва тарихий манбаларга таяниб ёзилган «Буюк Ипак йўли» тарихи ва географияси» номли китоб нашр этилиши арафасида турибди. Булардан таш-

тимиздан ўтган қисмларида халқаро туризмни ривожлантиришдир.

— Суҳбатимиз сўнггида Буюк Ипак йўли қайта тикланишининг юртимиз учун аҳамияти хусусида тўхталсангиз.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистон халқаро жаҳон бозорига чиқиш учун энг қулай ва қисқа йўлларни куриш ҳамда таъмирлаш орқали Европа, Кавказ ва Марказий Осиёдаги кўшни давлатларнинг транзит, яъни давлатимиз худудидан олиб ўтиладиган юклари учун тур-

ҚАДИМИЙ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичидаёқ одамларда у ёки бу катталикларни ўлчаш эҳтиёжи бўлган. Ўрта Осиёда қадимдан узунлик ўлчови инсон танасининг бирор аъзоси ёрдамида, масалан, қадам = 0,75 м; қарич = 19-22,5 см; қудоч = 166-170 см, бармоқ 20,8 - 22,8 мм, тирсак = 50-81,3 см; чақирим кабилар билан ҳисобланган. Чақирим—одам товушини эшита олиш мумкин бўлган масофа, тахминан 900 метр ҳисобида қабул қилинган тарихий ўлчов бирлигидир.

Шунингдек, халқимиз орасида оғирлик деб аталувчи масса бирликлари: мўсқол = 4,095 г; қадоқ = 409,5 г; пуг 16,380 кг; ботмон = 163,8 кг; ер майдони (юзасини)нинг ўлчови—таноб = 60x60 газ; жуфт ёки жуфти

гов—бир жуфт ҳўкиз билан ишлов бериб олиниши мумкин бўлган ер майдони тушунчалари муомалада ишлатилган.

Дон, ун ва шу кабилар ўлчов сифатида: лингча (тахминан 65 л), ўтин, паҳса деворини ўлчаш учун саржин (0,5 x 1 x 2 м³) ўлчови мавжуд бўлган.

Сув сарфини ўлчашда қўлланиладиган ўлчов ва ўлчаш бирликлари - қулоқ = 11,5 л/с; тегиримон = 57-58 л/с; ҳўплам = 15-20 мл; томчи = 0,05 мл бунга мисол бўла олади.

Саноат инқилоби, дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотикнинг ривожланиши турли ўлчов бирликларидан воз кечиб, ягона метрик тизимга ўтишни тақозо этди. 1875 йил Парижда бўлиб ўтган халқаро Метрик Конвен-

циясига 17 мамлакатнинг мухтор вакиллари томонидан имзо чекилган. Ўшанда биз ҳозирда ишлатиб келаётган ўлчов бирликларига асос солинди.

Ўрта Осиёда ўлчовларнинг метрик тизими 1923 йил 18 апрелда Туркистон Республикаси ХКС қарори бўйича «Ўлчовлар ва тарозилар тўғрисида Низом» тасдиқланган

нидан ва ички савдони йўлга қўйиш бўйича қўмита ҳузурда ўлчовлар ва тарозиларнинг Туркистон бюроси тузилганидан сўнг йўлга қўйилди. Узоқ ўтмишга назар ташлар эканмиз, юқорида тилга олинган, аммо бизга нота ниш бўлиб қолган ўлчов бирликлари халқимиз кундалик турмушида миллий урф-одатлари, табиий шароитлари, турмуш даражасидан

келиб чиққан ҳолда қўлланилганлигини эсга сақлашимиз керак. Шарқнинг буюк алломалари, жумладан, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбеклар маҳаллий ўлчов бирликларидан фойдаланиб, улуг ишларни қилишган ва уларнинг номлари абадиятга муҳрланганлиги сир эмас. Самарқанду Бухоронинг, Шаҳрисабзу Хиванинг салобатли, инсон ақлини лол қолдирувчи улкан миноралари ўша ўлчов бирликлари (маҳаллий) асосида қурилган эди.

Гераклит ўз вақтида таъкидлаганидек: «Тарих айлана бўйича, тўхтовсиз такрорланаверади». Бизнинг вазифамиз эса ўтмишни, тарихни эслаб қўйишдан иборат.

Абдували ДЎСТОВ,
Қарши Давлат университети
«Жаҳон тарихи» кафедраси
ўқитувчиси

Bilib qo'ygan yaxshi

КОНЦЕПЦИЯНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАРУР

Ўтган йили "Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси" ("Маърифат", 26.12.01) лойиҳаси эълон қилинди. Унинг хулоса қисмида мазкур концепция лойиҳаси олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими тизимларидаги барча малака ошириш институтларида уюштирилаётган махсус семинар ва кенгашларда муҳокама қилиниши, тегишли таклиф ва мулоҳазалар билдирилиши таъкидлаб ўтилган эди.

Чунончи, мазкур масала ЎзПФТИнинг илмий кенгаши (29.01.02 й.)да ҳам батафсил муҳокама этилган. Қуйида ушбу кенгашда мазкур концепция лойиҳаси бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этилаётди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг биринчи босқичи (1997-2001 йиллар)да "... ўқув-услубий мажмуаларининг ҳамда таълим жараёнининг дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш", иккинчи босқич (2001-2005 йиллар)да "... таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш" вазифаларини ҳал этиш кераклиги кўрсатилган.

Белгиланган вазифалар республикамиз педагог-олимлари зиммасига ўқув фанлари бўйича ўқув-методик адабиётларни яратишдек гоятда масъулиятли ва фундаментал тадқиқотларни амалга оширишни юклайди. Жумладан, "Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув дарсликларининг янги авлодини яратиш концепцияси" ана шу вазифалар ижроси йўлидаги дастлабки муҳим қадамдир. Бироқ лойиҳани тайёрлашда бугунги кунда асосан олий таълим тизими муаммоларининг назарий ечимлари ва амалий тажрибалари ҳисобга олингани яққол кўриниб турибди. Айниқса, олий ўқув юрларида яратилаётган ўқув материалларидаги янгиликлар ўз аксини топганлиги шундан далолат беради. Ҳужжатда ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари белгиланади, шакллари ва турларига тавсиф берилади, бундай адабиётларга қўйилаётган талаблар баён қилинади, адабиётларни яратиш босқичлари

кўрсатилади.

ЎзПФТИ олимлари томонидан берилган таклиф ва фикрлар қисман эътиборга олинган, лекин ундаги концепцияга хос услуб ўзгартирилган дарсликларга қўйилган талаблар ўқув адабиётларига қўйилаётган умумий талаблар тарзида берилган. Ваҳоланки, барча ўқув адабиётлари бирдай талаб қўйиб бўлмайди. Масалан, ўқув қўлланмасига қўйилган талабни ўқув лугатига татбиқ қилиш мумкин эмас ва ҳоказо.

Концепцияда дарсликлар яратишнинг истиқболдаги вазифалари белгилаб берилиши лозим, лекин мазкур ҳужжатда бу нарса кўринмайди. "Концепция" ўқув адабиётларга берилган тавсифнома тарзида баён этилган.

Концепциянинг 7-банди ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш босқичлари, деб номланган. Шу ернинг ўзида амалиётга жорий этиш босқичлари ҳақида сўз юритилади. Маълумки, ҳозирги кунда дарсликлар авлодининг бир қисми амалиётга етиб борди. Шунинг учун концепцияда ана шу дарсликларни амалиётга жорий этиш босқичлари, дейиш мантиқан тўғри эмас.

Бундан ташқари шуни айтиб ўтиш жоизки, олий ўқув юрти билан ўрта умумтаълим мактаби мақсад ва вазифаларида умумийликдан кўра кўпроқ тафовут мавжуд. Бинобарин, ўзлуксиз таълимнинг бу мустақил икки босқичига доир адабиётлар яратиш концепциясининг алоҳида алоҳида тузилиши шарт бўлгани ҳолда улар учун ягона концепциянинг тавсия этилиши катта хато.

Ўқув адабиётларини яратиш концепцияси билан дарслик яратиш концепциясининг бир сафа қўйилиши, аниқроғи, ягона концепцияга тикиштирилиши кечирилмас ҳол. Мана бир мисол, концепцияда дарсликларни электрон версиялар тарзида тайёрлаш ҳақида фикр юритилади. Ҳолбуки, электрон версиялар асосидаги дарсликни гарчи олий таълимда қўллаш мумкин ва зарур, лекин мактаб ўқувчиси фаолиятга кўп ҳам тўғри келмайди. Ахир, ўрта умумтаълимда дастлаб техник-дидактик жиҳозланиш бобида ва шунга ҳамоҳанг ўқитувчи кадрлар салоҳиятида кескин сифат ўзгаришига эришилгандан кейингина электрон версияларни истефода қилиш ҳақида фикр юритса бўлади.

Концепцияда ўқув адабиётларининг турлари саналган ва ҳар бирига тавсиф берилган. Аммо ўқув адабиётлари орасида ўқув фанини ўқитиш методикаси ўз

аксини топмаган. Методик йўналишдаги адабиётлар ўқитувчиларни таълимнинг хусусий назарий асослари билан қуроллантиради. Методик қўлланма юзасидан келтирилган тавсиф дарс ишланмалари, дарсликка доир методик кўрсатмаларни ифода этади. Методик кўрсатма курс ишлари, лаборатория ишлари сифатида талқин қилинган.

Маърузалар матнини тайёрлаш кейинги 2-3 йил ичида олий ўқув юрлари ўқитувчиларидан ялпи талаб қилинаётган нарса. Ҳар ким ўз билганича маърузалар матнини тузиб, муҳокама ва тақрирлар ташкил қилмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, ўқув адабиётларни яратишнинг мазкур концепцияси олий ўқув юрларида мослаб тузилган, умумий ўрта таълим мактаблари эҳтиёжларини кўзда тутмайди. Мактабга, масалан, биргина она тилидан диктант, баёнлар тўпламлари, тарқатма-дидактик материаллар, тестлар тўпламлари ва бошқалар керак.

Концепциянинг учинчи бўлими «Ўзлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш механизми» деб номланган. Лекин бу ерда механизмнинг моҳияти ўз аксини топмаган. Ўқув адабиётларига буюртма бериш, муҳокамадан ўтказиш, айниқса, уларга илмий баҳо бериш бўйича концепцияда ЎзПФТИнинг ўрни аниқ белгиланиши лозим эди, бу кўринмайди. Бугунги кунда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун чиқарилган "Ўзбек тили", ўзбек мактабларда "Она тили" дарсликлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу китобларга ўқитувчилар томонидан жиддий эътирозлар билдирилмоқда.

РТМ ходимлари ҳам ушбу дарсликларга илмий баҳо бериш, анжуман ўтказиб, фикр алмашува эҳтиёж борлигини таъкидлашмоқда. Дарсликлар муҳокамасида бизнинг институтимиз четлаб ўтилаётганлиги ҳам маълум даражада салбий роль ўйнамоқда.

Концепция илгари сурилайётган муаммонинг келажagini кўрсатиб берувчи ҳужжатдир. Лекин мазкур концепцияда истиқбол сезилмайди, ўқув адабиётлари қандай ривожлантирилиши кераклиги ёритилмаган. Шу билан бирга, барча таълим босқичлари учун ўқув-методик мажмуалар ва уларга берилган таърифлар тўпланиб, "концепция" деб юритилган.

Концепция шошма-шошарлик билан чоп этилганлиги кўриниб турибди. Матнда илмий хатолар бор, яхши таҳрир этилмаган. Масалан, қуйидаги фикрга эътибор берайлик: "Ҳозирги ўзлуксиз

таълим тизимида барча мавжуд фанлар бўйича ёппасига дарсликлар тайёрлаш усулидан воз кечиб, уларни асосан фундаментал фанлар бўйича яратиш мақсадга мувофиқдир". Бу гояга қўшилиб бўлмайди. Буни асослаш керак. Ўзгарувчи фанлар бўйича электрон версия шаклида дарслик тайёрлаши мумкин дейилган. Математика, физика, табиий фанларда мазмун асосан ўзгармайди-ку? У ҳолда бу гоя қайси босқичга тегишли?

Умумий ўрта таълим тизими бўйича яратилаётган дарсликлар мазмунига қуйидагиларни киритиш лозим: умум-халқ, умумбашарий, қолаверса, миллий-маънавий бойликларимиз ҳисобланмиш Авесто, Куръони қарим ҳақида, жаҳонга таникли олимларнинг фикрлари, алломалардан Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Форобийларнинг илмий қарашлари; ҳозирги замон фан ва техника ютуқлари; умуминсоний қадриятлар; маҳаллий, миллий хусусиятлар каби жиҳатлар концепциядан ўрин олмаган. Шунингдек, концепцияда ўқув адабиётининг ҳажминини кўрсатиш зарурдир, масалан, дарсликда, назарий материал 38 фоиз, амалий материал 40 фоиз, расм, схема, модел 21 фоизни ташкил этиши лозимлиги белгилаб берилиши керак эди. Концепция дарсликлар келажagini ҳам аниқлаб бериши, кеча, бугун ва эртани баён этиши лозим. Ўзлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғини — мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юрти дарсликлари учун бошқа, қайта тайёрлаш, малака ошириш бўйича алоҳида гоя бўлиши керак эди. Яъни, умумий ўрта таълим дарсликлари учун, коллеж ва академик лицейлар учун, олий ўқув юрлари учун дарсликлар ва ўқув адабиётлари алоҳида-алоҳида берилиши лозим. Бу ерда ҳаммаси қўшиб юборилган. Шунингдек, умумий ўрта таълим билан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар орасидаги узвийлик ҳақида ҳам алоҳида банд бўлиши зарур. Мазкур масалалар юзасидан тегишли бандларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур концепция лойиҳаси концепция услуби талабларига асосан жавоб бермайди, уни тубдан қайта ишлаш лозим. Бундан ташқари, мазкур концепцияда умумий ўрта таълим мактаблари дарсликларини яратиш истиқболлари ажратилиб, мутахассислар томонидан белгилаб берилиши ва эълон қилиниши керак, деган фикрдамиз.

Республика Таълим маркази томонидан 2001 йили олий ўқув юртига кирувчиларнинг Давлат тест маркази томонидан тест якунлари таҳлили ўрганиб чиқилди. Тест таҳлиliga назар ташлайдиган бўлсак, республика миқёсида ўртача самарадорлик биология фанидан 1999 йилда 46, 18, 2000 йилда 42, 63, 2001 йилда 42, 66 фоизни ташкил этган. Биологиядан вилоятлар ўртасида энг юқори кўрсаткич 2001 йилда Бухоро ва Тошкент шаҳри абитуриентлари эгаллаган бўлса, энг паст самарадорлик Сирдарё ва Сурхондарё абитуриентларининг натижаларида кузатилди. Кимё фанидан эса 2000 йилда 36, 43, 2001 йилда 35, 78 фоизни ташкил этган. Шу фандан вилоятлар ўртасида энг юқори кўрсаткич Тошкент ва Бухоро вилоятлари вакиллари ҳисобида ёзилган бўлса, энг паст кўрсаткич Навоий ва Наманган вилоятларига тўғри келган.

Республикамиз туманлари ўртасида кимё-биология фанларидан охириги уч йилда Навоий вилояти Учқудуқ тумани энг паст натижага эга бўлган. Масалан, биология фанидан 1999 йилда 21,3, 2000 йилда 23,5, 2001 йилда 23, 3, кимё фанидан 2001 йилда 22,20 фоиз бўлган.

Биз аҳволни ўрганиш ва методик хизмат кўрсатиш мақсади-

да Навоий вилояти Учқудуқ туманида бўлди. Сирасини айтганда, Учқудуқ туманида 29 та умумтаълим мактаблари бўлиб, туман марказида 2 та рус, 2 та ўзбек ва 25 та қозоқ мактаблари фаолият кўрсатиб энг узоқда жойлашган мактаблар Учқудуқ шаҳридан 130-140 чақиримни ташкил этади.

Туман мактабларида биология фанидан 18 нафар ўқитувчидан 14 нафари олий, 4 нафари ўрта маълумотли, кимё фанидан 15 нафар ўқитувчидан 11 нафар олий, 4 нафари ўрта маълумотли ўқитувчилар бўлиб, биологиядан 18 та ўқитувчидан 7 нафари, кимёдан 6 нафар ўқитувчилар (рус тили, физика, математика фани мутахассиси ҳамда агроном) мутахассис бўлмаган ҳолда ўқувчиларга кимё-биология фанларидан мутахассис етишмаслиги туфайли дарс бермоқдалар.

Тумандаги 3, 4, 7, 9, 10 ва 29-мактабларда кимё-биология фан кабинетлари бугунги кун талабига бирмунча жавоб беради. Кўпчилик мактабларда тажриба ва амалий ишларни бажа-

риш учун тўлиқ шароит йўқ. Туман ўқитувчиларининг кўпчилиги "Маърифат" газетаси ва "Халқ таълими" журналларига обуна бўлмаганлар. Ўқувчиларнинг 75 фоизи дарсликлар билан таъминланган.

Учқудуқ туман халқ таълими бўлими (мудир Р.Токпанова) Давлат тест марказининг 2001 йил тест таҳлилинини ўрганиб чиқиб, 9 январь 2002 йилда чуқур муҳокама қилиб, 12/3-сонли қарор қабул қилган. Қарорга асосан туман мактабларида кимё-биология фанларининг ўқитилишини яхшилаш ҳақида

кучайтириш ва ўрта маълумотли ўқитувчиларнинг олий ўқув юрларининг сиртки бўлимларига ўқишга юбориш каби бир қатор ишларни режалаштирганлар.

Туманда илғор педагогик технология асосида ишлаётган 1-мактаб биология ўқитувчиси Г.Ералиева, 3-гимназия-мактаб биология ўқитувчиси В.Мизякова, 6-мактаб биология ўқитувчиси М.Абдуллаева, кимё фанидан 1, 9-мактаб ўқитувчилари Т.Табарикова, М.Раҳмоновларнинг иш тажрибалари ўрганилган.

Туманда 2001-2002 ўқув йилининг 1-ярмида биология фанидан 3,995 ўқувчи таълим олиб самарадорлик 64,3 фоиз, худди шундай кимё фанидан 2,275 ўқувчини самарадорлиги 57,2 фоизни ташкил этган.

Биз тумандаги 7-,9-мактабларда бўлиб кимё-биология ўқитувчиларига фан кабинетларини замон талаби асосида жиҳозлаш, илғор педагогик технология асосида дарс ташкил қилиш, кабинетларда кичик кутубхона ташкил қилиш, тажриба ва лаборатория машғулот-

ларини ўтказиш учун шароит яратиш, хонаки гулларни кўпайтириш ва парвариш қилиш каби бир қатор методик маслаҳатлар бердик.

Биз семинар-кенгашда 2001 йилда Давлат тест марказининг Учқудуқ туманидаги абитуриентларнинг кимё-биология фанларидан олий ўқув юртига киришдаги тест синовларида туманлар ўртасида энг паст кўрсаткич эга бўлганлиги таҳлил қилиб, келгусида шу фанлардан ўқувчиларга чуқур билим бериш борасида йўл-йўриқлар ва бир қатор методик маслаҳатлар бердик. Шунингдек, ўқитувчиларга кимё-биология фанларига оид методик тавсиялар, дарс ишланмалари, дастурлар, методик ри-
созмалар, ўқув мавзуларини режалаштиришлар ва мустақиллик даврида чоп этилган методик қўлланмалар, тест топшириқлари тўпламларининг рўйхатларидан намуналар тарқатилди. Ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,
Нигора ҚОДИРОВА,
РТМ табиий билимлар бўлимининг методистлари

МЕТОДИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Jarayon

Энг азиз ва мўтабар зот она бўлса, эркаклар учун энг муқаррам ва қадрли киши рафиқа, энг сеvimли ва меҳрибон фарзанд — қиз боладир.

Биз ҳар доим ҳар дақиқа она-ларимизни, она-сингилларимизни, қўйингки аёлни эъзозлаймиз. Уларга иззат-икром, меҳрибончиликлар кўрсатамиз. Нега?

Хонадон чироғи, кўнгал тинчилиги, фарзандлар бахтиёрлиги сабабчиси ахир аёлда-да. Одатда энг чиройли сўзлар, энг яхши тилаклар ҳам аёлларга айтилади.

Аёллар, оналар қадим-қадимдан ҳам эъзозланган, улар илоҳий маъбудаларга тенглаштирилган. Софлик ва нафосат рамзи бўлган лобар ва гўзал қизларга кўшиқлар куйланган, шеърлар битилган.

Дунё пайдо бўлибдики, ҳаётни аёлдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Барча даврларда яшаган аёллар ҳам ўзларининг кучли ирода ва чексиз сабр-тоқат соҳибаси эканликларини билдирувчи ҳатти-ҳаракатлар қилиб, улуғликларини ҳар лаҳза таъкидлаб турадилар.

Фавкуллода ҳодисаларда аёллар эркакларга қараганда қатъийроқ ҳаракат қиладилар. Эра-мизнинг 2 асрида Рим императори Клавдийга қарши кўзгалонда иштирок этгани учун фуқаро Цецина Пет ўлим жазосига ҳукм қилинди. У зоқ вақт ўз жонига қасд қилишга юраги дов бермай иккиланганида (ҳар қалай жон ширин) жуфти ҳалоли Ария хан-жарни ўз кўксига уриб, сўнгра уни

эрига тутқазиб, «йўқ, ҳеч оғриқ сезмадим», дея мангуга кўз юмади.

Албатта, бу каби қурбон бўлиш аёлларнинг асл қиёфаларини, мардлик ва жасоратларини тўлиқ кўрсатмайди. Аёлларнинг баҳодирлигини, жасурлигини билиш учун яна Рим тарихига назар ташлаймиз. Узининг ақллиги, билимдонлиги билан донг таратган II нафар фарзанднинг онаси, бева Семпрония-Гракха ўз ҳаётини онасига бағишлайди. Унинг гўзаллиги,

«Девин» — мустаҳкам қалъа уларни эркаклардан ҳимоя қилар, девор ортида улар хунармандчилик билан ҳам, ҳарбий санъат билан ҳам бирдек шугулланар эдилар. VIII асрда тарихда қолган бир неча йил мобайнида аёллар эркакларсиз, озод, ҳеч кимга қарам бўлмай, ўз урф-одатлари ва қонунларига кўра мустақил яшадилар. Пшемисл исми шахс у ерда ҳам эркаклар ҳукмронлигини ўрнатилган учун босқин уюштириб, бу ғайриоддий қалъани ишғол этди. Аёвсиз жангда Вла-

йўловчиларни асир олган. Ўз асираси гўзаллиги, латофати қошида ожиз қолган қароқчи, ўз туйғуларини, қалб нидосини ҳеч иккиланмай бетакрор гўзаллик соҳибасига муҳаббат изҳори тарзида баён қилган ва тез орада унга уйланган. Ҳанузгача Америкада эр-хотин қароқчилар кўлга киритган ва Шимолий Каролина қирғоқларига кўмилган беҳисоб хазина ҳақидаги афсоналар мавжуд.

Ҳозирги кунга келиб аёллар ўз фазилятлари ва қобилиятлари-

ди. 1984-86 йилларда эмиграцияда яшашга мажбур бўлади. Ватанига қайтганидан сўнг Халқ партиясига бошчилик қилди ва мамлакатда демократияни қарор топтириш учун ҳаракат олиб бора бошлади.

Буюк Британияда бир қанча мuddат Бош вазир бўлиб фаолият юритган Маргарет Тэтчер, Американинг собиқ бош котиби Мадлен Олбрайт хонимлар ҳам ҳам оналик, ҳам сиёсий арбоблик, ҳам аёллик вазифасини аъло даражада удалаганлар.

Лекин — уй бекаси, сиёсий арбобми ким бўлишдан қатъий назар аёл аёллигича қолади. Аёл буюклигини, гўзаллигини, муҳтарам ва мунислигини эслатиб турувчи - 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами бор.

Ажиб тасодифни қарангки, Қадимги Римда аёллар байрами Матронамия ҳам март ойининг бошларида нишонланар экан. Ўз рафиқасини римликлар меҳр билан Матрона деб атаган эканлар. Шу кунни улар ўз соҳибларининг меҳри ва эътиборидан мамнун бўлиб, улардан совғалар қабул қилар, шу кунни қул аёллар ҳам турли тортиқлар билан сийла-ниб, дам олар эканлар. Аёллар кўчага ўзларининг энг чиройли кўйлақларини кийиб, ясаиб чиқар ва ҳаммалари Рим кўчаларини тўлдириб бориб, Веста — аёллар ва оналар ҳомийси, илоҳига сажда қилар, улардан она-сидаги осойишталикни сақлаб, она бўлиш бахтига мушарраф этишни сўраб ёлворар эканлар. Ахир аёл бахти - оналикда!

ҲАММА ДАВРЛАРДА ЭЪЗОЗЛИ, ҲАММА ЮРТДА ҚАДРЛИ

оқиллиги Миср фиръавни Птоломей қалбини маҳв этди, Миср ҳукмдори унга ўз қалби, тож-тахтини тортиқ қилади. Лекин Семпрония-Гракха ўз оналик бурчига содиқ қолиб, фиръавн муҳаббатини рад этади.

Чех княгиняси Любушанинг дугонаси, афсонавий Власта қалби муҳаббат, саҳоват, эзгулик билан тўла Семпрониянинг тамоман акси. Икки дугона бирлашиб, эркаклар ҳукмронлигидан аёлларни умуман озод қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Бунинг учун «Аёллар салтанати» тузишди, холос. Бу антиқа шоҳликда Любушанинг ўлимидан сўнг Власта ҳукмронлик қилди.

ста қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Амазонкалар ҳақида кўп эшитганмиз, фильмлар томоша қилганмиз. Қароқчи аёллар бўлганлигига нима дейсиз? Мисол учун ирланд гўзали — Мэри Блад ҳақида шундай маълумотлар бор экан: илоҳий гўзаллиги билан тилларда достон бўлган бу соҳибжамолнинг бўйи 190 см.дан юқори бўлган. Баланд бўлиш бу хоним жуда мафтункор, сервиздор ва назокатли кўринган. Унинг денгиз қароқчисига айланиб қолишига бир воқеа сабаб бўлган. Америка сафарига отланган, бир маромда сузиб кетаётган кема тинчини XVIII асрда ном чиқарган Эдвард Тич исми қароқчи бузган ва кемани талаб, ундаги

ни бошқачароқ кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар сиёсий арбоб сифатида майдонга чиқиб, жаҳон оммасини лол қолдирмоқдалар. 1983 йили муҳолифлар томонидан ўлдирилган Филиппиннинг собиқ президенти Б.Акинонинг беваеси, беш фарзанднинг онаси Карасон Акинони 1986 йили халқ ва ҳарбийлар кўлаб-қувватлаб, унга ишонч билдириб Филиппин Республикаси президенти этиб сайлайди.

Беназир Бхутто 35 ёшида Покистон бош вазири бўлди. У Англия ва Америкада таълим олиб, 1977 йилда ватанига қайтди. Отасининг фожиаи ўлиmidан сўнг, 1979 йилдан бошлаб, ўзининг сиёсий фаолиятини бошла-

КЎКЛАМ КЎКАТЛАРИ

Ҳар бир киши баҳорни ўзгача бир ҳаяжон, ўзгача бир интиқлик билан кутади. Чунки кўнгалларни қувончга тўлдириб келадиган баҳорда табиат билан бирга инсоннинг ҳис-туйғулари ҳам уйғонади. Яшашга, яратилганга бўлган завқи кучаяди. Совуқ ва изгири қиш фаслидан руҳлари синиққан одамлар баҳорни сеvimч ва хурсандчилик билан қаршилайдилар.

Яшилликка бурканган она замин саҳоватининг чек-чегараси йўқлигини яна бир карра баҳорда ҳис этади, одамзот.

Бу фаслнинг биринчи даракчилари қалдирғоч ва бойчечак, бинафшаю, момақаймоқ эканлигини яхши биламиз. Ялпиз, рабоч, лола, исмалоқ, жағ-жағ каби кўкатлар ҳам баҳорнинг илк гиёҳлари ҳисобланади. Уларнинг даракчиликлари ҳам бошқа яна қандай хусусиятлари бор?

ЯЛПИЗ

Ялпиз лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ҳиди хушбўй, унинг янги униб чиққан барглари суюқ овқатларга маза киритади. Баҳорда ариқ бўйлариди, боғларда, бедаполярда ва адир ёнбағирларида бодраб чиқади.

Янги ялпиздан бошқа кўкатлар билан биргаликда сомса, чучвара, кўкпатир қилинади.

Ялпиз ўсиб, бўйи бир-бир ярим метргача боради. Шу вақтда ўриб олиниб, қоқи қилинадиган мевалар остига тўшалади. Айниқса, ялпиз пояси устида қуритилган ўрик (туршак) ялпиз ҳидини ўзига олиб, хушбўй бўлиб қолади ва бир неча йил сақланганда ҳам қурт тушмайди.

Таркибида турли витаминлар ва ифори мойи кўп бўлганлиги учун ундан фармацевтика, кондитер ва парфюмерия саноатида фойдаланилади.

Ялпизнинг шифобахшлигини Ибн Сино жуда кўп гапирган: «Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардоби ичиб турилса, веналарни кенгайтиради. Ялпиз истеъмол қилиш мововга фойда қилади... Унинг шираси қовуқдаги қуртларни ўлдиради... Айниқса, анжир билан бирга ейилса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилтларни ҳайдайди. Ялпиз, хусусан ёввойиси иштаҳа камлигида, меъда заифлигида, ҳиқичоқ тутганда фойда қилади».

ЛОЛА

Кўпчилик лола деса алвон рангдаги, кўз камаштирувчи гулни тушунади. Лекин лоланинг қизил, сариқ, тарғил, пушти, қора ва бошқа хиллари ҳам мавжуд.

Республикамизда унинг йигирмадан ортиқ турлари учрайди.

Баҳордан бошлаб ёз ўрталаригача ўлкамизда лолалар очилиб ётади. Тошкент атрофларида, айниқса, Келес худудида, Бўстонлик тоғ этакларида лолалар қийғос очилади.

Халқимиз лолани жуда қадрлайди. Уни ҳовли-жойларда, боғу роғларда ҳам экиб парваришлайди.

Лола фақат кўз қувнатувчи, кишига хузур берувчи манзарали гулгина эмас. Унинг ер остидаги туганаги (пиёзи) халқ табобатида томир, қон, бод, ошқозон касалликларини даволашда қўлланилади. Яна ундан яраларни даволашда малҳамлар тайёрланади. Пиёзи қайнатиб олинган сув билан нафас йўлини, ичак касалликларини даволашган. Лола туганаги озиқ-овқат сифатида ҳам ишлатилади. Унинг таркибида крахмал, қанд ва алкалоидлар бор. Лола гулидан бўёқлар олиш мумкин. Ундан олинган бўёқ айнинамайди ва зиёнсиздир.



Келишинг ўзгача бу гал, Баҳорим!

ЖАҒ-ЖАҒ ЁКИ ТУМОРЛИ ГИЁҲ

Халқимиз жағ-жағ кўкатида турли-туман тансиқ таомлар тайёрлаб, унинг шифобахш хосиятларидан баҳраманд бўлади. Жағ-жағ (баъзилар очамбити деб аташади) ўлкамизнинг барча худудларида ўсади.

Халқ табобатида бу гиёҳ ўзининг қон тўхтатиш хусусияти билан танилган. Меъда, ўпка, бурундан қон кетгудек бўлса, жағ-жағдан дамлама тайёрлаб берадилар. Жағ-жағ бугунги медицинада ҳам қўлланилмоқда. Гиёҳнинг қон тўхтатиш хусусиятидан бошқа ижобий томонлари ҳам кўп. Жағ-жағ қон босимини тушириб, ичак фаолиятини яхшилайдди. Шу боис бўлса керак, халқимиз бу ўсимлик кўкатида айна баҳор дамлари чучвара, сомса, шўраки таомлар тайёрлаб истеъмол қилишади.

Siz pazandasiz...

ШИРАДОР ФРАНЦУЗ ШОКОЛАДИ

Ушбу шоколад байрам дастурхонини безаш билан бирга, фарзандларингиз учун энг сеvimли ширилик бўлади. Бу шарбатни 1,5 литр қилиб тайёрлаш учун: бир литр минерал сув, 325 гр какао шоколад, 125 гр қандсиз какао кукунни, 225 гр шакар керак бўлади.

Паст оловда минерал сув иситилади. Унга бўлақларга бўлинган шоколадлар қўшилиб, қошиқ билан секин-аста эритилади. Какао кукунни ва шакар ҳам аралаштирилиб, 4 дақиқа қайнатилади. Оловдан олгач, у яна яхшилаб аралаштирилади ва ишлов берилади. Сўнгра музлатгичга қўйиб 30 дақиқа сақланади.

СЕРШИРА ШОКОЛАД

Ушбу шириликка қуйидаги масалликлар: 230 гр какао шоколад, 4 дона тухум, 50 гр шакар, 60 гр ун, 50 гр сут, 50 гр қуюлтирилган сут (қаймоқ ҳам бўлаверади), 170 гр сариёғ керак бўлади.

Газ духовкаси 150 градусга қиздирилади. Патнисга ёғ суриб, бўлақларга бўлинган шоколадлар солинади. Алоҳида идишда тухумни оқидан ажратиб, сариёғга шакар солиб кўпиргунча аралаштирилади ва унга ун қўшиб жуда ҳам қуюқ қилмаган ҳолда яна аталанади.

Сут, қуюлтирилган сут (қаймоқ) ва сариёғ ҳам яна бошқа идишда қайнатиб олинади. Уни оловдан олгач, эритилган шоколадларни патнисдан олиб яна аралаштирилади. (Агар масаллик қуюлиб қолса, оловга қўйиб олиш мумкин).

Тайёр бўлган массага тухум сариғи ва тайёрланган масаллик қўшилиди, тез-тез аралаштирилади. Ёғ суртилган идишга масаллик безатилган ҳолда солинади ва 7 дақиқа печда қиздирилади. Сўнг совутгичда қотгунча сақланади.

Душанба, 11

«Ўзбекистон» телеканали
Телекомпаниялар диктатига!
Профилактика муносабати билан
душанба 11 март кун «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари
соат 15.00 дан бошлаб
кўрсатилади

15.00 «Олтин тож».
15.30 «Туртинчи ҳокимият».
15.50 «Ошин». Телесериал.
16.20, 17.10 ТВ-анонс.
16.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада - симфоник оркестрининг концерти.
16.50 «Рангин дунё».
17.15 Футбол бўйича Ўзбекистон XI чемпионати. «Насаф» (Қарши) - «Металлург» (Бекobod).
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хамма гап шляпада». Мультфильм.
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз». 5-курсатув.
21.20 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.45 «Спорт, спорт, спорт».
22.00 2002 йил - қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.30 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 73-қисм.
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: Уй вазиаси.
10.20 Мультфильм.
10.40 Яшанбада кўришгунча.
10.55 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 Давр-News.
12.40 Улмас Умарбеков «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.55 Спорт ҳафтаномаси.
14.10 «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
15.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.55 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
16.10 «Мен сизни севардим». Бадий фильм.
17.35 Курсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» почтаси: Билагон маслаҳати.
18.10 «Роки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 1-қисм.
18.25 Муқаддас бурч.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Иқтисод-News.
19.40 «Изтироб». Видеофильм.
20.15 Ёшлик навалари.
20.30 Ёшлар овози.
20.55 «Эсмералда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қавҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экранни. «Этик кийган мушук», «Том ва Жерри». Мультфильмлар.
18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.25, 20.00, 21.25, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста».
19.10 «Сув ости экспедицияси».
19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-News».
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Мусиқий меҳмонхона».
22.50 Кинонигоҳ. «Чарли трубадан салом».

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Терговни билимдонлар олиб боради». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
18.25 М. Евдокимов хузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кўтгил».
20.00 «Томошабинларга қарши». Телеуйин.
21.00 Время.
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «ТВ-Ада Немис тўлкени».
22.40 Кинематограф. «Тўфон».
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Сешанба, 12

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Камалак».
9.30 «Сизга таъзим». Шейрий композиция.
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулк».
10.25 ТВ метео.
10.30 «Туртинчи доирадаги бир кеча». Бадий фильм.
11.40 ТВ клип.
11.50 Биржа ва банк хабарлари.
12.05 «Кино оламида».
12.25 «Куйла, ёшлигим».
12.50 «Париси бор уй».
13.20 «Спорт, спорт, спорт».
